

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИНОЯТ ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

МАЪРУЗА МАТНИ

Тошкент – 2016

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ривожланган мамлакатлар ичида ўзининг Конституцияси ва амалга ошираётган ислохотлари билан ўзига хос нуфузга эга. Жумладан, мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида суд-хуқуқ ислохоти соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами бир неча ун йилликларга тенгки, уни алоҳида ўрганиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. «Жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқлари, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, - дейди Президентимиз И.А.Каримов, - уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгиланиш ҳақидаги барча сузларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади».¹

Ушбу қўлингиздаги дарсликнинг ҳам асосий манбаси мавжуд. Бу Жиноят - ижроия кодекси. Жиноят-ижроия ҳуқуқи дарслиги ҳуқуқнинг бу соҳасида яратилган иккинчи дарслик ҳисобланади. Бизга маълумки, Жиноят-ижроия кодекси 1997 йил 25 апрелда қабул қилинди, ўша йилнинг 1 октябридан эса кучга кирган. 2003 йилда эса бу кодекснинг баъзи бир моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, бизнинг дарслик бу янгилликларни барчасини ўз ичига камраб олган. Зеро, бизнинг асримизда «янги ахборот эгаси-дунё эгаси» шиори илгари сурилмоқда, шундай экан, қонунчиликдаги ўзгаришлардан воқиф бўлмоқ ҳар бир ҳуқуқшунос учун шарт.

«Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликни ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ бўлди, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради», -деб айтган эди И.А.Каримов.²

Мазкур дарсликда ўқувчи ҳозирги пайтда республикадаги жазони ижро этиш колониялардаги маҳбусларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, турли хилдаги жиноий жазоларни ижро этиш, жиноий жазоларни ижро этиш қонун-қоидалари, уларни қай тарзда тайинланиши ва озод қилиш қоидалари билан батафсил танишиб чиқиш имкониятига эга бўлади. Энг асосийси, айрим хориж давлатларидаги жазоларни ижро этиш билан боғлиқ энг сунгги маълумотлар дарслик мавзуларидан жой олган.

Бундан ташқари, дарсликда жазоларни ижро этиш билан боғлиқ бўлган турли хилдаги қонун ва кодекслардан ҳам фойдаланилган. Масалан, Жиноят Кодекси, 2000 йилда муаллифлар жамоаси томонидан нашрга тайёрланган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига шарҳ, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларини либераллаштириш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

¹ И.А.Каримов. Адолат-фаолиятимиз асоси бўлсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 59-бет.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997й. 85-бет.

Бугунги кунда жиноятларни адолатли тарзда ижро этиш-жамият ҳаётини ҳимоялашнинг ўзига хос белгисидир. Юқорида айтиб ўтилган, 2001 йил 29 августда қабул қилинган жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун ҳам қонунчилигимизга янгилик сифатида кириб келди ва албатта ўз натижасини беради.

ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ ҚИСМИ

Жиноят Кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилиниб, 1 октябрда кучга кирган Жиноят-ижроия кодексига 2003 йилда янги қушимча ва ўзгартиришлар киритилди. Янги қонунчилик ҳужжати жиноий жазоларнинг барча турларини ўз ичига қамраб олди. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шахс эркинлиги, шахс мустақиллигини, унинг даҳлсизлиги ҳимоя қилинишини тақозо этади. Мустақил республикамиз Конституцияси ва қонунларида шахс даҳлсизлиги белгилаб қўйилган, бошқача қилиб айтганда, барча қонунлар инсон манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи даркор. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг 26-моддасида таъкидланганидек, «хеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-кимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас».

Жиноят-ижроия ҳуқуқининг умумий қисми ўз ичига 1 бўлим, 4 боб, 18 моддани қамраб олган.

I-бўлим: Асосий қоидалар.

I-боб: Умумий қоидалар. (1-7 моддалар).

II-боб: Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати (8-13 моддалар).

III-боб: Жазоларни ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи муассасалар ва органлар (14, 15-моддалар).

IV-боб: Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини текшириш ҳамда назорат қилиш (16-18 моддалар).

Умумий қоидаларда жиноят–ижроия қонун ҳужжатлари, жиноят–ижроия қонун ҳужжатларнинг вазифаси, бу ҳужжатларнинг амал қилиши, уларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳамоҳанглиги, жазоларни ижро этиш асоси, жиноят–ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари ва маҳкумни ахлоқан тузатиш ҳамда ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари ўрганилади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатида улар ҳуқуқий ҳолатининг асослари, маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари, юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш, маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқи, маҳкумларнинг виждон эркилигини таъминлаш, уларнинг асосий мажбуриятлари каби ҳуқуқий нормалар ўрганилади.

Жазоларни ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар бобида эса биз жазоларни ижро этувчи муассаса ва органларнинг фаолияти ва улардаги жазоларнинг ижро этилиши ҳақида фикр юритганмиз.

Ниҳоят, умумий қисмнинг туртинчи боби булмиш «Жазоларни ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар фаолиятини текшириш ҳамда назорат қилиш» да давлат ҳокимияти

томонидан текширувлар ўтказиш, прокурор назорати, жазони ўташ жойларига кириш каби тушунчалар батафсил ёритилган.

Барча ҳуқуқий соҳаларда бўлгани каби Жиноят-ижроия ҳуқуқининг умумий қисмида ҳам ўзига хос бўлган таянч тушунчалар мавжуд. Бу тушунчалар кейинчалик Махсус қисмида ўрганиладиган мавзулар учун базис, яъни устқурма вазифасини ўтайди.

1-МАВЗУ.

Жиноят-ижроия ҳуқуқининг асосий қоидалари, фан тушунчаси, предмети ва тизими. Жиноят ижроия қонунчилиги

Жиноят – ижроия ҳуқуқи фани тушунчаси.. Жиноят – ижроия ҳуқуқи фани предмети. Жазоларни ижро этиш вақтида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари. Жиноят – ижроия ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида турган ўрни. Жиноят – ижроия ҳуқуқи фани ва унинг жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи, педагогика, психология ва криминология фанлари билан алоқадорлиги МДХ чет давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунчилиги ривожланиш тарихи. Жиноят – ижроия ҳуқуқи қонунчилиги принциплари. Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида жиноят ижроия ҳуқуқи фани олдида турган вазифалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Жиноят-ижроия кодекси (ЖИК) мустақил Ўзбекистон Республикасида нафақат жиноий жазоларни, балки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этишнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди ва айнан шундай қонун-қоидалари билан илгариги жазони ижро этиш қонунчилигидан тубдан фарқ қилади. Аввалги (1970 йил 24 июндаги) Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексида жиноий жазоларнинг фақат ахлоқ тузатиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинггина ҳуқуқий асоси назарда тутилиб, жиноий жазоларнинг ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилмаган бошқа жазо турлари турли хилдаги ҳуқуқий актлар билан тартибга солинар эди. Лекин жиноий жазоларнинг бошқа ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ бўлмаган бир неча турлари ҳам мавжуд эди. Янги ЖИК жиноий жазоларнинг барча турларини, шу билан бир қаторда жазо билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этиш қоидаларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг предметини ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизими ва тарбиявий ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ташкил этади.

Жиноят-ижроия қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-ижроия кодекси, Жиноят кодекси ва юқорида зикр этилган асосий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан ташкил топади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари:

- жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини;
- маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;
- маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;
- маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;
- жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини;

- маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилайди.

Жазоларини ижро этишда ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органи ва жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этади. Бу ҳолат жиноят-ижроия ҳуқуқи фанида жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатлари дейилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатлари давлат номидан жазо ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи орган ёки муассаса ва иккинчи тарафдан суднинг ҳукми ёки уни ўзгартирувчи ажрим қарори, жазодан озод қилувчи махсус авф фармони қўлланган шахс ўртасида вужудга келади. Бу ҳуқуқий муносабатлар негизида ахлоқан тузатиш муносабатлари намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия қонунчилигини ЖИК ва жазоларни ижро этишнинг бошқа ҳуқуқий асослари ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилдаги янги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ЖИКида жазоларни ижро этиш борасидаги бир қанча қоидалар ҳаракатдан тўхтатилди ёки янги қонунчиликка мослаштиришни тақозо этди.

Жиноят-ижроия қонунчилиги маҳбусларнинг жазоларни ўташ ва тугалланиш ҳолатлари шартларини, маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларини, орган ва муассасалар фаолияти устидан текширув олиб боровчи назорат органларининг тартиб-қоидаларини белгилайди. Зеро, маҳкумларни ахлоқан тузатиш масаласи ҳар бир жазонинг ўзига хос хусусиятларида акс эттирилади. Ахлоқан тузатиш масаласи ҳар бир жазода белгиланганидек, аниқ вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади. Бу ҳар бир жазони тартибга солувчи тартиб-қоидаларда ифодаланади. Бу вазифалар ҳар бир жазо ижросини таъминлашда ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, жарима жазосини ижро этишда давлат ва жамият манфаатлари ҳимоя қилинади ҳамда маҳкум учун маълум ҳуқуқ ва манфаатлар берилади. Маҳкумга берилган ҳуқуқ ва бурчлар унинг ахлоқан тузалишига қаратилади. Масалан, маҳкумлар билан тарбиявий ишларнинг олиб борилиши, турли хилдаги бадий, спорт ва касб-хунарга оид бўлган тўғарақларнинг ташкил қилиниши ва ҳоказо. Жиноят қонунчилигининг ошкоралиги содир этилиши мумкин булган жиноятларнинг олдини олишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Амалдаги жиноят қонунчиликларида маҳкумларни ахлоқан тузатиш вазифаси уларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашдан иборат. Ҳатто, юртбошимиз И.А.Каримов ҳам ўз нутқларида жазоларни ижро этувчи муассасалар жазоларни ижро этиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширибгина қолмасдан, балки тарбия ўчоғи сифатида намоён бўлишини таъкидлаб ўтган эдилар. Жиноят содир этган шахсларни ҳар доим ҳам биз тарбиясиз шахс дея олмаймиз. Бундай шахсларнинг ахлоқи бузилган шахслар дейиш тўғрироқ бўларди, назаримизда. Жиноят-ижроия ҳуқуқи қонун нормаларида ҳам ахлоқан тузалганлик тушунчаларини кўришимиз мумкин. Масалан, муддатидан илгари жазодан озод қилиш, турли хилдаги қўшимча имтиёзлар бериш ва ҳоказо.

Жиноят-ижроия ҳуқуқининг мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш бўлиб ҳисобланади.

Жиноят-ижроия кодекси Жиноят кодексининг 42-моддасида баён қилинган жазонинг мақсадини амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганлигига карамай, унинг 2-моддасида жиноят-ижроия қонунинг вазифаларини кенгрок талқин қилиб берган.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифалари:

- а) жазо ижросини таъминлаш;
- б) маҳкумларни ахлоқан тузатиш;
- с) жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;
- д) маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

Юқорида зикр этилган вазифалар орқали маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатларининг белгиланиши уларнинг жамият тартиб қоидаларини ҳурмат қилишга ва уларни бажаришга ўргатади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси - жиноятчилик сабабларини аниқлаш ва жиноятчиликка қарши кураш. Сўзимиз исботи сифатида Президентимиз И. А. Каримов ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларида таъкидлаганларидек, - «Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмокда, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмокда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади»³.

Юқоридаги жумлалар миллий ҳуқуқ соҳасининг барчасига дахлдор бўлиб ҳисобланади. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари инсонпарварлик принциpidан келиб чиққан ҳолда ҳар бир жиноятчига жазо тайинлайди ва шу билан бирга жамият ҳуқуқларини поймол бўлишига йўл қўймайди.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Жиноят-ижроия кодексининг 3-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади. Жазоларни ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳам амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда қўлланилади. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шу билан бирга, суверен Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам қонун ҳужжатларига риоя этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси жуда кўплаб халқаро ҳужжатларни ратификация⁴ қилганлиги барчага маълум, жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ҳам халқаро ҳуқуқнинг муомаладаги принцип ва нормаларини инобатга олиб боради. Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддасида белгиланганидек, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан

³ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бусағасида. Тошкент. «Ўзбекистон» 1997 й. 93-бет.

⁴ Ратификация (лот. Тасдиқ қилмоқ)-халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши. «Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар» Тошкент «Адолат» 1999 й.

бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Шуни таъкидлаш даркорки, Ўзбекистон 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини ратификация қилган. Масалан, унда ҳеч бир шахс қийноққа солиниши мумкин эмаслиги (5-модда) уқтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан жиноят-ижроия ҳуқуқига оид ратификация қилинган баъзи халқаро ҳужжатлар:

- 1948 йил қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси;
- 1966 йил қабул қилинган «Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида» ги Пакт;
- 1984 йил қабул қилинган «Инсон шаъни, қадр-қимматини ҳўрлашга қарши» Конвенция;
- 1990 йил қабул қилинган БМТнинг вояга етмаганларнинг ишини ҳимоялаш тўғрисидаги меъёрий акт.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддасида халқаро ҳужжатларга асосланган ҳолда жазони ижро этиш учун суднинг қонуний қучга қирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки авф акти асос бўлади деб белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қонун ва кодекслар қабул қилиндики, буларнинг ҳаммаси республикамызда халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, қонунларга оғишмай амал қилиш ва жазоларни ижро этишда ўзига хоса аҳамиятга эга. Давлатнинг равнақига, унинг ривожланишига жиноятчилик жиддий тўсиқ бўлишига қарамасдан давлат бундай иллатга қарши фақат адолатли қонун ва унга белгиланган жазолари билан курашади. Аввало, бу курашнинг долзарблиги шундаки, мустақил Ўзбекистон Республикаси келажакда фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, сўнгги йилларда жиноят учун жазо тизимини либераллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жазоларни ижро этиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- жазо ўтаётган маҳкумларнинг қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш;
- маҳкумларни қайта тарбиялаш орқали ахлоқан тузатиш;
- Ўзбекистон Республикасида мавжуд жазо ўташ тартибини халқаро андозаларга мослаштириш ва шакллантириш масалаларининг ҳуқуқий жиҳатлари;
- жазоларни ижро этиш муассасалари, органлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш, уларга хос бўлган хусусиятларини тадқиқ этиш;
- ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятлари.

Ҳозирги даврда жазоларни ижро этиш борасида Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга эришилмоқда ва маҳкумга собиқ иттифоқ тузуми давридаги «хавфли жиноятчи» назари билан қараш

фикри фуқароларимизда аста-секинлик билан йўқолиб бормоқда, сабаби юртимизда инсон манфаатларига ҳурмат билан қаралиб, унинг шаън ва қадр-қиммати эозланиб келинган ва келинаяпти. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб жазо ва уни ижро этиш масалаларига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, фуқароларимизнинг ҳақ ҳуқуқлари, шаъну қадр қиммати биринчи ўринга қўйилди. Бунинг сабаби шундаки, асрлар давомида ота-бобларимиз томонидан инсон Оллоҳ томонидан яратилган энг улуғ зот сифатида эътироф этилиб, ҳаттоки энг ашшадий жиноятчи ҳам, жазо тайинлаш ва жазоларни ижро этиш адолатли бўлишига ҳаракат қилиб келинган. Шу маънода мустақиллигимизга эришилгач, жазо тайинлаш ва жазоларни ижро этиш бўйича республикамызда қонунчилик тизимини ривожлантириш ва қонунларни мукамалроқ ишлаб чиқиш мақсадида ривожланган давлатларда амалга оширилаётган бу борадаги ислохотларни ўрганиш ва уларнинг жаҳон андозаларига мос тарафларини жазоларни ижро тизимига тадбиқ этиш фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шартларидан бири сифатида тилга олинади. Зеро, ҳозирги даврда жазоларни адолатли ижро этиш, жазони ижро этиш муассасалари, органлари ва вазифаларининг асосий хусусиятларини ўрганиш энг долзарб масалалар сирасига киради, уни атрофлича чуқур тадқиқ тадқиқ этиш ҳар бир ҳуқуқшунос учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шунингдек, Ўзбекистон Републикаси Жиноят кодексининг 73,74-моддаларига кўра, маҳкумларни муддатидан аввал шартли равишда жазодан озод қилиш ёки уларга нисбатан тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш суднинг қарорига асосан амалга оширилади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқининг принциплари

Жиноят-ижроия ҳуқуқи мустақил фан сифатида бошқа ҳуқуқ соҳалари сингари ўзининг тамойилларига эга.

Жиноят-ижроия қонунчилиги жазоларни ижро этишнинг тамойиллари ва қоидаларини белгилаб берган. Булар бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланиш ҳолатларини ўзида акс эттиради. Жиноят-ижроия ҳуқуқи тамойиллари 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида берилган. Унда айтилишича: «Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади».

Бу тамойиллар Жиноят-ижроия кодексида берилган бўлишига қарамай, ҳозиргача батафсил ёритилмаган. Маҳкумларни, қонунбузарларни жазолашда қонунчиликда кўрсатилган тамойилларнинг катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Жиноят-ижроия қонунчилиги тамойиллари қуйидаги хусусиятларини ўзида ифода этади:

- ҳуқуқнинг бу соҳаси ўз навбатида мақсадга мувофиқ йўналишларини белгилаб беради;

- жазоларни ижро этишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш йўналишларини белгилайди;

- жиноят ижроия қонунларининг халқаро қонунларга мувофиқлигини таъминлаш имконини беради;

- маҳкумларнинг жазоланиш ва уларнинг инсонийлик муносабатларини тартибга солиш имкониятини яратади;

Ҳуқуқшунос олимлар жиноят-ижроия ҳуқуқи тамойилларини ўрганишни осонлаштириш мақсадида уларни қуйидагича таснифлашган:

Умумий тамойиллар:

а) қонунийлик;

б) адолат;

с) инсонпарварлик;

д) демократизм.

Махсус тамойиллар:

а) жазони ижро этишда дифференциацияга риоя этиш;

б) жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш;

с) маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш;

д) мажбурият воситаларини оқилона қўллаш.⁵

Россия Федерацияси Жиноят-ижроия ҳуқуқида Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия ҳуқуқидан фарқ қилган ҳолда қўшимча тамойиллар ҳам мавжуд. Булар: маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги, барча учун тенг бўлган эҳтиёткорлик чора-тадбирларини кўриш ва маҳкумларга нисбатан жазони амалга ошириш билан бир қаторда тарбиявий ишларни олиб бориш тамойиллари кўрсатиб ўтилган.⁶

Жиноят-ижроия ҳуқуқи тамойиллари ҳақида фикр билдирар эканмиз, уларни бирма-бир, алоҳида-алоҳида талқин этиб чиқиш лозим.

Қонунийлик тамойили - ҳуқуқ соҳаларининг бевосита асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам халқаро ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бу қонун мустаҳкамлаб ўтилган. (Конституциянинг 14-15 моддалари).

Қонунийлик тамойили жиноят-ижроия қонунда қуйидагиларда ифодаланади. Жумладан, жиноят содир этиб суд ҳукмига кўра айбли деб топилган шахснинг жазони ўташининг барча ҳолатлари қонун билан тартибга солинади. Ҳаттоки маҳкумларни жазодан озод қилиш ва жазони ижро этиш муассасаларидан чиқарилиш ҳолатлари ҳам шу тамойил билан тартибга солинади. Бу эса маҳкумларни қонунларни ҳурмат қилишга ва уларга бўйсунушга ўргатади. Қонунийлик тамойилининг бажарилиши кодекс бўйича (16-17 моддалари) давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари ва прокурор томонидан назорат қилинади.

Одиллик тамойили жиноят-ижроия қонунчилигида катта аҳамият касб этади. Жумладан, ҳар қандай маҳкум гарчанд жиноятчи бўлишига қарамай,

⁵ М.А. Абдухаликов, Қ.П. Пайзуллаев, Ш. Ё. Абдукодиров «Жиноят-ижроия ҳуқуқи» (альбом схемалар) Тошкент 2005 йил.

⁶ Муаллифлар жамоаси, (И.А.Зубков таҳрири остида) «Уголовно-исполнительное право России» Москва, «Норма» 1997 йил, 388-бет.

одиллик тамойили асосида жазодан озод қилиниш имкониятига эга бўла олади. Одиллик тамойилининг қонунга тадбиқ этилиш қоидалари давлатнинг жинойт содир этган маҳкумларга нисбатан ижтимоий муносабатини англатади. Жинойт қонунчилиги нормаларида жинойт содир этган шахсларни авф этиш нормалари сақланишининг ўзи одиллик тамойилидан далолат беради.

Шунингдек, Жинойт-ижроия кодекси нормаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш йўлига ўтганлиги, меҳнатга ҳалол муносабат бўлганлигини ҳамда жамият қонунларини ҳурмат қилиш ва уларни бажариш руҳида бўлганлигини исботлай олиши, уларнинг шароитларини енгиллаштиришига ва ҳатто жазодан бутунлай озод бўла олишларининг қонунда акс эттирилганлиги одиллик тамойилидан далолат беради.

Инсонпарварлик тамойили ҳам Жинойт-ижроия қонунчилигининг умумий тамойилларидан бири сифатида турли хил шакл ва йўналишларда намоён бўлади. Жумладан, амалдаги Жинойт-ижроия қонунчилигида аввалги қонунчиликдан фарқли равишда, маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларига нисбатан инсонпарварлик кенг доирада қонунийлаштирилиб, бу масалалар халқаро ҳужжатларда ўз аксини топди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилинган шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш олиб ташланган. Уларга инсонпарварлик тамойили асосида жуда кўп имтиёзлар берилган. Масалан, турли хилдаги посилка ва бандероллар юбориш, йўқлов ва хат ёзишмалари олиб бориш ҳамда қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар белгиланган. Қонунларни либерализация ва ислоҳ қилиш ҳамда жаҳон стандартларига мослаштириш жараёнида уларга бериладиган имтиёзлар янада кўпайтирилди, учрашувлар муддатлари ва сони узайтирилди. Лекин, инсонпарварлик тамойилининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маҳкумларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланиш маҳкумнинг ўзига боғлиқ. Агарда маҳкум жамоат ишларида фаол қатнашиб, ўзининг хулқ-атвори, бажарадиган иши билан атрофдагиларга ўрнак булса, кўшимча имтиёзлар берилади.

Инсонпарварлик тамойили халқаро андозаларга мослаштирилди. Масалан, Н. исмли маҳкумга нисбатан жазо тариқасида энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридаги жарима жазоси тайинланган. Аммо бу шахс жаримани тўлай олмаса бу жазони қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштириш мумкин. Бунда қамоққа алмаштирилган тақдирда бир ойлик қамоқ энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жарима жазоси билан алмаштирилади. Қамоқ жазосининг энг кўп муддати эса олти ой қилиб белгиланган. Инсонпарварлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг олтимиш баравари миқдоридаги жарима қамоқ жазоси билан алмаштирилиб қолган қисмидан воз кечилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилишнинг қандай жинойт содир этишларидан қатъи назар вояга етмаганлар ва аёлларга ҳамда 60 ёшдан ошган эркекларга нисбатан бутунлай қўлланилмаслиги ҳолатларининг қонуништирилиши, маҳкумга азоб берувчи, қийноққа солувчи ёки бошқа хилдаги маҳкумнинг шахсини таҳқирловчи ҳолатларга чек қўйиш мақсадида

махкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонунларининг киритилганлиги, вояга етмаганлар, аёллар ва ёш боласи бор аёллар жазони ўташда турли хилдаги имтиёзларнинг яратилиб қўйилганлиги инсонпарварлик тамойили қафолатидир.

Шунингдек, маҳкумларнинг хоҳлаган вақтда тиббий ва юридик ёрдам олиш ҳуқуқларининг қонунлаштирилганлиги инсонпарварлик тамойили натижасидир.

Умумий принциплардан сўнггиси бу- демократизм тамойили бўлиб ҳисобланади. Демократия («демос»-халқ, «кратия»-ҳокимият)- ҳар бир шахснинг ўз эркинлиги ва мустақиллиги, эркин фикр билдира олиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ равишда жиноят-ижроия тизимида давлат ҳокимияти, бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг иштироки демократизм тамойилининг яққол мисолидир. Демократизм тамойили жиноят-ижроия ҳуқуқида қуйидагиларда намоён бўлади:

- маҳкумларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, шикоятлар орқали муружаат қилиши;
- хат ва ёзишмаларни ўз миллий тилида баён этишининг эркинлиги;
- маҳкумга қўйилаётган айблов ҳужжатлари билан танишиб чиқиши ва хоказо;

Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодексининг 99-моддасига кўра жамоатчилик ва фуқароларнинг маҳкумларни тарбиялашдаги иштирокларига қонуний тус берилганлиги, айниқса, турли хилдаги ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритилаётганлиги айнан демократизм тамойилини намоён этади. Юқорида фикримиз исботи сифатида, Жиноят-ижроия кодексининг 79-моддасида маҳкумларнинг прокурор номига таклиф, ариза ва шикоятлари кўздан кечирилмайди ҳамда бир сутка ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади, деб белгилаб қўйилган. Зеро, Президентимиз И. А. Каримов «жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар- халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»⁷ деб бежизга айтмаганлар.

Махсус тамойиллардан дастлабкиси – жазони ижро этишда дифференциациялаш- озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда жуда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, уларнинг илгари ҳам жиноят содир этиб, жазони ўтаб чиққанлиги, рецидивлиги ҳамда содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиги бу тамойил асосида тартибга солинади.

Жазони дифференциациялаш- маҳкумларнинг ижтимоий хавфлигига кўра бир-биридан ажратилган ҳолда сақлаш ва уларга ўзларининг ижтимоий хавфлигига кўра мажбурлов чораларининг қўлланилиши. Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасида ҳам худди шу тамойилга асосланилган, яъни

⁷И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида «Тошкент» Ўзбекистон 1997 йил 181-бет

жазони ижро этиш муассаларининг турлари ёритилган, бу эса маҳкумларни ижтимоий қилмишининг хавфлилик даражасига кўра уларни ажратган ҳолда сақлашни таъминлайди. Шунингдек, Жиноят-ижроия кодексининг 97-моддасида «тарбиявий иш дифференциация асосида, муассаса турини, жазо муддатини ва сақлаш шароитини, шунингдек маҳкум шахсининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади» деб ёзиб қўйилган. Маҳкумларни дифференциациялаш қуйидагилар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

- маҳкумнинг ёши, тиббий соғлиги;
- қариндошларининг борлиги;
- жазо муддати ва ҳулқ-атвори;
- маълумоти ва лавозими;

Жазони индивидуаллаштириш — маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган принцип. Маҳкумнинг ижтимоий хавфлилиги, содир этган жиноятининг хавфлилик даражасига қараб ажратиш, уни алоҳида индивидуал жазолаш имконини беради.

Жазони индивидуаллаштириш-бригада ёки отрядга тақсимланганларга нисбатан турли хилдаги тарбиявий чоралар қўллаш. Шу усулдагина ҳар қандай маҳкумни алоҳида алоҳида назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориш имкони мавжуд бўлиб ҳисобланади. Республикамиз ҳудудидиги манзил-колонияларда жазони индивидуаллаштириш орқали жуда кўплаб самарали ишлар қилинмоқда. Масалан, жазони ўтаётган маҳкумлар турли хил бригада ёки отрядларга бўлинган ҳолда ўз қисмида ҳўжалик ишларида катнашиши.

Маҳкумларни қонунга итоаткор ҳулқ-атворини рағбатлантириш тамойили — маҳкумларнинг намунали ҳулқи, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишлиги, ички тартиб- интизомга риоя қилиш ва уни ҳурмат қилиши қонун билан рағбатлантирилиши.(ЖИКнинг 44-61, 102-104, 113-135, 141-160 моддалар). Масалан: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-жроия кодексининг 44-моддасида маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий чоралар кўрсатиб ўтилган. Қонунга итоаткор ҳулқ атворни рағбатлантириш маҳкумларни қайта тарбиялашда доменанталик, бошқача қилиб айтганда, асосий вазифани бажаради.

Мажбурлов воситаларини қўллаш тамойили — маҳкумларни ахлоқан тузатишга қаратилган принцип. Ахлоқан тузатишга қаратилган чоратadbирлар: меҳнат, ўқитиш, профессионал тайёргарлик, ҳар бир маҳкумнинг ўз ишидан қониқиш ҳисси. Ҳар бир маҳкумга нисбатан мажбурлов чоралари алоҳида қўлланилади. Ундан асосий мақсад эса ҳар бир маҳкумнинг кимлиги, унинг ёши, жинси, ижтимоий дунёкараши, билими ва маълумотидан қатъи назар касбий тайёргарлик олиши. Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида: «Маҳкумни ахлоқан тузатиш — унда қонунга итоаткор ҳулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатларини шакллантиришдан иборат», деб ёзиб қўйилган. Маҳкумларни ахлоқан тузатишда қуйидагилар асосий рол ўйнайди:

- жазони ўташдаги тартиб-қоидаларнинг қаттиқлиги ;

- тарбиявий ишлар;
- ижтимоий фойдали меҳнат коэффиценти;
- умумий маълумот олиши;
- касбий тайёргарлиги;

Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш – айнан ижобий характердаги ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади, акс ҳолда маҳкумни қайта тарбиялаш ўз самарасини бермай қўйиши мумкин.

2-МАВЗУ:

Жиноят-ижроия ҳуқуқига биноан маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва унинг аҳамияти. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати ва фуқаролар ҳуқуқий ҳолати ўртасида фарқ. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати асослари. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаси ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига мурожаат этиш ҳуқуқи. Маҳкумларнинг соғлигини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория поликлиника ва стационар шароитда тиббий, ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқларини таъминлаш. Маҳкумларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи. Уларнинг виждон эркинлиги. Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари. маҳкумлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг жиноят ижроия қонунларига имплементация қилиниши.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати қонун даражасида белгилаб қўйилган. Жиноят-ижроия кодексининг 2-боби бунинг яккол далолатидир, у ўз ичига 8-13 (6 та модда) моддаларни қамраб олади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати – бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган, асосий фуқаролик махсус ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборат бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши сиёсий ва ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Жумладан, сиёсий жиҳатдан жамият ва давлатнинг маҳкумга бўлган муносабатини англатади. Чунки маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига боғлиқ жазо мақсади билан белгиланади.

Жазони ўтаётган маҳкумлар уларнинг жазоси қандай бўлмасин, ўз мажбуриятларини бажарадилар, қонунда белгиланган доирада суд ҳукмида белгиланган тартиб билан боғлиқ ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Бунинг маъноси шуки, жазони ўтаётган ҳар бир маҳбус қандай жиноят содир этганлиги ва жазо туридан қатъи назар, у ўзининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ва жамият аъзолигидан маҳрум қилинмайди. Фақатгина ҳуқуқ лаёқатида баъзи бир чеклашлар бўлади, бу маҳкумга жазо қўллаш, руҳий ва моддий жафо келтиришда намоён бўлади, маҳкумнинг фуқароларга нисбатан ёмонроқ шароитда кун кечириши – ҳуқуқ лаёқатининг чекланиши билан ифодаланади.

Жиноят-ижроия кодексининг 8-моддасида: «Маҳкумлар, ушбу Кодекс ва бошқа белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади» деб ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақиликка эришгач, барча диққат эътибор иқтисодий барқарорликни, миллатлараро тинчликни таъминлаш, ёш авлод тарбиясига эътибор қаратиш ва ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилди. Президентимиз И. А. Каримов ўз нутқларида таъкидлаганлардек, «Ҳуқуқий давлатда қурол ҳам, қалқон ҳам қонундир». Шу сабабли мустақил Республикамиз жуда кўплаб умумжаҳон тан олган инсон ҳуқуқларига оид булган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди (юкорида кўрсатилган). Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига 1997 йил қабул қилинган Жиноят-ижроия кодексида халқаро андозалар билан мослаштирилди, унга алоҳида боб ажратилди. Аввалги (1970 йил 24 июндаги) Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексида бу нарсага фақат умумий таъриф берилганди, холос. Маҳкумлар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йул қўйилмайди. Давлат маҳкумни жазолаш билан жазонинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилади ва бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини қандай бўлишидан қатъи назар ҳимоя қилишга мажбурдир. Бошқа ҳуқуқ ва манфаатлари деганда, жамият аъзолиги, фуқаролик ва оилавий муносабатлари, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари ва ҳоказолар назарда тутилади. Маҳкумлар жазо ўташ жараёнида ҳам фуқароликдан келиб чиқадиган мажбуриятлардан озод этилишлари мумкин эмас. Лекин, айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. (Масалан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкум ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин эмас).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этиб, жазога ҳукм қилинган ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар ва шу билан бир қаторда мажбуриятларини бажаришлари талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси жиноий жазоларни ижро этиш бўйича ўзаро ўша давлат билан имзоланган битимлар асосида амалга оширилади, шундай битим мавжуд бўлмаган ҳолларда эса халқаро ҳуқуқ нормаларига таянилади.

Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагилар (Жиноят-ижроия кодекси 9-модда):

а) жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

б) жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш;

в) тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

г) ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади;

д) ўқув, бадиий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

е) соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

ё) ижтимоий таъминот, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш;

ж) маҳкум ажнабий фуқаролар, шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассалари билан алоқа қилиб туриш.

Маҳкумларнинг жамиятдан ажратмаган ҳолда турли хил ҳуқуқларга эга эканликларини юқорида кўриб ўтдик. Шулардан айримларига тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик: ҳар бир жазони ижро этувчи муассасада амбулатория-поликлиникалари ва стационарлар мавжуд, яъни маҳкум кундузги бўлимда даволаниши мумкин. Бу эса ҳар бир маҳкумнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилмаётганлигидан далолат беради. Маҳкумлар жазони ўтаётган муассаса кутубхонасидан фойдаланишлари, тв кўришлари, радио эшиттиришларни тинглашлари мумкин, мажлисларда сўзга чиқишлари, деворий газеталарга маъмурият рухсати ва назорати остида мақолалар беришлари мумкин. Шунингдек, Республикамиздаги барча жазони ижро этувчи муассаларда маҳкумларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шароит яратиб берилган.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати энг аввало мажбуриятлардан иборат. Бу суднинг ҳукмида жазо учун белгиланган мажбуриятлардан келиб чиқади. Маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатидаги дастлабки чекланиши маҳкумга белгиланган жазо турига боғлиқ бўлади. У озодликдан маҳрум қилинади, жамиятдан ажратилади, узининг оиласи, ёру-биродарларидан узоқда бўлади, эркин ҳаракатланиш, иш танлаш, яшаш жойини танлаш, хоҳлаган кийимда юриш (манзил колониялари истисно) ҳуқуқидан тўла маҳрум бўлади. Шунингдек, умумжамоат қоидаларини бажаришга мажбур: ўзининг ётиш ва юриш жойларини озода сақлаш, шахсий гигиенага риоя қилиш, ички тартиб-қоидаларга бўйсунушлари каби.

Маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари билан боғлиқ ҳолда қонунларни бажариш мажбурияти ҳам юклатилган.

Маҳкумлар ўз хоҳишига кўра меҳнат шаклини танлай олмайди, меҳнат ҳақининг 10% дан 30%гача қисми (суд ҳукми асосида) давлат бюджетига ўтказилади. Улар доимий равишда Ички ишлар бўлинмалари томонидан ташкил қилинадиган инспекциялар назоратида бўладилар. Маҳкумлар фақатгина жазони ижро этиш субъекти ҳисобланади, холос.

Маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати суд ҳукмида кўрсатилган муддат бир хил бўлавермайди. Бу, асосан, маҳкумнинг ҳуқуқига боғлиқ ҳолда рағбатлантириш ҳолатларида ўзгариши мумкин. Маҳкумни умумий ёки қаттиқ тартибли колониядан манзил колониясига ўтиши ҳуқуқий ҳолатидаги енгилик ҳисобланади.

Жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилиш ҳуқуқий ҳолатларини ўзида акс эттиради. Озодликдан маҳрум қилиш жойларининг тартиб турига қараб маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Жамиятда унинг баъзи бир ижтимоий ҳуқуқлари чекланади, буни алоҳида қонунларда бериб бўлмайди. Масалан, Оила кодексининг 43-моддаси 1-қисм 3-бандига биноан, эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, улардан бирининг аризасига кўра никоҳ бекор қилиниши мумкин. Мулк ҳуқуқидан суднинг ҳукмига кўра маҳрум қилинмаган бўлса, шахс қанча муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлишидан қатъи назар ҳеч ким бу ҳуқуқни буза олмайди, лекин жазони ўташ мобайнида шахс ўз мулкини тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

ЖИКнинг 10-моддасида маҳкумларнинг юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш белгилаб қўйилган. Унга кўра:

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексида белгиланган учрашувлар сони ҳисобига қирмайди, бундай учрашувлар сони ва муддати чекланмайди.

Юридик ёрдам кўрсатилаётганда адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятдан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Уларнинг адвокатлар билан учрашуви тартиби Жиноят-ижроия кодекси (10-модда) ва қонун ҳужжатлари асосида белгилаб қўйилган.

Маҳкумлар шахсий хавфсизлик ҳуқуқига ҳам эга (ЖИК 11-модда). Маълумки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси

Конституциясида виждон эркинлиги барча учун кафолатланади (31-модда) деб ёзиб куйилган. Президентимиз И.А.Каримов: «Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган»⁸, -деб айтган эди. Жиноят-ижроия кодексининг 12-моддасида ҳам «махкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кура, белгиланган тартибда рўйхатдан утган диний бирлашмаларнинг рухонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русумларнинг адо этиш имконияти берилади. Диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарсa жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларни бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим» - деб белгилаб қўйилган. Диний урф-одатларни амалга оширишга маъмурият рухсати билан бошқа маҳкумларга таъсир этмаган ҳолда, ички тартиб-интизомни ва иш вақтини бузмаган ҳолда рухсат берилади. Маҳкум маъмурият ариза билан мурожаат қилганда фақатгина белгиланган қонунларга кўра рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар бўлиши керак. Уларнинг иш ҳақи маҳкумнинг ҳар ойлик маошидан берилади. Маҳкумлар турли хилдаги диний газета ва журналларни ўқиши мумкин. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган маҳкумнинг илтимосига кўра, у диний расм-русумларни адо этиш мақсадида диний муассаса ходимлари билан учрашиши мумкин. Маҳкум диний ходим билан учрашадиган куни жазони ижро этувчи муассасасидаги меҳнатдан озод этилади.

Қуйидагилар маҳкумнинг асосий мажбуриятлари саналади:

- жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этиш;
- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларни бажариш;

Мажбуриятни бажаришдан бош тортиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонуний тус берилганлиги инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлигидан далолат беришлиги билан бир қаторда жиноят-ижроия ҳуқуқининг инсонпарварлик тамойилига асосланиши билан изоҳланади. Зеро, маҳкум қандай жиноят содир этишидан қатъи назар унга худо томонидан яратилган энг буюк мўъжиза-инсон назари билан қараш, уни жамият учун керакли шахс қилиб қайта тарбиялашда намоён бўлади. Масалан, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган маҳкумни жазолаш воситаси сифатида қайта тарбиялаш эмас, унга ҳунар ўргатиш, ўз меҳнати билан халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлишига замин яратилади, кўмаклашилади.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланишидаги энг асосий жиҳат-

⁸ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил. 37-бет.

конунлар ижросини бир хиллиги устидан назоратни прокуратура органлари конунийликка асосланиб иши олиб боришларида акс этади.

Республикамиз мустақиллика эришгач, қабул қилинган барча кодекслар сингари Жиноят-ижроия кодекси ҳам маҳкум қандай жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этишидан қатъи назар қасд қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Ўз вақтида жиноят-ижроия ҳуқуқининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган рус олимларидан бири Ц.И.Курский шундай ёзган эди: «жиноятчи- жамият учун ҳозирда хавфли бўлган шахс, уни қайта тарбиялаш даркор, қасд олиш эса асло ярамайди».

Маҳкумни қайта тарбиялашда икки муҳим нарса мавжуд:

1) маҳкум ўз хатосини тушуниб етмоғи;

2) маҳкум ўз меҳнати билан халқ ва жамоат орасида обрў-эътибор қозониши, меҳнат қилиши;

Шунингдек, маҳкумлар ўртасида ўзининг тартиббузарлиги, ёмон хулқи билан ажралиб турувчи маҳкумга турли хилдаги жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан: тинчлантириш кўйлаги, қарцер ва бошқалар.

Маҳкумнинг қайта тарбияланишида жазонинг адолатлилиги, жазони ижро этувчи колониядаги муҳит, ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳам катта рол ўйнайди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, маҳкумларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини тўғри белгиланиши, уларни жамият учун керакли шахс қилиб қайта тарбиялаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун бирламчи вазифа саналади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи бир қатор халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (стандартлар) мажмуи мавжуд. Булар сирасига биринчи навбатда БМТнинг маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомига оид Пактни киритиш мумкин. У ўз ўрнида бир нечта халқаро меъёрий ҳужжатларга бўлинади. Масалан:

1) 1955 йилда қабул қилинган маҳкумлар билан олиб бориладиган сўзлашувга минимал стандартли халқаро ҳужжат;

2) 1979 йил қабул қилинган мансабдор шахсларнинг жазони ижро этиш органларида назорат олиб боришда ўзини тутиш қоидалари Кодекси;

3) 1985 йил қабул қилинган вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи халқаро ҳужжат ва ҳок;

4) 1987 йил қабул қилинган «Европа турмалари қоидаси»;

Республикамиз мустақиллика эришгач қабул қилинган, янги Жиноят-ижроия кодекси БМТнинг бу стандарт халқаро ҳужжатларидан ўз моддаларига имплементация қилди. Жиноят-ижроия ҳуқуқидаги инсонпарварлик ва демократизм тамойилларининг белгилаб қўйилиши фикримизга яққол мисол бўла олади. Маҳкумлар ҳақида ана шу тамойилларга асосан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишлари мумкин. Бу ҳам ўз навбатида маҳкумни қайта тарбияланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Масалан: маҳкумнинг қарор, телеграмма олиш ҳуқуқлари, телефон сўзлашувлари, озиқ-овқат таъминоти, маҳкумга оид кийим-кечак олишлари, яқинлари билан учрашувлар, барча эркин фуқароларга ўхшаб бепул тиббий хизматдан фойдаланишлари.

Жазоларни ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи орган ва муассасалар тушунчаси ва тизими ҳамда уларни текшириш ва назорат қилиш

Хар бир жамиятда жазолар мавжуд экан, уларни ижро этувчи органлар ва муассасалар мавжуддир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жазоларни урганиш ва уларни талқин қилишни осонлаштириш мақсадида жазолар маълум бир тизимга солинган.

Ўзбекистон Республикасида жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларни турли хил ижроия ва суд ҳокимиятига кирувчи органлар ва муассасалар ижро этади. Янги Жиноят-ижроия кодекси жазоларни ижро этувчи орган ва муассасалар тизимига катта ўзгартириш киритган эмас. Бу соҳа фақатгина айрим янги жазолар ҳисобига кенгайтирилган. Масалан, қамоқ жазосини ИИВнинг жазоларни ижро этиш бош бошқармасига, хизмат бўйича чеклаш жазосини Мудофаа вазирлигининг махсус ҳарбий қисмлари қўмондонлигига киритилди. Ҳарбий хизматчиларга қамоқ жазоси қўлланганда Мудофаа вазирлигининг гарнизон гауптвахталари томонидан ижро этилиши киритилган.

Умумий қисмнинг бу мавзуси III-IV боб, 14-18 моддаларни ўз ичига олади.

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Жиноят-ижроия кодексининг 14-моддасига 2003 йил 30 августда ўзгартириш киритилди:

«Жарима тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш Ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан:

- хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматини утаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) қўмондонлиги томонидан;

- қамоқ тариқасидаги жазо – гарнизон гауптвахталари томонидан;

- интизомий қисмга жўнатиш тўғрисидаги жазо – махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади;

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади».

Зеро, ҳар бир ҳуқуқшунос қонунчиликка киритиладиган барча янги қўшимча ва ўзгартиришлардан воқиф бўлмоғи даркор.

Жазоларни ижро этувчи орган ва муассасалар турли вазифаларни бажарадилар. Давлатнинг жазоларни ижро этиш функциясини амалга оширувчи органлар, энг аввало, ихтисослигига қараб ажратилган. Булар:

- а) ички ишлар органлари;
- б) суд органлари;
- с) ҳарбий қисм қўмондонликлари.

Бу масала бевосита уларнинг ички тартиб қоидаларига боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Ички ишлар органлари зиммасига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилишни ижро этиш юклатилган. Бу орган асосий жазоларни ижро этиш органи бўлиб ҳисобланади. Чунки бу органга жазо тизимидаги жазоларнинг кўпчилиқ қисмини ижро этиш ваколати берилган. Хорижий мамлакатларда бўлса Ички ишлар органлари зиммасига қўшимча ваколатлар ҳам юклатилган. Масалан, Россия Федерациясида Ички ишлар органларининг махсус инспекцияларига шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш вазифаси қўшимча равишда юклатилган.⁹ Бизда эса шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқ-атвори устидан назорат Ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Судларга, 1997 йил 25 апрелдаги Жиноят-ижроия кодекси бўйича жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш жазосини ижро этиш юклатилган эди. Шунингдек, ҳарбий ёки бошқа махсус унвонлардан маҳрум қилиш судлар томонидан ижро этилиши назорат қилинади.

2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартириш натижасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига фақатгина жарима тариқасидаги жазони ижро этиш юклатилган.

Ҳарбий жазолардан – хизмат бўйича бўйича чеклаш жазосини ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан, ҳарбий хизматчига қўлланилган қамоқ жазосини Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил қилинадиган гарнизон гауптвахталари томонидан, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ташкил этилади. Янги киритилган ўзгартириш (30.08.2003й.)га асосан ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари, жазони ижро этиш муассасалари озодликдан маҳрум этилган ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандаликка йўлиққан маҳкумларнинг жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят – ижроия кодексининг 15-моддасида бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи муассаса ва органлар кўрсатиб утилган. Бундай жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралар икки турга бўлинади:

⁹ Муаллифлар жамоаси, (И.А.Зубков таҳрири остида) «Уголовно-исполнительное право России» Москва, «Норма» 1997 йил, 402-бет.

А) Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари;

Б) Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари:

- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга – Соғлиқни сақлаш органлари тиббий муассасалари томонидан;

- алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандаликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан - Соғлиқни сақлаш органлари тиббий муассасалари томонидан;

- улар озодликдан маҳрум этишг ёки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда – Ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади;

Суднинг қарорига кура таносил ёки ОИТС касаллигига, шунингдек, очик шаклдаги сил касаллигига чалинган маҳкумларга мажбурий даъволвниш шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг VII бўлим, XVII боб, 91-96 моддалари айнан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига бағишланган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

А) Мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;

Б) Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

С) Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;

Д) Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш; (ЎЗР. ЖК 93-модда)

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари:

- жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш – суд томонидан;

- махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш – Халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари суд томонидан ижро этилади. Вояга етмаганларнинг жабрланувчидан узр сўраши оғзаки ёки ёзма, омма олдида ёки алоҳида сўраш тартиби мавжуд. Шунингдек, узр сўралиш вақти, жойи ва тартиби суд томонидан белгилаб берилади.

Жиноят – ижроия кодекси 16-18 моддаларида жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи орган ва муассасалар томонидан жазоларни ижро этиш белгиланган. Аввало, бундай текшириш давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. (ЖИК 16-модда)

Текширув кенг доирада амалга оширилади ва бир қатор масасалалар юзасидан муҳокама қилинади. Бундай масасалалар сирасига маҳкумларни бир колония туридан бошқа турдаги колонияга ўтказишдан комиссия фаолиятигача қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ҳокимиятлар бўлиниши принципи, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини, ижро этувчи муассасалар ва

органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадилар, дейилади. Бундай текширувлар бевосита прокурорни жалб қилган ҳолда ҳам бўлиши мумкин. Мазкур ҳолат Жиноят-ижроия Кодексининг 17-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: «Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар». Асосий Қомусимиз - Қонституция ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга кўра Республикамиз ҳудудида қонунлар ижроси устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширади. Жазоларни ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор қуйидаги вазифаларни бажаради:

- маҳбусларнинг белгиланган қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилмаётганлиги;

- жазоларнинг қонуний тарзда ижро этилаётганлиги;

Прокурор томонидан эътибор бериладиган энг муҳим жиҳат бу жазоларни ижро этиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади, унда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, моддий жиҳатдан таъминланиши ва тиббий хизмат кўрсатиш жой олган.

Қонунларни бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида прокурор тизимлаштирилган тартибда жазони ижро этувчи муассасаларни текшириб туриши шарт. Шу сабабли прокурор бир қанча чекланмаган ҳуқуқларга («Прокуратура тўғрисида»ги қонун 24-модда) эга:

хоҳлаган пайтда жазони ижро этувчи муассасага, хоҳлаган хонага рухсатсиз кириши,

хоҳлаган маҳкум ёки бошқа шахс билан суҳбатлашиши ва маълумотлар олиши;

бу жойларда маҳкумларнинг мавжудлигини қонунга мувофиқлигини текшириш, агар қонунга ҳилоф тарзда сақланаётган маҳкумни аниқласа, дарҳол чиқариб юбориш ҳуқуқига эга.

ғайриқонуний ҳолат бўйича, маъмурият бошқармасига нисбатан чора кўриш.

Жиноят-ижроия кодексининг 18-моддасига кўра жазони ўташ жойларига давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқига эгаллиги ва бу қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилганлиги ёзилган. Қонун бу турдаги шахсларга ҳеч қандай махсус рухсатномасиз жазони ўташ жойларига киришга рухсат этган.

Давлат ҳокимиятининг бошқарув органлари сирасига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатларини киритишимиз мумкин.

Давлат ҳокимиятининг бошқарув органлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлари ҳисобланади.

Бошқа шахслар сирасига оммавий ахборот воситалари, дин вакиллари, маҳкумнинг қариндошлари, адвокатлари қиради.

Жиноят-жроия кодексининг 18-моддасининг 3-қисмида маҳкумларнинг кино-, фото-, видотасвирга тушириш ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, маҳкумлар хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга эса, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган рухсати бўлган тақдирда йўл қўйилади деб ёзиб қўйилган.

3-МАВЗУ:

Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларни ижро этиш

Жарима жазосини ижро этиш тартиби. Жарима тўлаш муддатлари. Жаримани тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жарима жазосининг қўлланилишидаги ўзгаришлар. Ахлоқ тузатиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби. Ахлоқ тузатиш ишлари муддатини ҳисоблаш. Маҳкумлар иш ҳақидан давлат ҳисобига чегириб қолиш тартиби ва шартлари. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазодан бўйин товлаш оқибатлари. Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби ва шартлари. Қамоқ жазосини ижро этиш муассасаси. Маҳкумларнинг учрашувлари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, йўқлов, бандероллар ҳамда пул жўнатмаларини олиш ҳамда юбориш. Маҳкумларнинг ёзишмалари, уларнинг моддий, маиший таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатиши. Маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар. Қамоқ уйларида маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш. Озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби, озодликни чеклаш муддатини ҳисоблаш, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартибига шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари.

Кейинги йилларда юртбошимиз И. А. Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари билан мамлакатимиздаги кўплаб соҳаларда бўлгани каби қонунчилик тизимида ҳам кўплаб ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ислохотлар оширилмоқда. Жиноятчиликнинг ўсиши эса нафақат ислохотлар йўлига тўсиқ бўлиши, балки давлатнинг ривожланишига ҳам таҳдид туғдириши, шубҳасиз. Бу каби ўзгаришлар негизида ҳоҳ у жиноятчи, ҳоҳ у маҳкум бўлсин, аввало инсон омили, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ётади. Зотан, инсон ислохотлар учун эмас, балки ислохот инсонларга хизмат қилмоғи даркор.

Шу нуктаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, жиноят содир этиб, жазони ижро этувчи жойларда сақланаётган маҳкумларни жамиятдан, бошқача қилиб айтганда яқинларидан, оиласидан ажратмаган ҳолда сақлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жазонинг бундай туридан асосан иккита мақсад кўзланади:

Биринчидан, гарчи бу шаклдаги жазолар маҳкумни, тўғрироғи, унинг содир этган қилмишини қораласа-да, аммо тарбиявий характерга эга.

Иккинчидан, бунда маҳкум ўзининг содир этган ижтимоий хавфли қилмишидан пушаймон бўлиб, тегишли хулоса чиқариб олади.

Инглиз қонунчилиги жазонинг тушунчаси ва унинг мақсадларини ўз ичига олмаса ҳам, жиноят ҳуқуқи назариясида бу масалалар машҳур инглиз файласуфлари ва ҳуқуқшунослари тадқиқотларининг предмети бўлиб келган. Жазо нималиги ва унинг мақсадларини аниқлашда биринчи қаторда фалсафий хусусиятга эга бўлган масалалар кўзга кўринади. Машҳур британиялик файласуф Х.Хартнинг фикрича, «Жазо ижтимоий назоратнинг усули бўлиб, у ҳуқуқ томонидан мажбуран ўрнатилган чегараларда турли соҳаларда якка эркинликнинг максимал даражасини белгилайди. Бирок жиноий жазонинг кучга кириши ўзини тутишнинг белгиланган стандартларини эълон қилиш ва шу стандартлардан четга чиққанлик учун жазо чораларини қўллашда ифодаланади». Х.Харт ўзининг бошқа асарларида ҳам жазонинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга уриниб кўрган:

1. жазо оғриқ ёки бошқа оқибатларда кўриниши керак;
2. жазо ҳуқуқ нормалари (меъёрлари)ни бузганлик учун қўлланилиши керак;
3. жазо ҳуқуқбузарликни содир этган аниқ ёки тахмин қилинаётган ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши керак;
4. жазо ҳуқуқбузарга бегона бўлган шахслар томонидан ижро этилиши лозим;
5. жазо ҳуқуқий тизим томонидан ваколат берилган қайси ҳокимиятга ҳуқуқбузарлик қаратилган бўлса шу ҳокимият ўзи томонидан қўлланилиши ва ижро этилиши лозим;

Х. Хартнинг фикрига кўра, у томонидан тақдим этилган схема умумғоявий хусусиятга эга ва бу схема нафақат жиноят ҳуқуқи, балки ҳуқуқнинг бошқа тармоқларини ҳам ўз ичига қамраб олишга қаратилган.

Америка федерал штатларининг қонунчилигида жазо тушунчаси учрамайди ва бу тушунча баъзида суд амалиётида ва доктринасида берилади. Бунинг сабаби деб Америка ҳуқуқбузарларининг жазо тушунчаси жазо тушунчаси ўз-ўзидан бор нарсага қарашларини кўрсатиши мумкин.

Маълум муаллифлар жазо тушунчасини беришга ҳаракат қилишган. Масалан, Ж. Дресслер «Жазо» тушунчасининг тўлиқ, ҳар қандай танқиддан халос бўлган вариантини бериш мумкин эмас дейди, шу пайтнинг ўзида «Шахс шундаким жазога учрайдики, қачон давлатни махсус вакили жиноят қилиши учун айбдор деб топилиши тўғрисида ҳукм асосида ушбу шахсга

нисбатан атайин зарар етказади ва бошқа турдаги кийинчиликларга учратади», деб ёзади¹⁰.

Яна бир олим Г. Пэккернинг фикрича «жазо» ўз белгиларига эга:

1. у қайғуриши ва бошқа нохуш ахволга олиб келади;
2. ҳуқуқ нормасини бузилиши натижасидир;
3. унга содир этган ҳуқуқбузарлиги учун маълум шахс учрайди;
4. у ўзи жавобгарликка тортилаётган шахслар томонидан тайниланади;
5. у «ташқил этилган ва унга қарши жиноят содир этилган ҳуқуқий тизим томонидан» тайинланади ва амалга оширилади¹¹.

Жазо мақсадларига қонунчилик ҳужжатларида анча кўп эътибор берилган. Бунинг сабаби жиноят ҳуқуқининг ўтказилган ислоҳоти билан боғлиқ бўлса керак, чунки бу нарса жазо институти ривожланишига ҳам анчайин туртки беради.

Америка жиноят ҳуқуқий адабиётида жазонинг мақсадлари ҳақида жуда кўп назариялар мавжуд. Уларни гуруҳлаштириш ва умумийлаштириш натижасида 4-5 та конституцияни чиқариш мумкин. Шу сабабли бўлса керак, Америка Конституцияси 200 йилдан (1787й.) ортиқ давр мобайнида ҳаракатда бўлиб турган ягона қонун ҳужжати ҳисобланади.

Жазонинг энг эски, анъанавий мақсади – жиноят учун жазолаш. Бу қарашнинг ёрқин тарафдори И.Кант бўлган ва у жазони «талион принципитенга тенгини олиш йули энг яхши ва фойдали назария» деб ҳисоблаган.¹²

Энг куп тарқалган танқид сифатида бу назарияни «жазо шаклилигидир ва у ахлоқий жиҳатдан ноўриндир» дейишади.

1970 йилларнинг ўрталарига келиб аниқ жазолар тизими АҚШнинг Мэн, Калифорния, Индиана ва бошқа штатларда пайдо бўла бошлади. Масалан, Калифорния штатида судья оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолларни инобатга олиб, қонунда белгиланган санкцияни аниқлаштириб, ҳукм чиқаришга ҳақлидир. Бунга мисол қилиб айтганда, судья 6 йил қилиб белгиланган қамоқ жазосига 1 йил қўшиши ёки олиб ташлаши мумкин.

Америка жиноий-ҳуқуқий доктринаси «жазолар тизими» тушунчасига эга эмас. Жазонинг асосий турлари сифатида кўпчилик штатларда – умрбод озодликдан маҳрум қилиш, федерация миқёсида эса қамоқ жазоси, пробация ва жарима қаралади.

Кўпинча жазо сифатида етказадиган зарарни қоплаш, бирон-бир ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва мол-мулкни мусодара қилиш қўлланилади. Кўпгина штатларда қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ўрнига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллантириш чораси қўлланилади (касалхонада санитарлик қилиш, парк ва хиёбонларда фаррошлик билан шуғулланиш ва ҳоказо).

Франция қонунчилигида жазо тушунчаси, унинг мақсадлари ва мантиқига тушунча берилмаган ва жазо тизимигина белгилаб қўйилган. Улар

¹⁰ Dressier “ Understanding criminal law” // Matthew Bender, N.Y., 1994й. 3-4бет.

¹¹ Packer H. Limits of criminal Sancion. Standart (Cal.), 1998й. 21-бет.

¹² Решетников Ф.М. «Уголовное право буржуазных стран» М. 1985й. 24-бет.

жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун тайинланиши мумкин. Янги Франция жиноий-ҳуқуқий назариясида икки концепция тўқнашиб келмоқда:

- ҳозирги кунда жазо;
- янги жамиятни ижтимоий муҳофаза қилиш;
- 1. Ҳозирги кунда жазо – жамиятнинг жиноятга бўлган реакцияси бўлиб, у одатда икки мақсадни кўзлайди:
- жазолаш;
- қўрқитиш;

Францияда жазо ҳеч қандай юмшатиш, шартли муддатдан озодликка чиқариш ва шунга ўхшаш ишларсиз судья белгилаб қўйган тартибда ўталиши керак, акс ҳолда у ўз моҳиятини йўқотади.

2) Жамиятни янги ижтимоий муҳофаза қилиш назариясининг тарафдорлари жазони бундай тушунишга қарши чиқадилар. Улар «жазоларнинг асосий мақсадларидан бири деб жиноятчини қайта тарбиялаш, уни йўлга солиш», деб ҳисоблашади.

Германия Жиноят Кодексида жазо тушунчаси учрамайди, лекин доктрина жазо тушунчасини унинг мақсадларига кўра анча аниқ белгилаб берган. Шунга асосан Германия жиноят ҳуқуқи доктринасининг вакиллари XIX асрдан бошлаб жазолар назариясининг мутлақ ва нисбий мактабларига бўлинганлар¹³. Абсолютларга асосий мақсад – жазолаш бўлса, нисбийларга – қўрқитишдир.

Амалдаги ГФР ЖКсида қилмишнинг ҳуқуқий ҳолатлари ҳақидаги жиноий-ҳуқуқий ҳолатлари ҳақидаги жиноий – ҳуқуқий қоидалари кирувчи учинчи бўлим бор.

Ушбу бўлимнинг «Жазо» деб аталувчи биринчи бобида табиатига кўра асосий бўлган иккита жазо ҳақида сўз кетади:

1. озодликдан маҳрум этиш;
2. жарима.

ГФР ЖКсининг ўзига хос хусусияти – ҳуқуқий оқибатлар тизимидаги қўшимча оқибатлар институти. Улар қарорига белгиланган мансабларни эгаллашни таъқиқлаш, оммавий сайловларда эришилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиб қуйиш, овоз ҳуқуқига эга бўлмаслик кабилар киради.

Япония жиноят ҳуқуқида ва жиноят-ҳуқуқий амалиётида жазолаш – ўч олиш функцияси (жиноятга муносиб бўлган) ҳамда ахлоқий жавобгарликка тортиш функциясини амалга оширади, лекин амалиётда ижтимоий ҳаракатда жиноий жазога қайта тарбияла чорасидек қаралади. Жазолаш – ўч олиш сифатида шахсларнинг норматив онгига чиқариб, жиноятчига ачиниш ва ўзини ўргатиш ҳиссиётига эришади. Шу сабаблардан ижтимоий кафолатлар ва қайта тарбиялашга етарли бўлган жазоларни тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноий жазоларга Япония ЖКсининг II боби бағишланиб, унинг 9-моддаси жиноий санкцияларни асосий ва қўшимчаларга бўлинганлигини кўришимиз мумкин.

¹³ «Уголовное право зарубежных государств» // М. 1972. Вип 2, 23-24, 31-33 бетлар

У ёки бу моддада белгиланган жазо «қонуний жазо» (хотэйкей) деб номланади, унда жиноятчининг қайси асосларга кўра жазога тортилиши кўрсатилади.

Маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда жазо турларига жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари бериш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазолари кириб, бу жазолар тушунчаси, уларнинг ижро этиш асослари ва тартиби тўғрисида қуйида батафсил тўхталиб ўтамыз.

Жарима жазосини ижро этиш тартиби ва асослари

Жарима тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби V боб, 19-20 моддаларни ўз ичига олади. Жазо тизимида жарима энг енгил ва самарали жазолардан бири бўлиб, уни белгилаш асослари ва ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси ва Жиноят-ижроия кодексида аниқ кўрсатилган.

Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасида жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин. 20-моддада эса маҳкумнинг жаримани тўлашдан бўйин товлаши бу жазони Жиноят Кодексининг 44 ва 82-моддаларида назарда тутилган тартибда ва доирада бошқа жазо билан алмаштиришга сабаб бўлади. Жиноят Кодексининг 44- моддаси жарима жазосига бағишланган:

«Жарима айбдордан давлат даромадига Жиноят Кодексида белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорида белгиланади.

Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки камоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Камоқнинг ҳар бир ойи эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади».

Жиноят Кодексининг 82-моддасида: «Вояга етмаганларга нисбатан жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Маҳкум жаримани тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштиради. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги

жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштирилган ҳисобланади».

Умуман, жарима альтернатив жазо тариқасида фақат асосий жазо сифатида тайинланади. Шунингдек, жаримани олиш манбаи бўлиб нафақат ойлик маоши, балки пенсиялар, нафакалар ва жамғармалар ҳам бўлиши мумкин. Жариманинг миқдори маҳкумнинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳамда унинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда тайинланади, кўп жиҳатдан эса жарима қилмишнинг характери, хавфлилиги ва маҳкумнинг оилавий шароити ҳамда фарзандлари сонига ҳам боғлиқ. Маҳкум ўзининг ойлик иш ҳақини жарима жазоси тариқасида давлат ҳисобига ҳам ўтказиши мумкин, лекин давлат ҳисобига ўтказилаётган ойлик маош турли хил маошлар ҳисобидан тўланади. Жарима сифатида тўланадиган пул тўлови солиқлардан озод қилиш учун сабаб бўла олмайди. Жарима жазосига ҳукм қилинган шахс ўзининг ойлик маошидан солиқларни, жаримани ҳамда ўзининг эҳтиёжи учун керак бўладиган минимал пул суммасини олиши даркор. Бунда пул суммасининг тақсимланиши фоизлар ҳисобида амалга оширилади. Қонунда белгиланишича, жарима жазоси суднинг банкдаги ҳисоб-рақамига нафақат нақд пул, балки пул ўтказиш йўли билан ҳам тўланиши мумкин.

Жарима жазосини ижро этиш суд ҳукми қонуний кучга кирган куннинг эртаси кунидан бошланади. Бунда суд маҳкумни жаримани тўлаш тартиб-қоидалари билан таништиради, тўлаш муддатларини тушунтиради, тўлов шакли ва тўлашдан бош тортганлик оқибатларини эслатиб ўтади. Бунда суд маҳкумга қонунчиликда белгиланган уч ой муддат ичида жаримани ўз хоҳиш-иродасига кўра тўлаш ҳуқуқини беради. Агарда маҳкум мана шу муддат мобайнида жаримани ихтиёрий равишда тўламаса унда жарима жазосини ижро этиш мажбурий ижрога юборилади.

Маҳкумнинг оғир касал бўлиб қолиши ёки шундай сабаблар билан жаримани тўлай олмаслиги ҳам жарима муддатини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга асос бўлади. Бундай ҳолларда маҳкумнинг оила-аъзолари, рафиқаси, вакили ёки адвокатининг судга ёзма равишда ариза киритиши лозим. Илтимосномани тайёрлаш ишлари ижрочи томонидан барча асослар жамланиб умумий хулоса тайёрланади ва судга тақдим қилинади. Суд эса ижрочининг хулосалари ва илтимосномада кўрсатилган ҳолатларни эътиборга олиб тегишлича қарор қабул қилади. Жиноят Кодексининг 69-моддасига кўра жаримани тўлаш учун маҳкумнинг ижобий сабабларга кўра тўлай олмаслик вақтида ҳам, суд жаримани тўлаш муддатини узайтириб борганида ҳам жазони ижро этиш муддати ўтиб бораверади. Агар қонунда кўрсатилган муддат ўтиб кетса, бу ҳолда жазони ижро этиш мумкин бўлмайди.

Баъзи ҳолларда, маҳкум жаримани тўлашдан бўйин товлаши ҳам мумкин. Жаримани тўлашдан бўйин товлаш – маҳкумнинг била туриб қонунда белгиланган муддатда ёки суднинг бу муддатни узайтириб берган вақти мобайнида узрли сабабсиз тўламаслиги, қочиб юриши ёки турли хил асоссиз баҳоналар келтириши. Бундай ҳолда суд жарима жазосини бошқа

оғирроқ жазолар – ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ва қамок жазоси билан алмаштириши мумкин. Вояга етмаганлар жаримани тўлашдан бўйин товласа, уларга нисбатан фақат ахлоқ тузатиш ишлари жазо сифатида тайинланиши мумкин. Биз юқорида жарима жазосини бу жазолар билан алмаштирилиш тартибини айтиб ўтдик.

Энди эса биз айрим хорижий давлатларда жарима жазосининг ижро этилиш тартибини қуйида кўриб утамиз.

Айтиш керакки, бундай жазо тури энг кўп тарқалган давлат бу Англия бўлиб, содир этилган жиноятларнинг аксарияти жарима билан жазоланади. Англия ҳуқуқшунослари фикрича, ушбу жазо тури ҳам жамиятга, ҳам ҳуқуқбузарларга мосдир. Чунки етказилган зарар ҳам қопланади, ҳам давлат бюджетига фойда келтирилади.

Умумий ҳуқуқ бўйича жарима (озодликдан маҳрум қилиш била ёки усиз) суд хоҳишига биноан белгиланади. Статут ҳуқуқи бўйича жаримани суд қонунда белгиланган ҳолларда ва миқдорда қўллаши мумкин.

1973 йил жиноят судларининг ваколатлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, суд ўз буйруғида жаримани тўлаш муддатини белгилаб, тўлов бўлиб амалга оширилишини ҳам кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари суд ўз буйруғида жаримани қисман тўламаслиги натижасида жазо сифатида қамокқа солишнинг муддатларини ҳам кўрсатади. Қамокқа олиш чорасининг умумий муддати ўн икки ойдан ошмаслиги керак ва бу чорани белгилаш пайтида суд жиноятчининг моддий аҳволига катта эътибор беради. Қонунда белгиланган жараён жарималарнинг стандарт шкаласи даражасидан юқори бўлмаган нисбатда қўлланилади. Худди шу жараён 18 ёшга тўлмаган боласининг ўрнига ота-оналарга нисбатан қўлланилади.

1991 йилдаги Инглиз қонунчилигига мувофиқ жарима миқдори икки элемент натижасида аниқланган. Биринчи элемент – жиноятнинг оғирлигига қараб белгиланадиган жариманинг бирликлари сони, иккинчиси эса – жиноятчининг ҳафталик соф даромади миқдори. Масалан, агар жиноят 10 бирлик билан жазоланиб, соф ҳафталик даромад 10 фунт стерлингга тенг бўлса, жарима миқдори юз фунт стерлингни ташкил этади.

Қонун жаримани тайинлаш давомида судга айбланувчидан унинг даромади ҳақидаги маълумотни талаб қилиб олишга ҳақли. Бундай маълумотни тақдим этишдан бош тортиш ёки ёлғон маълумотни тақдим этиш алоҳида жиноятларни ташкил этади. Маҳкумнинг моддий аҳволи кўтарса жарима дарҳол тўланиши мумкин.

Америка қўшма штатларида қонунчилик судьяларга кенг имкониятлар очиб бериб, ҳаттоки судьяларни жаримани қўллашга чорлайди. Бу нарса федерал қонунчилик нормаларининг тузилишида ҳам намоён бўлади. АҚШда жарима ҳар қандай жиноят учун ҳам тайинланиши мумкин. Масалан, Огайо штатининг Жиноят Кодекси одам ўлдириш учун ҳам жарима солиш ҳуқуқини солиб қўйган. У ерда айтилишича, бу жиноятда айбдор деб топилган шахсга умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод қамок жазоси тайинланмасдан туриб, кўпинча чора сифатида 25000 доллар сифатида жарима солиниши ҳам мумкин. Фелония учун (оғир одам

ўлдиришдан ташқари) жариманинг энг катта миқдори Нью-Йорк Жиноят Кодексида кўра 5000 доллар, Кентукка Жиноят Кодексида асосан эса 10000 доллар, Огайо Жиноят Кодексида асосан 20000 долларни ташкил этади.

Федерал қонунчилик одам ўлимига олиб келган ҳар қандай фелония учун 250000 долларгача жарима суммасини белгилаб қўйган. Айнан шу қонунчиликка кўра жиноий ва юридик шахсларга нисбатан наркожиноятлар учун жарима миқдори астрономик рақамларни ташкил этади.

Жариманинг кенг тарқалиш сабаби шундаки, ҳокимият давлат ғазнасини тўлдириш нияти, озодликдан маҳрум қилишнинг салбий таъсирини тўхтатиш ва қамоқлардаги маҳкумлар сонини камайтириш, лекин айбдорнинг жаримани тўлашга қурби етмаса у, албатта, қамоққа тушади.

Мулкий жазолар орасида Францияда тарқалган жазо тури бу – жарима. 1810 йилгача жаримани жиноятлар учун эмас, балки айбли қилмишлар ва полициявий бузишлар учун белгиланган. Ҳозирги Жиноят Кодексида жарима жиноятлар учун ҳам белгиланиши мумкин. Лекин жарима жазоси оғир турдаги жиноятлар (қасддан одам ўлдириш, қийноққа солиш) учун белгиланмаган. Шу билан биргаликда жарима жазоси мулкий характердаги жиноятлар (ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, ишончни суиистеъмол қилиш)га нисбатан ҳамда жамият хавфсизлигига қарши жиноят (терроризм)ларга нисбатан қўлланилади.

Француз жиноят ҳуқуқида жариманинг икки тури мавжуд:

А) Оддий пулли жарима – жисмоний шахсга нисбатан жиноят содир этгани учун 50 млн.гача тайинланиши мумкин;

Б) Жаримавий кунлар – давлат бюджетига маҳкум томонидан мунтазам равишда маълум миқдорда пул маблағини киритиш мажбурияти. Жаримавий кунлар жиноятнинг оғирлигига қараб 360 кундан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

Рецидив ҳуқуқбузарлик учун жариманинг миқдори икки баробарга кўпаяди. Жаримани тўлашдан бош тортган жисмоний шахс мажбурий тарзда қамоққа олинади, лекин бу чора вояга етмаганлар, 65 ёшдан ошганлар ва солиқ инспектори орқали жаримани тўлай олмаслиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этганларга нисбатан қўлланилмайди.

Германиядаги иккинчи турдаги асосий жазо пулли жаримадир. ГФРда жарима кунли ставкаларда белгиланади. Пулли жариманинг кунли ставкаларининг энг ками – 5 тўлик кунли ставка бўлса, энг юқори даражаси 360 тўлик кунли ставкаларидир. Кунли ставканинг муддати ҳар бир ҳолатда индивидуал бўлади. Чунки суд маҳкумнинг шахсий ва мулкий ҳолатини ҳисобга олади. Кунли ставка миқдори икки мингдан ўн минг немис маркасигача тайинланган.

Қатор ҳолларда пулли жарима озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан биргаликда тайинланади ва бу умумий қоидадан чекланиш бўлиб, пулли жариманинг асосий чораси сифатидаги ҳуқуқий табиатини ўзгартиради. Пулли жарима тўлаш қисмларга бўлиб ёки кейинга қолдирилиб тўланиши мумкин. Пулли жарима тўланмаса жарима жазоси озодликдан маҳрум этиш

жазосига алмаштирилиши мумкин. Бунда озодликдан маҳрум этишнинг бир куни бир кунли пулли жариманинг ставкаси билан тенг қилиб белгиланган.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этиш асослари ва тартиби

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо Жиноят Кодекси 45-моддасида, Жиноят-ижроия кодексининг VI боби 21-25 моддаларида ўз ифодасини топган.

Жиноят Кодекси 45-моддасида таърифланишича: «Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини таъқиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятининг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача бўлган муддатда, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга белгиланади

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс махсус қисмининг тигишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади».

Жиноят қонунида ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида тайинланадиган жазолардан бири муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бўлиб, буни тайинлашдан бош мақсад муайян касб, лавозими ва фаолият билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларни сабабларини ўрганиб бартараф этиш ва олдини олишдир. Ўз навбатида, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг аниқ рўйхати берилмайди, суд ўз ҳукмида маҳкум қандай ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлигини ёки қандай касб, лавозимни эгаллаши мумкин эмаслигини аниқ кўрсатиб ўтиши шарт. Суд бу жазони қўшимча жазо тариқасида қонунда кўрсатилмаган ҳолларда ҳам тайинлашга ҳақли бўлади.

«Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этилиш тартиби қачондан бошланади?»- деган савол барчани қизиқтириши табиий.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этилиш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 21- моддасида берилган: «Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга

кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин».

Шуниси қизиқки, бу жазо тури асосий жазо тариқасида тайинланганида муддатнинг ўтиши ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошланса, қўшимча жазо сифатида тайинланганда эса муддатнинг ўтиши асосий жазони ўтаб бўлган куннинг эртасидан бошланади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг доимий ёки охириги яшаш жойидаги, яшаш манзили номаълум бўлса мол-мулки турган жойдаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Лекин, қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, унда асосий жазонинг моҳиятига эътибор берган ҳолда ижро этилади. Масалан, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, маҳкум жазосини ўтаётган жойдаги ички ишлар органларининг жазони ижро инспекцияси томонидан ижро этилади ёки бўлмаса хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга ёхуд озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда жазонинг ижроси жазони ижро этиш органлари томонидан амалга оширилади. Қонунда маҳкум жазони ўташ муддатидан олдин озод қилинган ёки жазо бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилганда, жазо ижросини давом эттириш маҳкум яшаш жойидаги инспекция зиммасига ўтади, деб ёзиб қўйилган. Бу баённома билан расмийлаштирилиб, маҳкум яшаб турган ички ишлар органларига топширилади.

Жиноят-ихроия кодексининг 22-моддасида ички ишлар органларининг мажбуриятлари баён қилинган:

1. муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкумларни рўйхатга олади;
2. маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ва муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида хабарнома юборади;
3. маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган таъқиқларга риоя этишини текширади;
4. маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек, муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини текширади;
5. маҳкум ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёхуд кирган тақдирда инспекция ҳукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади.

Шунингдек, қонунда маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукмини ижро этиш борасидаги мажбуриятлари баён қилинган (ЖИК 23-модда). Жумладан, маъмурият маҳкуми ҳукмда

кўрсатилган жазога кўра: уч кун ичида эгаллаш ёки шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолиятдан озод қилади:

уч кун ичида эгаллаш ёки шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолиятдан озод қилади;

жазоларни ижро этиш инспекциясига ҳукм талаблари ижро этилиши тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни илова қилади, хат йўллайди;

Қонунда, шунингдек, маҳкум муқобил хизматга чақирилганда жазони ижро этиш инспекциясининг вазифаси ҳам белгилаб қўйилган. Унга кўра инспекция ҳукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкум ўз навбатида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Ҳукм талабларини бажариш жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тақдим этиш, яшаш ва иш жойига ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилади.

Жамоат ёки касбий фаолиятнинг маълум бир турини чеклаш ушбу фаолият натижасида жиноят содир этиб, қонунда белгиланган ҳолларда у билан боғлиқ бўлмаса ҳам белгиланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг муддати тугаши билан жазони ижро этиш инспекцияси бу ҳақда баённома тузади ва бу баённомани маҳкумга тақдим этади. Маҳкум бу баённомани ўз иш жойига топшириши керак. Инспекция тақдимномасига биноан, маҳкум жазо муддатидан аввал озод қилиниши мумкин

Қўшимча оқибатлар-маҳкумга нисбатан амалга ошадиган ва ҳукмда алоҳида белгиланмаган оқибатлар. Улар қаторига маълум мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, умумий сайловлар натижасида пайдо булган ҳуқуқларни олиб қўйиш, сайлаш ва сайланиш кабилар киради.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини белгилашдан мақсад маҳкумнинг бевосита эгаллаб турган лавозими, касби ёки шуғулланадиган фаолияти билан боғлиқ ҳолатларда жиноят содир этилганлиги сабабли бундай жиноятнинг давом эттирилишини ёки яна содир бўлишлигини олдини олиш мақсадида тайинланади. Бу жазо озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига жорий этилади ва унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо тариқасида тайинланган ҳолларда асосий жазони ижро этаётган муассаса маъмурияти асосий жазо муддатининг тугашига 20 кун қолганда, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилганда ёки жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилганда озод этиш кuni у яшаган турар жойдаги ички ишлар бўлимига ҳукмнинг нусхасини юборади. Озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотномада ҳам қўшимча жазо мавжудлиги кўрсатилиши шарт.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тўғрисидаги суд ҳукм ижросини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бошқармаси, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўлими ва бўлинмалари зиммасига юклатилади. Жойларда (шаҳар ва туманларда) суд ҳукмларининг ижросини маҳкумларнинг турар жойлари бўйича ИИБлари жазони ижро этиш инспекциялари томонидан амалга оширилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан тезкор қидирув ишлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ меъёрий ҳужжатларига асосан олиб борилади.

Жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари қуйидаги тадбирларни амалга оширадilar:

- маҳкумларни рўйхатга оладилар;

- суд ҳукмларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан 5 кун ичида

- а)маҳкум ишлайдиган корхона,муассаса, ташкилот маъмуриятига ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида хабарнома юборади;

- б)маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган таъқиқларга риоя этишини текширади;

Шунингдек, жазони ижро этиш инспекцияси ҳукм ижросининг бажарилишини назорат қилиш даврида камида ҳар чоракда бир маротаба маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек, муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар ҳамда маҳкум томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини текшириб туради ва бу ҳақда маълумотнома тузиб, бошқа ҳужжатлар билан бирга шахсий йиғма жилдга қўшиб боради. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми (ажрими, қарори) маҳкумни ҳисбга олиш учун асос бўлади.

Суддан, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан келиб тушган ҳукм нусхалари ИИБ рўйхатига олиниб, раҳбариятнинг ёзма кўрсатмасига биноан жазони ижро этиш инспекцияси ходимига топширилади.

Шу куннинг ўзида жазони ижро этиш инспекцияси томонидан маҳкумларни ҳисобга олиш журналида қайд қилиниб, унга нисбатан йиғма жилд очилади. Бундан ташқари, инспекция ҳукм чиқарган судга маҳкумнинг ҳисобга олинганлиги тўғрисида зудлик билан хабарнома, ички ишлар бўлимининг паспорт бўлимига маҳкумларнинг турар жойини ўзгартириш ҳолларини назорат қилиб туриш учун кўриқчи варақаси тўлғазиб юборади.

Суд томонидан тайиланган жазони ижро этишда паспорт бўлими ходимларига ҳам маълум мажбуриятлар юкланилиши табиий. Улар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкум турар жойидан рўйхатдан ўтмоқчи бўлганида бу ҳақида жазони ижро этиш инспекциясига дарҳол хабар қилади ҳамда назорат варақасига тегишли ёзув киритади, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан келган маҳкумларни рўйхатга олиш даврида уларнинг

маълумотномасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо тўғрисидаги белги бўладиган бўлса, бу ҳақда ҳам жазони ижро этиш инспекцияси ходимида дарҳол хабар бериши лозим. Инспекция ходими бу хабарни олиши билан унинг ҳукмини (ажримини) сўраб у жазо ўтаган жойга сўровнома юборади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганларга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинганларни жазодан озод қилиш ва ҳисобдан чиқариш асослари қўлланилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш асослари ва тартиби

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси фақат асосий жазо сифатида қонунда курсатилган ҳолларда ёки қонунда курсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланганда тайинланиши мумкин. Маҳкумларни мажбурий жалб этишнинг қонуний воситаларидан бири ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашдан мақсад – маҳкумларни мажбуран меҳнатга сафарбар қилиш орқали қайта тарбиялашдан иборат. Бу турдаги жазоларни ижро этиш билан боғлиқ масалалар Жиноят-ижроия Кодексининг VII бобида, тўғрироқ қилиб айтганда, 26-32 моддаларда, Жиноят Кодексининг 46 ва 83-моддаларида батафсил ёритилган.

Жиноят Кодексининг 46-моддасига биноан: «Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан 3 йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди».

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумнинг жазони ўташ тартиби ўзига хос хусусиятга эга, яъни бу жазони ўташ тартиби икки хил йул билан амалга оширилади:

1. маҳкумнинг ўз иш жойида жазони ўташи;
2. ички ишлар органлари томонидан белгиланган жойда жазони ўташлик;

Зеро, Жиноят-ижроия кодексининг 26-моддасида ҳам худди шу нарса белгилаб қуйилган: «Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси

махкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттираверадилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади».

Дарвоқе, вояга етмаганларнинг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ хусусиятлари Жиноят Кодексининг 83-моддасида ёритиб берилган:

«Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан уз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамоқнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, қамоқ жазоси билан алмаштиради, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак».

Агар суд маҳкумнинг ўз иш жойида ўташи мумкин эмас деган қарорга келса, унда маҳкум ички ишлар органлари белгилаб берган жойда жазони ўташлик учун юборилиши мумкин. Аммо, ҳар иккала жой ҳам жазони ижро этиш инспекцияси томонидан назорат қилинади. Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда эса ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс ва жазони ўташни назорат қилувчи инспекция ўртасидаги муносабат уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида тартибга солинади.

Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари:

- ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади;
- маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради;
- бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади;
- маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади;
- маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини текширади;

- маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказди, зарур матуриалларни тайёрлайди ва тегишли хизматга оширади;

- ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсатнома бериш масаласини кўриб чиқади;

Бундан ташқари, инспекция зарур ҳолларда маҳкумларни меҳнат биржалари билан тузилган шартномалари асосида ишга жўнатади. Шунингдек, инспекция маҳкумни ишдан бўш ва дам олиш вақтларида тегишли жойлардан кетиб қолмаслигини, жамоат ва дам олиш жойларда бўлмаслигини, маълум вақтларда инспекция рўйхатидан ўтиб кетишлигини талаб қилиши мумкин.

Жазони ижро этиш инспекциясининг вазифалари корхона, ташкилот ёки муассаса маъмуриятининг вазифалари билан мослаштирилиши даркор.

Жумладан, маъмурият маҳкумни иш билан таъминлаши, унинг иш ҳақидан суд ҳукмида белгиланган фоиз миқдорида чегириб қолиши ва чегириб қолingan қийматни давлат фойдасига ўтказиши, маҳкумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳақида, унинг жазони ўташдан бўйин товлагани, бошқа ишга ўтказилганлиги ёки у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор этиши лозим.

Жиноят-ижроия кодексининг 29-моддасида белгиланишича, мазкур жазони ўташга ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига ушбу жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилиб туришга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда мажбуран келтирилиши ҳам мумкин. Шунингдек, жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати давомида инспекциянинг ёзма рухсатсиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиш мумкин эмас. Агар инспекция рухсатнома беришни рад этса, манфаатдор шахс маъмурий тартибда юқори турувчи давлат органи ёки мансабдор шахсга ёхуд судга шикоят қилиши мумкин. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шикоятни олган мансабдор шахс бир ой ичида белгиланган тартибда жавоб бериши лозим.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатини ҳисоблаш ишлари қачондан бошланишини билиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида ўз ифодасини топган. Ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолingan давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади, тўғрироқ қилиб айтганда, жазони ўташ муддати маҳкум белгиланган жойда ишлаган кундан бошланади. Шунинг билан бирга айнан ана шу кундан бошлаб маҳкумга иш ҳақи тайинланиб, ундан тегишли равишда ушлаб қолина бошлайди. Маҳкумнинг ҳукмда курсатилган муддат мобайнида меҳнат қилишдан бўйин товланган ёки сабабсиз ишга чиқмаган вақтлари муддатни ҳисоблашга

қўшилмаслиги мумкин. Натижада ҳукмда кўрсатилган муддат умумий вақтдан ҳам ортиб кетиши мумкин. Агар маҳкум касаллиги ёки бошқа ижобий сабабларга кўра ишга чиқа олмаган бўлса, бу вақт жазони ҳисоблаш вақтига қўшилади. Қонунга биноан, маҳкум умумий жазо муддатига, маъмуриятнинг айби билан ишланмаган вақти ҳам жазо муддатига қўшиб ҳисобланади, лекин бу вақт маъмурият томонидан иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ бўлиши керак.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ўташ вақтлари иш стажига қўшилади.

Қуйидагилар жазони ўташ муддатига қўшиб ҳисобланмайди:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган вақти;

- камоқ тарикасидаги маъмурий жазони ўташ вақти, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоққа сақланган вақт;

Жиноят-ижроия қонунчилигига кўра, маҳкумнинг иш жойи ва яшаш манзили ўзгарса, кўпи билан 10 кун ичида жазони ижро этиш инспекциясига хабар бериши керак.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумлар меҳнат таътилидан ташқари бошқа барча ижтимоий таътиллارга чиқиш ҳуқуқига эга. Бунда фақат меҳнат таътили жазони ижро этиш инспекциясининг рухсати билан берилади. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ўташ вақтининг иш стажига қўшилиши маҳкумлар манфаатини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум қилинган маҳкумлар ўртасида шахсий карточкалар олиб борилади. Бу карточкалар маҳкумлар хулқ-атвори ва интизомини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Унда 8 маҳкумга берилган рағбатлантирувчи ёки интизомий чоралар ёзиб борилади. Бу маҳкумнинг муддатидан аввал озод қилиш ёки қилмаслик жараёнида катта аҳамиятга эга бўлади.

Маҳкум ўзбошимчалик билан ишга чиқмай, яшаш жойидан ҳам яширинса, у ҳолда жазони ўташдан ашшадий бўйин товлаш, деб кидирув эълон қилинади ва жазони озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилишига сабаб бўлиши мумкин.

1999 йилги Россия Ички ишлар вазирлигининг расмий маълумотида караганда, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган 719,5 минг кишидан 39,800 аёлларни ташкил этган.¹⁴

«Озодликдан маҳрум этишнинг самараси ҳақида ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан озод қилинувчи шахслар янги жиноят содир этадиларми, улар жазони ўташ даврида жиноят содир этиш имкониятига эга бўладиларми, маҳкумларнинг аянчли қисмати бошқа шахсларни жиноятдан қайтарадими – ана шуларга қараб хулоса чиқариш мумкин», - деган эди рус олими Н. А. Стручков. Бу фикр социалистик пенитенциар тизим «равнак

¹⁴ Интернат сайти: www.prison.org

топган» даврда айтилганига қарамасдан, ўз моҳиятига кўра у бугунги кунда ҳам долзарблиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 298-сонли буйруғида Ички ишлар органларининг ахлоқ тузатиш тариқасидаги жазоларни ижро этишдаги вазифалар белгилаб берилган¹⁵.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этувчи орган томонидан:

а) ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг ҳисоби олиб борилади;

б) маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартлари тушунтирилади;

в) бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар белгиланган тартибда ишга юбориладилар ва ўз вақтида етиб борилиши назорат қилинади. Жазони ўз иш жойида ўташга ҳукм қилинганларга зарур бўлганда ишга жойлашишга ёрдам берилади;

г) ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган маҳкумларнинг иш ҳақидан ўз вақтида ва тўғри ҳақ ушлаб қолиш ҳамда ушлаб қолинган пул миқдорини белгиланган тартибда ва ўз вақтида давлат фойдасига ўтказиш, корхона маъмурияти томонидан ахлоқ тузатиш ишларини қонунчиликда белгиланган ўташ шартларига риоя қилиниши, жазони ўтаб бўлганларнинг меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзувларни тўғри киритилиши устидан назорат олиб борилади. Текшириш вақти-вақти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ давомида йилига камида икки маротаба бевосита корхонанинг ўзида амалга оширилади. Текширув якуни тўғрисида 2 нусхада далолатнома тузилади. Бир нусхаси корхонада, иккинчи нусхаси эса корхона маъмурияти вакилининг танишганлик ҳақидаги имзоси билан жазони ижро этиш инспекциясида сақланади;

д) маҳкум жазо муддатини қонунда белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ билан алмаштиришга тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқарилиши мумкин;

е) ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар жазони ўташ давомида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия етган ҳолларда, шунингдек аёллар ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, уларни жазони ўташдан озод қилиш ҳақида судга тақдимнома киритилади;

ж) жазонинг мазкур турларини ижро этувчи органларнинг чақирувига узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларга нисбатан мажбурий олиб келиш ҳақида қарор чиқарилади;

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.06.2001 йилги 247-41 «с»-сонли «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 298-сонли буйруғи.

з) маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирлар ўтказилади, зарур материаллар тайёрланади ва тегишли жиноят қидирув хизматига оширилади;

и) жазо ўташдан бош тортган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг талабларидан келиб чиқиб ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган муддатини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан вояга етмаган шахсларга нисбатан эса қамоқ жазоси билан алмаштириш ҳақида судга тақдимнома киритилади;

к) йилнинг ҳар чорагида ИИБга ижро учун юбориладиган ҳукмлари суд органларининг шу масалага оид маълумотлари билан солиштирилади ва натижаси далолатнома тузиш билан расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижросини назорат қилиш бўлим ва бўлинмалари:

а) жазоларни ижро этиш инспекциялари устидан ташкилий методик раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятларини доимий текширувдан ўтказиб турадилар, уларга амалий ёрдам кўрсатадилар, ижобий тажрибаларни тадбиқ қиладилар, уларнинг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириб, ходимларнинг касб маҳоратини ошириб бориш чораларини кўрадилар;

б) йилнинг ҳар чорагида жазони ижро этиш инспекциялари билан суд органлари ўртасида ижрога юборилган ҳукмлар тўғрисидаги маълумотларни солиштириш ўтказилишини таъминлайдилар ҳамда назорат олиб борадилар. Шунини таъкидлаш жоизки, доимий текширувлар йилига камида икки марта мунтазам амалга оширилиши даркор.

Шаҳар ва туман Ички ишлар бошқармалари ва бўлимларининг жазони ижро этиш инспекциялари устидан кундалик раҳбарлик шу органлар бошлиқларига юкланади. Ижрога келган ҳужжатлар шаҳар ёки туман ИИБнинг қайд журналида келган куннинг ўзида махсус тикилган, рақамланган ва муҳрланган ҳисоб журналида қайд этилади. Суд ҳукми(ажрими)да, унинг ижроси учун тўсқинлик қилувчи тушунмовчиликлар бўлса, жазони ижро этиш инспекцияси уч кунлик муддат ичида ҳукм (ажрим) чиқарган судга уларни бартараф этишларини сўраб мурожаат этиши лозим. Шу ўринда, технология тараққий этиб бораётган бир даврда Европа давлатларида ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган қизиқарли бир мисол: Сочида дам олиб юрган 23 ёшли ўспирин бир йигит ўзининг «собик» севгилисига уяли телефон орқали қизнинг шаънига тегувчи турли хилдаги жамоат томонидан қабул қилинмаган бузғунчи маълумот (СМС)лар юборган. Қиз ўзининг «собик» хушторидан бу хилдаги маълумотларни дастлаб ҳазил сифатида қабул қилган. Бироқ, бу ҳол 3-4 кун такрорланавергач, қиз ўзининг қизлик шаънини ҳимоя қилиш мақсадида бу хилдаги маълумотлар(смс)ни тегишли милиция органига кўрсатади ва улар бу воқеа юзасидан зудлик билан бир маслаҳатга келиб, йигит устидан ариза тузишади. Судга келиб тушган сўнгги маълумотлар бўйича, суд ҳукми ўқиб

эшиттирилди. «Севги дардига мубтало бўлган» йигит 40.000 Россия рубли миқдорида жарима ёки шу турдаги ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинадиган бўлди¹⁶.

Ахлоқ тузатиш ишини ўтаётган шахсга у томонидан содир этилган Янги жиноят нусхаси келса ва ушбу ҳукмда биринчи содир этилган жиноятнинг оқибатлари ҳақида кўрсатма бўлмаса, жазони ижро этиш инспекцияси уч кунлик муддатда судга ҳукмларни жамлаб, аввалги жазо чораси ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун тақдимнома кириртади ва бунда суд томонидан мазкур масала ҳал этилгунга қадар биринчи ҳукмнинг ижроси тўхтатилмайди. Жазони ижро этиш инспекцияси томонидан қонунда белгиланган муддатда ҳукм чиқарган судга ҳукмни ижро қилиш учун қабул қилинганлиги ҳақида, шунингдек агар озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишларига ўзгартирилган бўлса, маҳкум бўшатиш жазони ижро этиш муассаларига ҳам хабарнома юборилади.

Инспекция томонидан ҳукм (ажрим) нусхаси рўйхатга олинганидан сўнг шу куннинг ўзида ҳар бир маҳкумга ҳисоб варақаси тўлдирилиб, шахсий ҳужжатлар йиғма жилди юргизилади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, маҳкумларнига янги йиғма жилд тугатилмасдан, балки улар жазо ўтаган жазони ижро этиш муассасидаги шахсий йиғма жилдлари давом этирилади. Шахсий йиғма жилдда маҳкумнинг жазосини уташга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ҳамда ҳукмнинг (ажримнинг) нусхалари сақланади. Шахсий йиғма жилддаги ҳужжатлар тикилган, рақамланган ва муқованинг ички томонидан рўйхатга киритилган бўлиб, шахсий йиғма жилднинг ва ҳисоб варақасининг тартиб рақамлари ҳукм нусхасининг ҳисоб журналида қайд этилган рақамига мос бўлади. Маҳкумларга тегишли бўлган шахсий йиғма жилдлар темир шкафларда сақланиб, иш куни тугаганидан сўнг шкафлар кулфланиб, муҳрланади.

Жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари маҳкумнинг ҳисобга олинганлиги ҳақида унинг яшаш жойидаги ички ишлар идора раҳбарига керакли профилактика тадбирларини утказиш зарурлиги тўғрисида билдирги орқали хабар қилади ва ички ишлар идора раҳбари ушбу билдиргини маҳкумнинг турар жойи бўйича масъул бўлган профилактика ходимида керакли кўрсатмалар бериб топширади. Профилактика ходими маҳкум билан олиб борилаётган профилактика ишлар ҳақида жазони ижро этиш инспекциясини вақти – вақти билан (чорак давомида камида бир маротаба) ёзма равишда хабардор қилиб туради.

Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсларнинг ҳисобга олинганлиги тўғрисида тегишли шахар (туман) мудофа ишлар бўлимига хабарнома юборилади.

Ҳар бир маҳкум ҳисобига олинганидан сўнг суҳбат ўтказиш учун жазони ижро этиш инспекциясига чақирилиб, уларга ахлоқ тузатиш ишини уташ тартиби, шарт – шароитлари ҳамда унга нисбатан қўлланилиши мумкин

¹⁶ www.yandex.ru-интернет сайти.

бўлган рағбатлантириш ва жазолаш чоралари ҳақида тушинтирилади. Иш жойида инспекция томонидан кейинги кундан кечиктирилмасдан аниқланиб, маъмуриятга ҳукм (ажрим) нусхаси ва хабарнома юборилади. Агарда маҳкумнинг иш жойини аниқлаш давомида унинг бўшаб кетганлиги аниқланса, жазони ижро этиш таклиф қилади ва зарур бўлган ишга жойлашишида ёрдам беради.

Бошқа жойларда ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этилганлар керакли ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг, жазони ижро этиш инспекциясига чақиртирилиб, аввалги иш жойида ишлаётган бўлса, у ердан дарҳол бўшаттирилиб, белгиланган тартибда ишга юборилади. Бу ҳолатда маҳкумга хабарнома берилади ва уни бир нусхаси маҳкум ишга юборилаётган жойдаги жазони ижро этиш инспекциясига унинг етиб келишини назорат қилиш учун юборилади, иккинчи нусхаси ёзишмалар жилдига тикиб қўйилади. Агар маҳкум кўрсатмада белгиланган муддатда юборилган жойга етиб бормаса, уч кундан кечиктирмай у ердаги жазони ижро этиш инспекцияси уни юборган ички ишлар бўлимига бу ҳақда хабар қилади ва шу билан биргаликда корхона маъмуриятига ҳукм (ажрим) нусхаси ва хабарнома юборилади.

Маҳкум меҳнатга яроқсизлиги учун жазо муддатини ўтай олмаслиги тўғрисида инспекциясига ариза билан мурожаат этса, у тиббий текширувга юборилади ва текширув ҳулосасига кўра, агар маҳкум қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнатга яроқсиз, деб топилган бўлса, инспекция томонидан қолган жазо муддатини ўтишдан озод қилиш тўғрисида судга такдимнома киритилади.

Ушлаб қолиш, жами иш ҳақида солиқ ва бошқа тўловларни истисно қилмаган ҳолда, шунингдек, маҳкумларга ижро ҳужжатлари бўйича даъволар мавжудлигидан қатъий назар амалга оширилади ва ойнинг иккинчи ярми учун тўланган иш ҳақидан бўшаган эса ойнинг ишлаган қисми учун олинади.

Ахлоқ тузатиш ишлари бўйича яна бир муҳим нарса, маҳкумнинг ишлаган кунлари ва ойлигидан ушланиб ўтказилган пуллар тўғрисидаги маълумотлар давлат банки муассасаларининг жорий счётларига кўчирма асосида уларни ҳисоб варақаларига 3 кун мобайнида киритилиши керак. Ҳисоб маълумотлари ва тўлов қоғозлари махсус жилдларга тикилади.

Суд ҳукм бекор қилинган ҳамма ҳолатларда инспекция томонидан ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган ҳамма пуллар маҳкумга қайтариб берилади ва ҳукмнинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиш ҳақидаги суднинг ажрими (қарори) пулларнинг қайтариб берилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Жазони ижро этиш инспекцияси жазо ўташдан яшириниб юрган маҳкумларнинг қидируви юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириб, яшаш жойидан яширинганларни излаш, уларнинг танишларидан ва қариндошларидан сўраш йўли билан унинг тахминий трган жойи ва яшаб турган жойидан ташқаридаги алоқаларини аниқлашдан иборат. Яшириниб юрган маҳкумни манзиллар маълумотномаси, мудофаа ишлари бўлими, қишлоқ ва шаҳар ўз-ўзини бошқарув органлари, турар жой идоралари ҳамда шартнома асосида бошқа вилоятларга ишга юборадиган ташкилотлар орқали аниқлаш чоралари кўрилади. Жазоларни ижро этиш инспекциялари

томонидан кадрлар бўлими орқали маҳкумнинг қаерда эканлигини билиш мақсадида бирга ишлаганларни аниқлаш ва яшириниб юрганини топишга ёрдам берадиган бошқа маълумотлар олинади, дайдиб юрган шахсларни қабул қилиб, таксимлаш жойларида, тиббий хушёрхоналарда, ўликхона ва бошқа тиббий муассасаларида қидирилаётган шахснинг кўнгилсиз воқеа ёки жиноят қурбони бўлмаганлиги текширилади, қидирилаётган шахснинг танишларини ва қариндошларининг яшаш жойлари қаердалигини аниқлаш мақсадида бошқа вилоят, туман ички ишлар бўлимларига сўров хатлари юборилади, жазони ижро этиш инспекцияси жойлашган жойдаги ИИБ, ИИБ ҳисоблари бўйича ҳамда шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари ҳисобидан яшириниб юрган маҳкумни топиш мақсадида уни судланганлар, сақланаётганлар, тутиб турилганлар ва қидирувдаги ҳисобини тешириш орқали изланади. Бирламчи ҳаракатлардан олинган ҳужжатлар (маълумотлар) маҳкумнинг шахсий йиғма жилд ичидаги алоҳида жилдда йиғилади. Агар бир ой муддат ичида қидирилаётган шахсни аниқлашнинг иложи бўлмаса, йиғилган ҳамма ҳужжатлар, хулоса ҳамда суд ҳукмининг нусхаси билан маҳкумнинг доимий турар жойи бўйича жиноят қидирув хизматига берилади.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тартибида олинаётган нафақа ва ёрдам пулларида, иш ҳақи тизимида назарда тутилмаган тўловлардан ва бир марта тўланадиган пул мукофотланаларидан (фойдаланилмаган таътил учун бериладиган), иш жадвалидан ортиқ ишлаган.

Ахлоқ тузатиш ишларига қўшимча турдаги жазо ҳам мавжуд бўлган. Бу жазо «жамиятга бепул хизмат кўрсатиш» деб номланган ва 1973 йилнинг қонуни асосида пайдо бўлган ва 16 ёшдан ошган кишиларга нисбатан қўлланилган. Жамиятга бепул хизмат кўрсатиш жазоси жиноятчининг шахси ҳақида маҳаллий ҳокимият органинининг ижтимоий ишчиси томонидан судга берган маълумотларидан кейин ҳамда жиноятчининг розилиги билан суд томонидан қўлланилган. Суд буйруғига кўра хизмат кўрсатишнинг умумий вақти белгиланган. Умумий вақт 40 соатдан кам ва 200 кўп бўлмаган. Ишнинг турини масъул чиновник белгилаб назоратни амалга оширган. Агар ишларнинг муддати узайтирилмаган бўлса, у 12 ойдан ошмаслиги, белгиланган шартларнинг бузилиши жарима ёки бошқа санкцияга олиб келиши белгилаб қўйилган.

Қамоқ тариқасидаги жазонинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти

Бу боб ўз ичига Жиноят-ижроия кодексининг III бўлим, 8-боб, 33-44 моддаларини қамраб олади.

Қамоқ жазосини қонунчиликка киритиш фикри жиноят ҳуқуқи назариясида янгилик эмас. Бундай жазо илгаридан, бевосита содир қилинадиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жазосини белгилаш мақсадида маъмурий қамоқ тарзида жазолаш фикри мавжуд эди. Бундан мақсад эса қисқа муддатли озодликни чеклаш эди, лекин янги жиноят қонунчилиги қабул қилинганда енгил жиноий қилмиш тушунчаси назарга олинмади, бироқ қамоқ жазоси жиноят қонунчилигидан ўрин олди. Жазонинг ижтимоий-ҳуқуқий хусусияти ҳам шундаки, маҳкум ўзининг ижтимоий

хавфли қилмишини қисқа муддат ичида тушуниб етади ва англайди. Шу муддат мобайнида маҳкум оғир шароитда сақланади.

Қамоқ жазосини ўташ шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорида қамоқ уйлари ҳақида фикр юритилганди. Жумладан, қамоқ жазосининг таъминланиши учун бундай уйлар ташкил қилингунга қадар тергов ҳибсхоналари ва турма қамоғида алоҳида қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар учун қамоқ жазосининг ҳуқуқий ҳолатлари таъминланиши таъкидланди. Бундан хулоса шуки, қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар қамоқ уйларида сақланиши учун махсус жойлар ташкил қилинади. Бундай жойлар вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ташкил этилиши лозим бўлади. Бу, албатта, катта маблағ билан амалга ошириладиган иш бўлиб, муддати белгиланмаган.

Қамоқ жазосининг қонунга киритилиши маҳкумларни озодликдан маҳрум қилмай, енгилроқ жазолар билан жазолаш имконини янада кенгайтиради. Жиноят ҳуқуқи назариясида маҳкумларни ахлоқ тузатиш муаммоларини енгилроқ жазолар билан ҳам амалга ошириш мумкин, деган хулосалар келтирилади. Бу масалани ҳал қилишда, айниқса, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларнинг аҳамияти катта. Бу борада гарчанд қамоқ жазосида ахлоқ тузатиш чоралари қўлланилмаса ҳам, қисқа муддатга маҳкумни жамиятдан ажратиб қўйиш маҳкумни ахлоқан тузалишига катта ёрдам беради. Қамоқ жазоси жиноят қонунчилигида содир этилган жиноятлар учун жазо тайиладиган кенг қўлланишлиги назарда тутилган. Жумладан, аксарият ҳолларда, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан биргаликда, альтернатив жазо тариқасида учраб туради. Шунингдек, асосан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноятлар учун назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Жиноят Кодексининг 48-моддасига кура, қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади, вояга етмаганларга, лекин ўн олти ёшга тўлганларга нисбатан бир ойдан 3 ойгача белгиланиши мумкин.

Жиноят қонунчилигида фақат жарима жазосини қамоқ жазоси билан алмаштирилиши назарда тутилган. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини эса тўғридан – тўғри озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиши қонунлаштирилган. Бироқ, ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан оғирроқ жазо бўлган қамоқ жазоси билан алмаштирилиши белгиланмаган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси камида олти ойга берилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларининг олти ойдан кам бўлмаган муддатини қамоқ жазоси билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай тажрибадан МДХ давлатлари кенг фойдаланишади. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 50-моддаси 3-қисмига мувофиқ суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш мумкинлигини белгилайди, лекин бу нарса қонунда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг икки куни қамоқнинг бир кунига, уч куни

озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига нисбатан қилиб белгиланган. РФ Жиноят кодексининг 73,74-моддаларида таъкидланишича, қамоқ жазоси унча оғир булмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланиб, унинг моҳияти шундаки, бу жазога ҳукм қилинганларга жазодан шартли равишда озод қилиш ёки бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасида қамоқ жазосига жўнатиш тартиби ва бажарилиши Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби бошқа демократик республикаларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам Жиноят ижроия қонунчилиги билан тартибга солинади. Жиноят-ижроия кодексининг III бўлими айнан шу фикримиз далилидир. Қамоқ жазоси узининг моҳияти, тайинланиш муддати, маҳкумларнинг шарт-шароитлари, шунингдек, ижро этиш тартиби, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати билан бошқа турдаги жазоларни амалда қўллашидан фарқ қилади. Одатда, қамоқ жазоси маҳкумнинг яшаш жойида ташкил этилган махсус қамоқ уйларида ўталади.

Жиноят-ижроия кодексининг 33-моддасининг 2-қисмига кўра, қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар. Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида ўташлари шарт. Лекин айрим ҳолларда, маҳкумнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун, оғир касалликка учраганида ёки жазони ўташни давом эттириш учун имконият бермайдиган бошқа фавқулодда ҳолатларда маҳкумни бошқа қамоқ уйларига ўтказиш мумкин. Касаллиги туфайли бошқа қамоқ уйига ўтказиш учун бу қамоқ уйида маҳкумнинг касаллигини даволаш имконияти ёки шароити мавжуд бўлмаганидагина рухсат этилади. Шу сабабли, ҳар бир қамоқ уйида махсус шифокорлар бўлишлиги талаб этилади. Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларига тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кирганлиги ҳақида суд хабарномасини олган кундан бошлаб 3 кун ичида жўнатилади. Агар маҳкум чет элдан келган ёки бошқа жойларга борганда содир этилган жиноятлар булса, у ҳолда шу ҳудуддаги қамоқ уйларида жазони ўташи учун қолдирилиши мумкин. Жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти маҳкумларга мавжуд шарт-шароитлар, мажбуриятларини, уларга риоя қилмаганликнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради. Маҳкум яшайдиган қамоқ уйлари шундай ташкил қилиниши керакки, бу жойларда сақланаётган маҳкумлар жамиятдан батамом ажратилган ҳолда сақланиши керак. Қамоқ уйлари камера типигаги хоналардан иборат бўлиб, хоналарда қамоқнинг хусусиятларига ва таркибий ҳолатларига мос келадиган шароитлар мосланган бўлиши лозим. Масалан, қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар турмадаги шахсларга ўхшаб кунда бир марта очиқ ҳавода сайр қилишлари мумкин. Ҳозирги кунда тергов изоляторлари турма қамоғининг айрим хоналари шундай жойларга ажратилган қамоқ уйлари ҳам маҳкумни жамиятдан бутунлай ажратилган ҳолда сақлаш учун махсус ҳимояланган бўлиши талаб этилади. Жумладан, бундай манзиллар қочиш имкониятларини олдини олувчи восталар билан жиҳозланганлиги билан ажралиб туради.

Маҳкумлар икки кишилик, тўрт кишилик ва умумий камераларда сақланадилар. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар, илгари қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган шахслар, эркаklar ва аёллар, вояга етмаган ва катта ёшдагилар алоҳида-алоҳида сақланади. Камера хоналарида маҳкумларнинг барча эҳтиёжлари учун шароит яратилиши лозим. Маҳкумларнинг алоҳида ҳолда сақланишидан мақсад, уларнинг хавфсизлигини сақлаш ҳамда қайта тарбиялашдан иборат, шунингдек, камерадагиларнинг бир-бирига салбий таъсири бўлмаслиги учун, уларнинг онги, дунёқараши, билими мос келишлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Демак, шундай экан маҳкумларни бошқа жойларга жойларга жўнатишнинг зарурати бўлмайди, лекин бир ҳудуддаги қамоқ уйларига Жиноят-жрозия кодексининг 57-моддаси 2-қисмига биноан, маҳкумлар сони кўпайиб кетса, янги маҳкумларни шу ҳудудга яқин бўлган бошқа қамоқ уйларига жўнатиш мумкин бўлади. Маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа қамоқ уйига кўчириш учун маҳкумнинг ҳам розилиги олиниши даркор бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, маҳкумга унинг ҳаёти хавф остида қолганлиги ҳақидаги мурожаатномаси ҳам маъмурият маҳкумни бошқа қамоқ уйига кўчириши учун асос бўлади. Ички ишлар вазирлигининг рухсати билан маҳкум бошқа қамоқ уйларига кўчирилади. Бундай рухсат билан вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармаси маҳкумни этап қилиш наряди орқали бошқа қамоқ уйларига кўчиришади. Маҳкумларни бошқа қамоқ уйларига кўчиришнинг бошқа фавкулотда ҳолатлари бўлиб, қамоқ уйини сув босиши, ёнғин содир бўлиши, ер қимираши натижасида авария ҳолатининг келиб чиқиши, оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиши ва ҳоказо ҳолатлар бўлиши мумкин. Хоналарда, сайр қилишда маҳкумлар фуқаролик намунасидаги кийимда юрадилар. Маҳкумларга ҳар куни муддати бир соатлик, вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёлларга эса – бир ярим соатлик сайр қилиш имконияти берилади. Шунингдек, қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар, умумий тарзда яқин қариндошлари билан учрашувга, телефон орқали сўзлашувга, посилкалар олиш, озиқ-овқатлар сотиб олишга рухсат этилмайди. Турмаларда:

- маҳкумлар йил мобайнида (Уз Рес 30.08.2003 йилги Қонун таҳририга кўра):

- икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;
- икки марта телефон орқали сўзлашув;
- иккита посилка ёки йўқлов;
- иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга;

Алоҳида ҳолларда, маҳкумларга яқин қариндоши оғир касал бўлиб қолганда ёки вафот этганда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилади. Лекин, қандай ҳолат юз беришидан қатъий назар, телефон орқали сўзлашув ҳам қамоқ уйи ходимининг назорати остида бўлиб, махсус телефон тармоғи мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши мумкин, қамоқ уйидан ташқарида телефон орқали сўзлашувлар таъқиқланади. Телефон орқали сўзлашувлар ИИВ томонидан белгиланади. Телефон сўзлашувлари маҳкумлар ҳисоб рақамидаги пуллардан олинади. Телефон орқали сўзлашувга узоғи билан 15

дақиқага рухсат берилади. Телефонда уришиш, сўкишиш, маъмурият тушунмайдиган парол ёхуд бошқа тилда сўзлашишга рухсат берилмайди, акс ҳолда назоратчи суҳбатни ўчириб қўйиши мумкин.

Шунингдек, қамоқ жазосини утаётган бемор, ёш боласи бор аёлларга даволаниш ва кучли овқатга муҳтож бўлганда, махсус тиббий хулоса асосида, уларнинг шахсий ҳисоб варағидаги маблағдан озик-овқат харид қилишга рухсат берилади.

Маҳкумларнинг моддий – маиший ва тиббий таъминоти белгиланган тартибда олиб борилади. Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси икки ярим квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва белгиланган нормада озик-овқат берилади. Қамоқ уйининг камералари радио эшиттириш тармоғи билан жиҳозланади, маҳкумларга стол устидаги ўйинлар, газета ва журналлар ўқишга берилади, улар кутубхонадан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга. Маҳкумларга бўш вақтлари кўп бўлганлиги туфайли мустақил равишда билимларини оширишга, ҳунар ўрганишга қаршилиқ қилинмайди.

Маҳкумлар қамоқ жазосида мажбурий меҳнатга жалб қилинмайдилар. Улардан фақат қамоқ уйининг хўжалик хизматида оид ишларга ҳафтасига 4 соатгача бўлган муддатга ҳақ тўламаган ҳолда жалб этилиши мумкин, лекин бундай ишларга ҳам маҳкумлар навбатма-навбат жалб қилинади.

Қамоқ жазоси ўтаётган маҳкумларга нисбатан турма қамоғи қоидалари жорий қилинади. Моддий таъминот ва маиший аҳвол ҳам айнан турма қамоғига ўхшаб кетади. Вояга етмаганларга нисбатан тарбия колонияларининг талаблари жорий этилади. Қиш мавсумида хонанинг ҳарорати 18-20 даража пасайиб кетмаслиги учун иситиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак. Маҳкум мавсумга қараб кийим-бош, пойабзал билан таъминланган бўлиши керак. Бир кунда уч маҳал овқат билан таъминланади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинганларга бир қатор рағбатлантириш ва интизомий чоралар кўрилади. Маҳкумларга рағбатлантириш чоралари қўллашга маҳкумнинг ижобий хулқи асос бўлади. Жиноят-ижроия кодексининг 44-моддасида бундай чораларнинг қандай ҳолатларда қўлланишлиги белгиланмаган бўлса-да, улар тури санаб ўтилган:

- ташаккур эълон қилиш;
- илгари қўлланилган жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;
- ҳар кунги сайр вақтини бир соатга кўпайтириш;

Интизомий жазо чоралари:

- огоҳлантириш;
- ҳайфсан;
- ўн суткагача бўлган муддатга, аёллар ва вояга етмаганларни эса – етти суткагача бўлган муддатга карцерга киритиб қўйиш;
- ҳар кунги сайрнинг муддатини қисқартириш;

Оғзаки равишда ташаккур эълон қилиш маҳкумнинг шахсий хулқ-атвор дафтарчасига киритилади. Интизомий жазо чораларидан энг оғири – карцер

бўлиб, бу ерда маҳкумларга овқат камайтирилган ҳолда берилади. Интизомий жазо чораси олиб ташланган кундан эътиборан маҳкум жазоланмаган деб ҳисобланади.

Худди шу жазо чорасининг ижроси бошқа демократик республикаларда қандай амалга оширилиши барча учун қизиқ бўлса керак? Келинг, уларни бирма бир кўриб чиқайлик.

АҚШда энг кўп тарқалган жазо тури озодликдан маҳрум қилиш бўлиб, у асосан қамокка солиш деб тушунилади. Бундай жазонинг кейинги пайтларда кенг тарқалиши ҳақида мана бу рақамлар ҳам тилга киришга тайёр:

Агар 1980 йилдан 1990 йилгача озодликдан маҳрум қилинганлар сони 134% кўпайиб 711 минг кишини ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб озодликдан маҳрум этилганлар сони 1,9 миллион кишини ташкил этди. Қамок жазоси асосан унча хавфли бўлмаган жиноятлар учун тайинланади ва унинг муддати кўпинча 1 йилдан ошмайди.

Германияда эса суд жиноятчи томонидан содир этилган қилмишларнинг оғирлигига қараб қамок жазосига ёки умрбод турмага қамаш мумкин.

Англияда эса 1995 йилда судлар дискрецион¹⁷ ваколатларга эга бўлишади ва бу нарса жиноятчилар сонининг кескин равишда пасайиб кетишига олиб келди.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш асослари ва тартиби

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазосини қонунчиликка киритиши жиноят ҳуқуқи назариясида янгилик ҳисобланади. Бундай жазо илгари, мавжуд бўлмаган. Ушбу жазо тури 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли қонуни билан киритилган. Ушбу қонуни билан Жиноят-ижроия кодексига янги яъни озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тариқасидаги 8¹-боб киритилди. Ушбу боб 44¹-, 44²- 44³- 44⁴-моддалардан иборат. Мазкур моддаларда жазони ижро этиш тартиби, озодликни чеклаш муддатини ҳисоблаш, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгилаб қўйилган.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади. Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат бўлиб, суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ижро этилишини қуйидаги органлардан бири таъминлайди:

¹⁷ Судлар томонидан қамок жазосининг энг кам муддатини тайинлаш

– маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси;

– суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади. Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади. Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади. Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқнинг ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблайди. Асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни озодликни чеклашнинг бир кунига тўғри келади. Озодликни чеклаш жазосининг муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари суткалар билан ҳисобланиши мумкин.

Озодликни чеклаш жазосининг ижроси мазкур жазо муддатига қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охири куни тугатилади.

Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам куни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан бир кун олдин озод қилинади. Муддат ойлар билан ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли куни, агар мазкур ойда шундай кун бўлмаса — шу ойнинг охири куни тугайди.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни муддатидан илгари озод қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни иш куни тугагунига қадар олган бўлса, шу заҳоти, иш куни тугаганидан кейин олган бўлса, эртаси куни эрталаб ижро этади. Озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач шахснинг судланганлик ҳолати тугалланади.

ЖИКнинг 44³-модда. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чақирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун

рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилади. Қарор тақиқларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумнинг шахсидан, унинг хулқ-атворида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумнинг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага, шунингдек маҳкумнинг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилади.

Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етгани, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади. Жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади, қачонки озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс:

- жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган;
- тузалиш йўлига қатъий ўтган;
- етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса.

Суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайдди.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Қуйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлочилар деб эътироф этилади:

а) ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум;

б) ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган маҳкум;

в) яшаш жойидан яширинган, қаерда эканлиги уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган маҳкум;

г) яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган маҳкум.

ЖИКнинг 44⁴-моддаси Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солади.

Унда озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги аниқланганида, жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасининг қўлланиши белгиланган.

Жазоларни ижро этиш инспекцияси қуйидаги ҳоллар аниқланганда судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади:

- маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаганда;

- суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганда;

Маҳкумни озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган деб ҳисоблаш учун қуйидагилардан бири асос бўлади, яъни, маҳкум:

- ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузган бўлса;

- ўзига нисбатан техник назорат воситалари (масалан, электрон кузатув воситалари)дан фойдаланиш қоидаларини бузган бўлса;

- яшаш жойидан яширинган, қаерда эканлиги уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган бўлса;

- яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган бўлса.

Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситалари, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик; алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик. Бунда суд қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олади.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни ҳам юклаши мумкин.

Айблов ҳукмининг қарор қисмида озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм этилган шахсга тайинланган тақиқлар (чеклашлар) кўрсатилади.

4- МАВЗУ

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил қилиш ва ижро этиш. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни классификациялаш тушунчаси

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш асослари ва тартиби. жазони ижро этиш муассасалари турлари. Манзил колониялар тушунчаси ва турлари. Умумий тартибли колониялар. Қаттиқ тартибли колониялар. Махсус тартибли колониялар. Тарбия колониялари. Турмалар. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида қабул қилиш тартиби. Маҳкумлар жазони ўташ учун жўнатишнинг ва етиб келганлиги тўғрисидаги хабар. Маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш. Турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш. Маҳкумларни кўчириш. Маҳкумларни сақлаш шароитини рағбатлантириш тарзида енгилаштириш тартиби. Маҳкумларни сақлаш шароитини интизомий жазо сифатида ўзгартириш тартиби. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилишидаги ўзгаришлар.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан шахсининг содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун айбли деб топилганида, олти ойдан йигирма йилгача тайинланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда асосий жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Президентимиз И.А.Каримов ёзиб ўтганларидек, «Қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ, ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва уз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим»¹⁸. Бу жазонинг ижро этилишининг ҳуқуқий ҳолатлари ҳам қайтадан кўриб чиқилиб, 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Жиноят-ижроия кодексига 2003 йил қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Озодликдан маҳрум қилиш шахсни суд ҳукмида белгиланган жойларга мажбуран сақлаш учун юборилишида ифодаланади.

Мустақиллик йилларининг ўтган даври мобайнида республикамызда ҳуқуқий , демократик жамият қуришнинг беш тамойилларидан бири бўлган “Қонун устуворлигини таъминлаш” борасида жуда катта ишлар қилинди. Шу ўтган қисқа давр мобайнида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга

¹⁸ И.А.Каримов «Ўзбекистон Республикаси XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., «Ўзбекистон»1997й

солувчи қатор қонунлар ва кодекслар қабул қилиндики, буларнинг ҳаммаси халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва қонунларга оғишмай амал қилиш руҳида тарбиялашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларни халқаро талабларга жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш вазифаси баҳамжиҳатлик билан ҳал қилинмоқда. Гарчанд давлат жинойтчиликдан бутунлай ҳоли бўлиш имкониятларига эга бўлмасада, лекин унинг олдини олиш, унга қарши кураш, жинойтчиликни тергаш ва жазолаш масалалари ҳам адолатли қонун нормалари билан тартибга солинмоқда. Давлатнинг равнақиға унинг ривожланишиға жинойтчилик жиддий тўсиқ бўлмай, давлат бундай иллатға қарши фақат адолатли қонун билан курашади. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, «Дунёда ҳар ҳолда адолат қонуни мавжуд. Эртами-кечми ҳар одамнинг шу қонун олдида жавоб бериш муқаррардир. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Албатта, одам ўз гуноҳлари учун жазодан дунёвий қонунлар олдида қочиши мумкин, бироқ сен қиёмат қунида қаерға ҳам қочиб қутулардинг»¹⁹.

Аввало, бунинг долзарблиғи шундаки, мустақил Ўзбекистон Республикаси келажакда фуқаролик жамияти қуришни ўз олдиға мақсад қилиб қуйган экан, сўнги йилларда жинойт учун жазо тизимини либераллаштиришға катта эътибор қаратилмоқда. Буни мисол сифатида биз Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-ижроия кодексига киритилган 12.12.2003, 30.08.2003 йил қўшимча ва ўзгартиришларни кўрсатишимиз мумкин.

Албатта, бу масалада олиб борилаётган сиёсат ва жазони ижро этиш муассаларида жазони ижро этиш муассаларида жазо утаётган маҳкумларнинг қонуний манфаатларини тулик таъминлаш, уларни ахлоқан тузатиш, Ўзбекистон Республикасида мавжуд суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил шаҳобчаларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судоловни амалға оширишға сафарбар этилган. Одил судловнинг олий мақсади куч ва зўравонлик ғоясини ҳуқуқ ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартиб, қонун устуворлигини таъминлашға, Конституциянинг инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишға қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи чақириқ, Олий Мажлиснинг IV сессиясида таъкидлаганидек, “Суд-ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлат обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишиға бевосита боғлиқ...Мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса, кишиларнинг онгини ва

¹⁹ Каримов И.А. Адолат-фаолияттимиз мезони булсин. Адолат, Ватан ва халқ манфаати барчасидан улуг. Т. «Ўзбекистон», 1998, 53-бет.

уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим”.²⁰

Барчага маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий буйруқбозлик тизимининг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгида суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Эндиги юртимизда суд соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг бош вазифаси судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари судлар учун муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эга. “Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган деб билиш керак. Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билишлари керак”²¹.

Жазоларни ижро этишда риоя қилинадиган халқаро принциплар нормалари ва муносабатларини ўрганиб чиқиш орқали жазоларни ижро этишнинг зарур йўналишларини ҳамда усулларини ўрганиб чиқишдан иборат.

Умуман олганда, ҳар қандай жиноятларда бўлганидек, озодликдан маҳрум қилиш жиноятида ҳам ўзига хос бўлган бир қанча хусусиятлар мужассамлашган. Давлат сиёсати бўйича озодликдан маҳрум қилиш жинояти давлат мажбурлови ҳисобланиб, жамиятни жиноятчилардан халос этиш учун қўлланилади. Лекин жамият жиноятчилардан халос этиш учун шу ўринда бу шахсларни, агар тузалиш йулига ўтган тақдирда, ҳалол шахслар қаторига қўшишга ҳам тайёр туради. Юридик хусусият бўйича қоралаш суднинг қонунда белгиланган бир қатор ҳуқуқий чеклашларидан иборат, бундай чеклашлар озодликдан маҳрум қилишнинг хусусиятига қараб бири-биридан фарқланиши мумкин. Руҳий жиҳатдан қоралаш маҳкумнинг ички ҳиссиётларига нисбатан таъсир этиб, ҳатто маҳкумнинг ҳиссиёти бўйича жафо чекиш хусусиятларига ҳам сабаб бўлади.

Қоралашнинг ижтимоий жиҳатдан таалуклиги жазонинг қонунда белгиланган мақсадларини ифодалайди ва турли хил хусусиятларга эга. Жазонинг мақсадлари Озодликдан маҳрум қилишга таалукли бўлиб, у ижтимоий-тарбиявий моҳиятга эга бўлиб, маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган. Шунингдек, бу бевосита ҳуқуқий олдини олиш хусусиятида ҳам ифодаланиши мумкин.

Ҳар қандай жиноятни жазолашдаги ижтимоий- тарбиявий ёки ҳуқуқий огоҳлантирувчи хусусиятларда бўлганидан қатъий назар, уларга жазонинг қоралаш йўли билан эришилади. Жазонинг қоралаш хусусияти узлуксиз хусусиятларини мужассамлаштиради. Жумладан, ҳуқуқни чеклаш, бу маҳкумга маълум даражада кулфат ва ҳатто фожиали жафоларни келтириб чиқаради, бунинг таҳдиди натижасида маҳкумни ва бошқаларни ҳам

²⁰ И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чакирик, IV сессиясидаги нуткидан.

²¹ «Адолат-қонун устуворлигида». Халқ сўзи газетаси 2001 йил.

жазоланишидан кўрқиш натижасида жиноят содир этишдан сақланишига ундайди. Лекин жазонинг огоҳлантириш руҳий механизмини чуқур ўрганишни тақозо этади, бу ўрганиш қўлланиладиган жазонинг илгари жиноят содир этганлар учун ҳам ёки жиноят қонунини биринчи бор бузган шахслар учун ҳам таъсир кучини аниқлаш лозим.

Жазонинг, жумладан, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самарадорлигини, одатда, илгари шу жазо билан жазоланганларнинг яна янги жиноят содир этишликларининг олдини олишва огоҳлантира олиши самарадорлиги белгилаб беради. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг имкониятларини ошиб бориши ҳам тўғри бўлмайди, негаки у ёки бу жиноят содир бўлиши билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига мурожаат қилиш сабаб бўлади. Умуман олганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишнинг таъсир кучи етарлича ўрганилиб чиқмасдан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланилиши ҳам тўғри бўлавермайди. Кўплаб юрист олимларнинг фикрича, бунинг боиси шундаки, шахс мўмайгина даромадни қўлга киритиш мақсадида жиноят содир этиб, уни энг осон йўл сифатида баҳолайди, шахс жиноят содир этиш вақтида жазоланмай қолишлиги тушунчаси ҳам катта рол ўйнайди, айрим ҳолларда эса шахс жиноят содир этиш вақтида мен тўғри қиялман, ҳаёт ўзи шундай ёки бу замон талаби деган ҳолатлар ҳам кўп учраб туради. Бу ҳилдаги ҳолатларда маҳкумга таъсир этиш жуда мушкул вазифа. Бундай ҳолларда маҳкум ўзини жазони ижро этиш муассасининг маъмурияти ишончига кириши, узининг маънавий ва ахлоқий ўзгарган шахс сифатида кўрсатиши мумкин. Лекин жазо шахсга ижобий таъсир этганида ҳам унинг кейинги озодликка чиққан давридаги шарт-шароит, унинг атрофидаги муҳит ёки у ўзининг илгариги даврасига қўшилиб қолганлиги ҳолатларида шахсга салбий таъсир қилиш ҳолатлари юқорироқ ҳисобланади. Бундай таъсирнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд албатта. Зеро, шахснинг иродаси қанчалик кучли бўлиши унинг салбий дунёқарашининг ўзгаришига шунча таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун жазодан озод этилганларнинг ахлоқий хусусиятларига таъсир этувчи ҳолатларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- А) жазонинг ва жазони ижро этиш муассаларининг ахлоққа таъсири;
- Б) озод этилган маҳкумларнинг кейинги муҳити;
- В) шахснинг иродавий ёки ахлоқий хусусияти;
- Г) вужудга келган ҳаётий хусусиятлар;

Статистик маълумоларга кура, жазони ўтаб чиққанларнинг ярмидан кўпроқ қисми дастлабки уч йил ичида яна жиноят содир этиб, жазони ижро этиш жойларига қайтганларни ташкил этади.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланилишдаги қонунчилик соҳасида қуйидаги таклифларимиз²² амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди:

²² Муаллифлар жамоаси.

- 1) жазони ижро этиш органлари ходимларининг ҳуқуқий онгини янада мустаҳкамлаш мақсадида , уларнинг қонунларни ва қонун ости меъёрий ҳужжатларни қай даражада билишлари юзасидан мунтазам равишда назоратни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўларди;
- 2) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш колониялари ходимларининг бошқа хизматлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва бунинг устидан назоратнинг ўрнатилиши;
- 3) биз келажакда ҳуқуқий демократик жамият қурмоқчи эканмиз, албатта ривожланган давлатларнинг жазоларни ижро этишдаги илғор тажрибаларини ўрганиб, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини унутмаган ҳолда уларни жазоларни ижро этишда қўлласак мақсадга мувофиқ буларди. Зотан, биз келажакда ҳуқуқий демократик жамият қурамиз!
- 4) озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаб булган маҳкум жамиятга қайта тарбияланган шахс сифатида ўз ўрнини топиб олишга кўмаклашувчи маҳалла маъмурияти билан алоқани янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; Давлатимизда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг шарт-шароитлари ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукмларига асосан жазони ижро этиш муассасаларига жўнатиш ҳолатлари ,уларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чораларининг қонуний лиги таъминланиши, хўжалик ишларига жалб этилиши, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси аҳволи юзасидан самарали назоратнинг ўрнатилиши.

2. Жазони ижро этиш муассалари турлари

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 49 та жазоларни ижро этиш муассасалари фаолият курсатмоқда. Улардан 37 таси жазони ижро этиш ва тартиб колонияларини, 1таси турма ва 11 таси тергов ҳибсхонасини ташкил этади. 37та колониялардан 12 таси манзил колонияларни, 3 таси умумий тартибли, 2 таси қаттиқ тартибли, 1 таса махсус тартибли, 1 таси озодликдан маҳрум қилинган хотин-кизларни сақлаш учун мўлжалланган колонияларни, 1 таси суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг маҳкум этилган собиқ ходимларини сақлаш учун мўлжалланган колонияларни, 2 таси сил касаллиги билан касалланган маҳкумларни сақлаш учун ташкил этиш колонияларни, 1 таси бошқа турдаги оғир касалларни даволаш учун мўлжалланган колонияни ва 2 таси вояга етмаганларни сақлаш учун мўлжалланган тарбия колонияларни ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлар сақланиши учун мўлжалланган манзил колониялари ва умумий ҳамда қаттиқ тартибли колонияларга ўтказилган маҳкумлар учун 12 манзил колониялари мавжуд.

Маълумки, озодликдан маҳрум этиш жазосига одатда хавфли жиноят содир қилган шахслар ҳукм этилади. Ушбу жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тарбиялаш ва такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий чора-тадбирлар амалга оширилади. Тарбиявий чора-тадбирларнинг кўпчилиги жазони ўтаётган шахсларда озодликдаги микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсирида шаклланган ғайриижтимоий қарашлар, мойилликлар ва одатларни тубдан йўқотишга қаратилган.

Жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш мақсадида ташкил этилиб, судлар томонидан тайинланган жазо турлари турли хилдаги жазоларни ижро этиш жойларида ижрога қаратилади.

Жумладан, маҳкумларга нисбатан тайинланган умрбод озодликдан маҳрум қилиш махсус ташкил этилган тергов изоляторларида ёки турма қамоғида ижрога қаратилса, ички ишлар органларининг инспекциялари ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини ижро этиб, шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат ўрнатдилар ва уларни ҳисобга оладилар. Қамоқ тариқасидаги жазо махсус тергов изоляторлари томонидан ташкил қилинадиган қамоқ уйларида ижро этилади. Бундан ташқари, таъкидланганлардан ташқари, жазони ижро этиш муассасалари ва қамоқ уйларида озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан ҳам жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ижро этилади.

Озодликдан маҳрум қилинмаган ёки қамоқ тариқасидаги жазога ҳукм қилинмаган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган тақдирда эса, ҳуқуқий таъсир чоралари ички ишлар органларининг тиббий муассасалари, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган тақдирда эса, ҳуқуқий таъсир чоралари ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, суднинг қарорига кўра, таносил ёки ОИТС кассалигига, шунингдек, очиқ шаклдаги сил касаллигига чалинган маҳкумларга ҳам мажбурий даволаниш қўлланилади. Айрим жазоларни ижро этиш бўйича айрим ташкилот, муассаса ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳам жалб қилинишлари мумкин.

Жумладан, судлар томонидан шахсга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда мазкур жазо ижросини таъминлашга маҳкум меҳнат қиладиган муассаса ёки корхона раҳбари жалб қилиниб, жазонинг ижроси унга юклатилиши мумкин. Мазкур ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахслар жазони ижро этиш органларига кирмайди, балки фақат суд ҳукми ижросини таъминлашга ёрдам беради.

Жиноят ижроия кодексида жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ва муассасаларнинг маҳкумларга нисбатан тайинланган жазоларнинг ижро этилишини текшириш ҳамда назорат қилиш

тартиби ҳам белгилаб қуйилган бўлиб, улар бевосита жазоларнинг ижро этилиши юзасидан назоратни ҳам амалга оширадилар.

Жазони ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ва муассасалари ишида суднинг иштироки қонунда белгиланмаган бўлсада, суднинг иштироки ҳам кенг доирадалигини куриш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига кўра (73, 74-моддалари), маҳкумларни муддатидан аввал шартли равишда жазодан озод қилиш ёки уларга нисбатан тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки сақлаш шароитини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 536 ва 537-моддаларида кўрсатилган тартибда қонунда белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан кейин суд томонидан қўлланилади.²³

Бундан ташқари, жазони ижро этувчи органлар ва муассасаларда суд томонидан тайинланган жазони ижро этиш қонуний кучга кирганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга дарҳол хабар қилишларининг шартлиги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда мустахкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасалари мавжуд бўлиб, мазкур муассасалар ўзларига хос бўлган ички тартиб қоидаларга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига 2003 йил 12 декабрда ўзгартириш киритилди. Ушбу моддага кўра, «озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазо ижро этиш муассасалари амалга оширади.

Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар киради:

- жазони ижро этиш колониялари;
- тарбия колониялари;
- турмалар.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва ҳўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади ҳамда вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Тарбия колониялари вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган».

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига кўра, озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазо Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари томонидан ижрога қаратилади ва мазкур жазони ижро этиш

²³ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этиш тартиби тугрисидаги Йуриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 103-сонли буйруғи 20.05 1998 й. Тошкент ш.

муассасаларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида белгилаб қўйилган.

2001 йил 18 июндан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 298-сонли буйруғига асосан, барча жазони ижро этиш колониялари 2 хил шаклга эга бўлиб, улар:

3. маҳкумларни қўриқлов ва назорат остида сақланадиган ёпиқ турдаги (умумий, қаттиқ ва махсус тартибли);
4. маҳкумларни соқчисиз, аммо назорат остида сақланадиган ярим очик турдаги (манзил колониялар) колониялардан иборат²⁴.

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони колония ва турмаларда ўтайдилар ва маҳкумларнинг таснифланишига кўра, уларни турли хил колония ва турмаларда тақсимланади. Жазони ижро этиш қонунчилиги тарихида бу муассасаларнинг такомиллашганлигини кўришимиз мумкин. Колония ва турмаларнинг ривожланиши ва такомиллашиши маҳкумлар шароитининг ўзгариши ва жаҳон андозаларига яқинлашишига ҳам сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 50-моддасига биноан, жазони ижро этиш колонияларнинг тўрт тури назарда тутилган бўлиб, булар:

1. манзил колониялар;
2. умумий тартибли колониялар;
3. қаттиқ тартибли колониялар;
4. кучайтирилган тартибли колониялардан иборат.

Бундан ташқари Жиноят кодексида маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, содир этилган жиноятларнинг оғирлиги ва оғир жазо тайинланган тақдирда уларни жазонинг муайян қисмини турмада ўтказишликка юборилиш ҳам белгиланган.²⁵

Турма камоғи колониялардан фарқ қилиб, колонияларни эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида ташкил этилиш назарда тутилган бўлса, турма камоғида маҳкумлар фақат алоҳида-алоҳида камераларда сақланишлиги инобатга олинган ҳолда эркаклар ҳам, аёллар ҳам битта турмада сақланиши мумкин. Бирок, ЖК 50-моддаси ва ЖИКнинг 58-моддаса талабларига биноан, маҳкумни энг аввало жинсига қараб ажратилади. Эркак жинсидаги маҳкумлар учун алоҳида жазони ижро этиш колониялари ташкил этилади. Маҳкумларни таснифлашнинг бу принципига доим риоя этилади, ҳатто маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатлари ўзгарган тақдирда ҳам бу вазият сақланиб қолаверади. Маҳкумларни бундай тамойил асосида ажратилган ҳолда сақлаш ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади, уларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларини, уларга бериладиган имтиёз ва ҳуқуқларни тўғри амалга ошириш учун имконият яратади. Ўн саккиз ёшга етган маҳкумлар вояга етмаган маҳкумлардан ажратилган ҳолда сақланади.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тугрисида»ги 1039-сонли буйруғи. 08.06.2001 йил. Тошкент шаҳри

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2001 йил.

Вояга етмаганларга нисбатан алоҳида турдаги жазони ижро этиш колонияларнинг ташкил этилиши, уларга нисбатан қўлланиладиган тарбиявий чораларнинг алоҳида турларини жорий этиш имкониятларини яратади. ЖКнинг 45-моддасига биноан, вояга етмаган маҳкумлар тарбия колонияларда сақланади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида бу қоидага қатъий амал қилинади ва фақат суд ҳукмига қадар шахс тергов ҳибсхонасида сақланадиган ҳоллардагина бу қоидага риоя қилинмаслиги мумкин. Бу вақтда улар озодликдан маҳрум қилинган ҳисобланмайдилар.

Турли жинсдаги маҳкумларни бир-бирларидан сақлаш, шунингдек, турли хил гигиена, ахлоқ ва бошқа ижтимоий қоидаларга риоя қилишни ҳам енгиллаштирилади. Маҳкумни ёшига нисбатан ажратилган ҳолда сақлаш вояга етмаганларни катталарнинг, жиноятчилик соҳасида тажрибали маҳкумларнинг салбий таъсиридан узоқроқ сақлаш имкониятини вужудга келтиради.

Маҳкумларни таснифлашда нафақат уларнинг жинси, балки бир қатор руҳий. Дунёкараши, маълумоти, бошқа хилдаги назарий ва амалий тажрибаларини умумлаштирилган ҳолдаги ҳулосаларга асосан ҳам амалга оширилади. Бундай таснифлашда маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусияти, унинг шахси, илгари ҳам жиноят содир этганлиги, айб шакли қаби ҳолатларига қараб ҳам жиноят содир этганлиги, айб шакли қаби ҳолатларига қараб ҳам маҳкумлар бир-биридан ажратилган ҳолда сақланади.

Манзил-колониялари тушунчаси ва турлари.

2003 йил 12 декабрда ва 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг бир қатор моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар²⁶ 46-моддани ҳам четлаб ўтмади. Унга кўра, «манзил колониялари қуйидагиларга бўлинади:

-ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун шунингдек, қасддан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

-умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колониялардан утказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар».

Манзил колониялар республикамізда 1963 йил июль ойидан бошлаб ташкил этила бошланган. Уларнинг вазифаси умумий тартибли ва қаттиқ тартибли колониялардан ҳамда тарбия колониялардан утказилган маҳкумларни сақлаш бўлиб ҳисобланади. Жиноят-ижроия кодексининг 113-моддасига кура, умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан маҳкумлар манзил колонияларга утказилиши мумкин. Шунингдек, ЖКнинг 104-моддасида қаттиқ тартибли колониядан умумий тартибли колонияга, ундан сунг эса манзил колонияларга утказилиши курсатиб утилган.

²⁶ Бундан буён бу рақамлар 12.12.2003 ва 30.08.2003й тарзида курсатилади. М.

Умуман олганда барча юридик адабиётларда манзил колонияларнинг 2 хил тури курсатилади:

- умумий ва қаттиқ тартибли колониялар;
- тарбия колонияларидан утказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар.

Манзил колониялардаги сақланаётган маҳкумларнинг шароити озод шахсларнинг ҳаётига жуда яқинлаштирилган бўлиб, маҳкумларга кўплаб қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Шунингдек, бу хилдаги колонияларда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизликдан содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинганлар сақланади.

Республикадаги манзил-колонияларда маҳкумлар томонидан турли хилдаги кизиқиш доирасига кура тугараклар мавжуд бўлиб, бу маҳкумларни маънавий тарбиялашда асосий роль уйнайди. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этган аёллар озодликдан маҳрум қилинганларида манзил колонияларда сақланадилар. Қолган ҳолларда озодликдан маҳрум қилинган аёллар умумий тартибли колонияларда сақланадилар.

Умумий тартибли колониялар.

Умумий тартибли колониялар Жиноят-ижроия кодексининг 47-моддасида белгилаб қуйилган. 12.12.2003 йилда киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга асосан, «умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

-оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркалар сақланадиган колониялар;

-ута оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркалар сақланадиган колониялар;

-оғир ёки ута оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялар, ушбу Кодекснинг 48-моддасида курсатилган аёллар бундан мустасно».

Қаттиқ тартибли колониялар. Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

-ута оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркалар сақланадиган колониялар;

-илгари касддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони утаган ва касддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркалар сақланадиган колониялар;

илгари касддан содир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони утаган ва ута оғир жиноят содир этганлик яна судланган аёллар, шунингдек ута ҳавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.²⁷

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 48-модда (12.12.2003 йил Қонунга мувофиқ).

Жиноят-ижроия кодексининг 48-моддасида жиноят-ижроия қонунчилигининг дифференциация ва индивидуаллик принципига риоя этилган.

Махсус тартибли колониялар. Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ута хавфли рецидивист деб топилган эркакларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади. (Ўзбекистон Республикаси ЖИҚнинг 49-моддаси)

Шу икки турдаги шахслардан ташқари бошқа кишилар бу хилдаги махсус тартибли колонияларга жойлаштирилиши мумкин эмас.Шунингдек, бу хилдаги камераларда умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар ва ута хавфли жиноятчилар сақланади. Колония маъмурияти томонидан махсус тартибли колония маҳбуслари уртасида тушунтириш ишларини олиб боради. Махсус тартибли колонияларда муассасанинг турма қуринишидаги назоратчилари резина таёкчалари билан қуролланган назорати остида камера типигаги колонияларда сақланишлиги назарда тутилади.

Тарбия колониялари. Жиноят-ижроия кодексининг 50-моддасида тарбия колониялари вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган. Тарбия колониялари вояга етмаган маҳкумлар учун мўлжалланган бўлиб, умумий асосларга қура уталади. Ун саккиз ёшга етган маҳкумлар вояга етмаган маҳкумлардан ажратилган ҳолда сақланади.Вояга етмаган маҳкумларни тарбия колонияларда сақлашнинг асосий боиси шуки, жиноятчилик соҳасида тажрибали маҳкумларнинг салбий таъсиридан сақлаш имкониятларини яратади.

Турмалар. Жиноят-ижроия кодексининг 52-моддасида турмалар турмага камаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини ашшадий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган. Озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан турма қамоғини тадбик этишлик ҳам маҳкумларни таснифлашнинг яна бир тури деб эътироф этилади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олган ҳолда суд озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муайян қисмини турма қамоғида ҳам белгилашга ҳақли ҳисобланади. Турма қамоғига озодликдан маҳрум қилиш қилиш жазосини ўташлик учун юбориш қатъий эмас. Суд жиноятчининг шахси, унинг ижтимоий хавфлилиги ва ахлоқан тузатиш қийинчилигини инобатга олган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг маълум қисмигагина турма қамоғини қўллаши мумкин бўла олади. Турма қамоғига юбориш шартлари ҳам Жиноят кодексининг 50-моддаси 7-қисмида белгилаб қўйилган. Жумладан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни турма қамоғига юбориш озодликдан маҳрум қилиш жазосининг фақат беш йилдан қўп бўлмаган қисмигагина тадбик этилиши мумкин. Турма қамоғига ута хавфли рецидивистлар, оғир ёки ута оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган

махкумлар юборилиши мумкин. Турма камоғига юбориш масаласини суд маҳкумга ҳукм чиқариш жараёнида

Белгилаб берилган бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг фақат дастлабки қисмида ўташни белгилай олади. Жумладан, Россия Федерациясида 1970 йилги қонун ҳужжатларига мувофиқ, маҳкумлар кичкина ҳуқуқбузарлик ёингки маҳкама тартиб қондасини бузган тақдирда ҳам турма жазоси билан жазоланган. Шунинг ҳисобидан 70-йиллар охирига келиб маҳкумлар томонидан уюштирилаётган турли хилдаги ҳуқуқбузарликлар сони кескин камайган. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини ташкил этишнинг узига хос хусусиятлари.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини ташкил этишнинг узига хос хусусиятлари

Юридик адабиётларда, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини ташкил этишнинг узига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қурсатиб ўтишни лозим деб эътироф этилади:

- иҷтимоий-тарбиявий доменанталик вазифасини утайди;
- жиноятчининг янги жиноят содир этишининг махсус огохлантирувчи, олдини олувчи хусусият ҳисобланади;
- озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо узининг қоралаш хусусияти орқали узлуксиз хусусиятда мужассамлаштиради;
- жазонинг огохлантириш маҳкумнинг руҳий механизмини чуқур урганишни тақозо этади;
- озодликдан маҳрум этиш жойларида жазонинг таъсир кучи шахсга маълум муддатга ижобий таъсир қурсатади;
- жазо узининг ҳуқуқий табиатига қура, маҳкумларнинг содир этган жиноят турига қараб оғир ёки ута оғир сифатида қаралади;

Маҳкумларни жазони ўташ учун жунатиш, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби

Жиноят ижроия кодексининг 54-моддасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар тергов ҳибсхонасининг маъмурияти ҳукм қонуний кучга қирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган қундан бошлаб ун қунлик муддат ичида жазони ўташ учун жунатади. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жунатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон республикаси Жиноят Кодексининг 50-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат. Шунингдек, Жиноят кодексининг 85-моддасига мувофиқ, ҳукм чиқариш пайтида ун саккиз ёшга тулмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий ёки қучайтирилган тартибли колонияларида ўташ тайинланади.

Юқорида айтиб утилганидек, Жиноят ижроия кодекига мувофиқ жазони ўташ учун маҳкумни жунатиш ҳукм қонуний кучга қирганлиги тўғрисида суд хабарномаси олинган қундан бошлаб ёки Ўзбекистон

Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 528-моддасига мувофиқ, ҳукм апелляция ёки кассация тартибида мурожаат қилиш муддати ўтгандан бошлаб қонуний кучга киради деб белгилаб қўйилган. Маҳкумни жазони ижро этиш муассасига юборилишини таъминлаш муаммолари ҳукм чиқарган суд томонидан амалга оширилиши лозим. Ун кўнлик муддатнинг белгиланиши маҳкумни вақтида ижро муассасасига жунатиш муаммосини ҳал қилади. Бу муддатнинг белгиланишида асосий омил – маҳкум жунатилаётган ижро этиш муассасида маҳкум билан боғлиқ муаммоларни, яъни қандай транспорт воситасида етказилиши, қайси муассасага етказилиши ҳал этилиши билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумлар жазони Ўзбекистон республикасининг ҳудудида жазони ўташади, айрим ҳилдаги жазоларни ўташ ҳудудийлик асосида маҳкумнинг ҳуҳий жазони ижро этиш муассасасида ҳам уталиши мумкин. Маҳкумни ўз ҳудудидан ўзок бўлмаган муассасада жазони ўташи қўплаб муаммоларни ижобий ҳал қилинишига имкон яратади: бу маҳкумнинг оила аъзолари билан учрашув ўтказишида моддий харажатларнинг қамлиги, бандерол ва қосилқалар юборилишида қамхаржлик бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, муассасанинг тиббиёт ҳодимлари инсонпарварлик тамойилига мувофиқ, маҳкумнинг соғлиги ҳақида қайғуришади. Республикамизнинг айрим вилоятларида манзил колонияларнинг, тарбия муассасаларининг мавжуд эмаслиги баъзи бир муаммоларни қелтириб қилараётганлиги сир эмас. Маҳкум соғлиги ёмонлашган ҳолларда жазони ўтаётган муассасада унга профилактик хизмат қурсатиш иложи бўлмаган ҳолларда муассаса тиббиёт ҳодимларининг берган ҳулосасига мувофиқ, маҳкум бошқа вилоятда ги жазони ўташ муассасига қўчирилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш қазосининг ижро этилиши Ички ишлар вазирлигининг қазоларни ижро этишнинг Бош бошқармаси томонидан ташқил этилади. Бош бошқарма қазоларни ижро этиш муассасаларини ташқил этади, уларни бошқаради, ўзгартиради ва тугаллаш вазифаларини амалга оширади.

Озодликдан маҳрум қилиш қазосини ижро этиш қараёнида муассаса маъмурияти қонун нормаларининг бақарилишини таъминлайди. Бу борада маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш ўчун меҳнат қамоаларидан, мураббий ва иш ўргатувчи муҳандислик фаолиятларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Муассаса маъмурияти ҳодимлари иш хизмати ҳодимлари ҳисобланади. Маҳкум ҳукм қонуний кучга қирганидан сунг, қазони ўташ ўчун жунатилганига қадар қайин қариндошлари ёки оила аъзолари билан қисқа муддатли қийдор қуришишига руҳсат берилади. Маҳкумнинг қаерга жунатилаётганлиги унинг оила аъзоларига ҳабар қилинади. Ҳабар бериш маҳкум тегишли жойга жунатилганидан сунг, ўч қўнлик муддат ичида амалга оширилади. Ҳабарда муассаса манзили ва қачон жунатилганлиги маълум қилиниши лозим.

Маҳкумни жазони ўташ жойларига жунатиш Ички ишлар вазирлигининг маҳсус йуриқномаларига биноан амалга оширилади.

Жумладан, конвой белгиланади, бу конвой маҳкумни, унинг шахсий хужжатларини қабул қилиб олади, белгиланган колонияларга олиб бориб топширади. Маҳкумларни ижро этиш колонияларига жунатиш, асосан, темир йул ёки автотранспортда амалга оширилади. Ўзтиборли жихати шундаки, маҳкумларни жазони ижро этиш колонияларига жунатиш уларнинг содир этган жиноят тури, огирлилик даражаси , жинси ҳисобга олинган ҳолда алоҳида-алоҳида жунатилади. Зарур бўлиб қолган ҳолларда касал маҳкумлар махсус тиббиёт ходими назоратида бўлишлари мумкин. Маҳкумларни зарур ҳолларда хавфсизлиги таъминланади ва қочиб кетиши мумкинлигини олдини олиш мақсадлари амалга оширилади.

Маҳкумларни колонияга олиб боришда улар махсус мавсумга мувофиқ кийим-бош билан таъминланади ва махсус таъминот белгиланади. Барча сарфланадиган харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Маҳкумларни қабул қилиш амалга оширилгандан сунг унинг отряди, бригадаси, манзили ҳақида шунингдек, унга берилган имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилади.

Ў6. Маҳкумлар жазони ўташ учун жунатилганлиги ва етиб келганлиги тўғрисида хабар.

Жиноят-ижроия кодексининг 55-моддасига мувофиқ, тергов ҳибсхонасининг маъмурияти маҳкум жазони ўташ учун жунаб кетганлиги тўғрисида унинг оиласига уч кунлик муддат ичида хабар юбориши шарт.

Жазони ижро этиш муассасасининг маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни хабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига муассаса манзилини курсатиб ҳамда маҳкумнинг ёзишма олиб бориш, учрашув, посилка , йўқлов ва бандероллар олиш. Телефон орқали сўзлашув ҳуқуқларини тушунтириб, хабарнома юбориши шарт. Маҳкумни жазони ўташ муассасаларига қабул қилиш жазосини ижросини ташкил этишнинг махсус босқичи бўлиб ҳисобланади. Амалиётда баъзан шундай ҳолатлар ҳам рўй берадики, маҳкумнинг оила аъзоларигача маҳкумнинг жазони ўташ жойи ҳақидаги маълумот етиб бормайди, қандай ҳолат рўй беришидан қатъи назар, муассаса маъмурияти маҳкумнинг қайси жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётганлиги ҳақидаги хабарни унинг қариндошларига етказиши шарт бўлиб ҳисобланади. Маҳкумларни жазони ижро этувчи муассасаларга қабул қилиш Ички ишлар вазирлигининг тегишли норматив ҳужжатларига асосан белгиланади. Қабул қилишнинг асосини суднинг айблов ҳукми ташкил этади. Айнан муассаса маъмурияти томонидан маҳкумнинг қариндошларига юбориладиган хабарномада маҳкум жойлашган муассаса манзилини тулик курсатиши лозим. Шунингдек, маҳкумнинг қариндошлари муассасада сақланаётган маҳкумга турли хилдаги ноқонуний нарсалар етказиб беришга ҳуқуқлари йўқлиги ҳақида огохлантиради. Маҳкумнинг шахси, ҳуқ-атворини, шахсий ҳужжатларини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини урганиш учун унинг қелиб тушганидан бошлаб ун беш суткагача вақт белгиланади. Бу давр юридик адабиётларда маҳкумнинг қоронгин даври деб юритилади. Ўслаиб утиш лозимки, бу қоида манзил колониялардаги, тергов

хибсхоналарнинг хўжалик хизматига колдирилганларга ва турмага юборилганларга татбик этилмайди.

Муассаса рахбарининг ёрдамчиси муассасага келувчи маҳкумларнинг шахсий карточкаларини қабул қилади. Белгиланган тартиб қоидага риоя қилинмагна ҳолларда муассаса рахбарияти маҳкумни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга. Бундай ҳоллар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- маҳкум жазони ижро этиш режимини қай тартибда ўташи курсатилмаган тақдирда;
- суд томонидан чиқарилган ҳукм ижро этиш колонияси режимига мос тушмаган тақдирда;
- ҳукм қонуний қучга қирмаган пайтда ёки ҳукмнинг қонуний қучга қириши ҳақидаги маълумот (қай пайтдан бошланиши) булмаган тақдирда;
- маҳкум шахсига доир маълумотлар мавжуд булмаган тақдирда;
- маҳкум муассаса маъмуриятига наряд ёки муассаса маъмурияти қоидаларини бузиб келтирилган тақдирда;
- вояга етмаган маҳкум жазони ижро этувчи муассасага юборилган тақдирда ёки вояга етган маҳкумни тарбия муассасига юборишган тақдирда;
- маҳкумнинг шахсий карточкасида етарли маълумотлар булмаган тақдирда;

Юқорида курсатилган ҳолатлардан биронтаси мавжуд булмаган тақдирдагина муассаса рахбарияти маҳкумни курсатилган режим бўйича жойлаштириб, муассаса низоми билан таништириб утади. Муассасада бирор бир қоида бузилиш ҳолатлари қайд этилган пайтда, муассаса маъмурияти бу ҳақда зудлик билан юқори турувчи органларга хабар бериши шарт. Бундан ташқари муассасада жазони ижро этилиши қонуний ҳал этилаётганлигини назорат қилувчи прокурорга ҳам маълумот етказилиши шарт.

Муассасага етиб келган маҳкум кийимлари тинтув қилинади , ҳар бир ўзи билан олиб келган нарсаси ҳам текшириб қурилади, бу ҳолатларнинг барчасига қонуний тус бериш мақсадида Жиноят-ижроия Кодексининг 67-моддасида белгилаб қўйилган. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумнинг шахси, буюм ва кийимлари тинтув қилинганлиги ва қўздан кечирилганлиги ҳақида, қим томонидан амалга оширилганлиги тўғрисида акт ёки протокол ҳужжати тузилади. Маҳкумнинг ўзи билан пул, турли қимматли буюмлар олиб юришига жазони ижро этувчи муассасаларда (манзил-колониялардан ташқари) йўл қўйилмайди. Шунинг учун, маҳкумга тегишли бўлган тилла тақинчоклар, пул ва бошқа ашёлар олиб қўйилади. Олиб қўйилган буюмлар ҳақида қвитанция берилиши шарт.

Маҳкум муассасага етиб келган қўни тулик равишда комплекс тиббий қуриқдан утқазилади, уларга тиббий ҳолати тўғрисида маълумотнома тақдим қилинади, шунингдек мавсумга мос кийим-кечак билан таъминланади. Маҳкум тиббий қуриқдан утқазилгач 15 қўндан кечикмаган ҳолда муассасага жойлаштирилади. Муассасага етиб келган маҳкум муассаса томонидан урнатилган қўнун-қоидалар бўйича ҳар бир маҳкумнинг шахсини урганиб қўчади. Шунингдек, маҳкум қандай иш билан шугулланиши, қайси отрядда

жазони ўташлиги, турмаларда эса қандай изоляторларда жазони ўташлиги белгиланади.

Маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш ва турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш

Жиноят-ижроия кодексининг 57-моддасида: «озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс бутун жазо муддатини, одатда, битта муассасада утайди.

Маҳкумни бир колониядан айти шу турдаги бошқа колонияга жазони ўташ ни давом эттириш учун утказишга унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг розилигини олган ҳолда, шкнингдек маҳкумнинг мазкур муассасада қолишига тусқинлик қилувчи бошқа ҳолларда йул қуйилади.

Маҳкум қасал бўлиб қолган тақдирда уни колониядан ёки турмадан ихтисослашган даволаш муассасасига утказишга тиббий ҳулоса асосида йул қуйилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига утказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади» деб ёзиб қуйилган.

ЖИКнинг 57- моддаси ва жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумлар учун ягона қоида, яъни жазони фақатгина битта ижро колониясида ўташни шарт қилиб қуяди. Бу хил шарт-шароитлар жазоларни самарадорлиги ва маҳкумнинг қайта тарбияланишида катта ижобий роль уйнаши шубҳасиз. Акс ҳолда бунинг акси уларок, маҳкумнинг жазони турли колонияларда ўташлиги жамият учун хавфли тус олиши мумкин. Буни бир неча асосларда салбий ҳолатларига олиб қелишини қурсатиш мумкин:

- маҳкумнинг жазони турли колонияларда ўташи унинг қайта тарбияланишида самарасизлик белгиси бўлади;
- унинг характери, қизиқиши ва шу қабил омилларнинг пасайишига олиб қелади;
- унинг руҳиятига қучли таъсир утқазади;
- яқин қариндошларига жуда қўплаб мушқулотлар орттиради.

Хар бир жазони ижро этувчи муассаса узига қабул қилаётган маҳкумнинг шахсий қарточқасидаги маълумотлардан ташқари унинг қизиқиши, табиати ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлиги дарқор.

Жиноят-ижроия Кодекси 57-моддаси 2-қисмида қурсатилган қоида жиноят-ижроия қонунчилигига истисно ҳолат сифатида баҳоланади. Бундай ҳолатлар жумласига, маҳкумнинг шахсий хавфсизлиги, тиббий беморлиги ва бошқа омилларда намоён бўлади. Маҳкумни бошқа жазони ижро муассасага утказиш биринчи навбатда унинг розилиги билан амалга оширилади. Маҳкумнинг ҳаётига таҳдид солувчи ҳаракатлар унинг жазони ижро этувчи муассасасидаги маҳкумлар томонидан, ижро колонияси ходимлари томонидан ёки шу муассаса билан боғлиқ бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни тиббий муассасага утказиш билан боғлиқ ишлар фақатгина тиббий хулоса асосида амалга оширилиши мумкин, сабаби ҳар қандай қассаллик маҳкумни тиббий муассасага утказиш учун хизмат қила олмайди. Маҳкумни тиббий муассасага утказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган тиббий хулосани Ўзбекистон Республикаси ИИВ тиббий муассасалари, Қорақалпоғистон республикаси ИИВ тиббий муассасалари, вилоятлардаги жазоларни ижро этиш билан боғлиқ ички ишлар бошқармасларининг тиббий муассасалари бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек, маҳкум қайси ҳолда зудлик билан тиббий муассасага жойлаштирилиши керак деган муаммо ҳам барча қизиқарли бўлиши табиий. Маҳкумга жазони ижро этиш колониясида тиббий ёрдам курсатиш иложи бўлмаган тақдирда у зудлик билан тиббий муассасага жойлаштирилади.

Маълумки, қонунчилик маҳкумни бошқа муассасага утказиш билан боғлиқ барча ҳолатларни узида қамраб ола олмайди. Бунга мисол қилиб қуйидаги омилларни курсатиш мумкин:

- турли ҳилдаги табиий офатлар (бурон, ер қимирлаши, ва ҳок.);

- маҳкумлар уртасидаги узаро нифок бўладиган ҳоллар;

- маҳкумнинг яқин қариндошлари билан учрашувлар утказишда манзилнинг узоқлиги ёки маҳкумнинг яқин қариндошлари ночор бўлган ҳолларда;

Юқорида таъкидлаб қўйганидек, маҳкумни бир муассасадан бошқасига утказиш Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади, суд томонидан эмас.

Шунингдек, маҳкумни бошқа муассасага утказиш ташаббуси билан қуйидагилар чиқишга ҳақли:

- жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти;

- жазони ижро этувчи муассасада қонунларни бир ҳиллиги устидан назорат қилувчи прокурор;

- маҳкумнинг яқин қариндошлари илтимос ва аризалари бўйича;

- маҳкум яшайдиган маҳалла қумитаси тавсияномаси ёки меҳнат бошқармаси;

Жиноят-ижроия Кодексининг 58-моддаси маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлашга қонуний тус берган. Унга қура, «қуйидагилар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, алоҳида-алоҳида сақланади:

- ута ҳавфли рецидивистлар;

- умрбод озодликдан маҳрум қилиш авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш ҳазоси билан алмаштирилган маҳкумлар;

- маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

- суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар;

- турли юқумли қассалликларга қалинган маҳкумлар;»

Маълумки, ахлоқ тузатиш воситалари ҳазо турини, содир этилган жиноятнинг ҳусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини, шунингдек маҳкумнинг шахси ва ҳуқ-атворини инобатга олган ҳолда қўлланилади.(ЖИК 7-м).

Маҳкумларни бир-биридан ажратилган ҳолда сақлаш уларнинг турли хил хусусиятларига кура ҳал этилиши ҳам мумкин:

а) биринчи марта эҳтиётсизликдан жиноят содир этган маҳкумлар алоҳида ажратилади;

б) биринчи марта қасддан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки оғир бўлмаган жиноятни содир этган маҳкумлар;

в) биринчи марта қасддан оғир жиноятни содир этган маҳкумлар;

г) биринчи марта қасддан оғир жиноятни содир этган маҳкумлар алоҳида ажратилади;

д) илгари ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини утаб чиққанлар алоҳида ажратилади;

е) алоҳида ҳавфли рецидивистлар ҳам алоҳида-алоҳида сақланадилар;

ж) умрбод озодликдан маҳрум қилиш озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилганда ҳам улар ҳам алоҳида сақланади;

з) фуқаролиги бўлмаган ва чет эл фуқаролари ҳам озодликдан маҳрум қилинганида алоҳида, ажратилган ҳолда сақланишлари лозим. Лекин бундай шахслар купинча бошқа шахслар билан бирга сақланганликларини курсак ҳам, лекин уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари тамомила бошқача тус олган. Эрақак жинсидаги маҳкумлар аёллар ва вояга етмаган маҳкумлардан кура оғирроқ даражада жазоланади.

Вояга етмаган маҳкумларда маҳкумларнинг таснифланиши уларнинг жинсига караб ҳам фарқланади. Жумладан, илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини утаб чиққан маҳкумларнинг эрақак жинсидагилар, яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларида, кучайтирилган тарбия колонияларида сақлансалар, вояга етмаган кизларга эса бу қоида тадбик этилмайди. Кизлар нечанчи марта озодликдан маҳрум қилинган бўлишларидан катъи назар умумий тартибли колонияларга юбориладилар.

Вояга етмаганларнинг таснифланиши аксарият ҳолларда ёшига нисбатан тадбик этилади. Жумладан, ун олти ёшгача бўлганлар алоҳида ва ун олти ёшдан ошганлар алоҳида ажратилади.

Аёлларни таснифлашда колония тартиб туридан ташқари хомиладор ёки эмизикли ёш боласи бор аёллар озодликдан маҳрум қилинганида улар учун махсус имтиёзлар яратилади.

Маҳкумларнинг жинси, ёшига караб ажратиш юридик адабиётларда, одатда, ҳуқуқий таснифлаш деб юритилади. Шунингдек, маҳкумларни таснифлашда уларни жазони ўташ жараёни ҳам муҳим роль уйнайди. Маҳкумлар билими, дунёкараши, руҳий муносабатлари бўйича таснифланади.

8. Маҳкумларни кўчириш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 60-моддасига мувофиқ, «озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига кўчириш ушбу кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан алоҳида кўчирилади.

Хомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ёки уч ёшга тулмаган боласи бор аёллар бошқа маҳкумлардан алоҳида кўчирилади.

Маҳкум беморлар, хомиладор аёллар ва боласи бор аёллар, зарурат бўлганда, тиббий ходимлар кузатувида кўчирилади.

Маҳкумларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни бошқа ҳолларда ҳам ажратилган тарзда кўчиришга йўл қўйилади.

Кўчириш чоғида маҳкумлар зарур моддий-маиший ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминланади, уларга пойабзал, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари берилади.

Маҳкумларни кўчириш давлат ҳисобидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда соқчи кузатувида амалга оширилади».

Маҳкумларни кўчириш билан боғлиқ муаммолар жиноят-ижроия ҳуқуқининг узига хос объект дастури ҳисобланади. Маҳкумларни бир жазони ижро этувчи муассасадан бошқасига кўчириш билан боғлиқ муаммолар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади ва конвойда амалга оширилади. Маҳкумларни кўчириш билан боғлиқ тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Маҳкумларни кўчириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидагилар маҳкумларни зудлик билан кўчириш учун асос бўлиб хизмат қилади деб қўрсатилган. Булар:

- сил касаллиги билан оғриган маҳкумлар;

- тери таносил касаллиги билан оғриган маҳкумлар;

- асаб касаллиги билан оғриган беморлар, тузалиши катта муддатни талаб қилувчи беморлар;

- ОИТС касаллиги билан касалланган беморлар;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қўра, маҳкумларни кўчириш камида 4та соқчи назорати остида амалга оширилади. Соқчилар гуруҳи, одатда, оддий ва қўчайтирилган бўлиши мумкин. Қўчайтирилган соқчилар гуруҳи ута оғир турдаги жиноят содир этган маҳкумлар, рецидивистларни кўчиришда тайинланади. Амалдаги қонун нормаларига мувофиқ, соқчилар гуруҳи тартиб қонидани бузган маҳкумларга нисбатан жисмоний қўч ишлатиш, турли хил тинчлантирувчи воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга. Маҳкумларни кўчиришда маҳкумлар қонун нормаларида қўрсатилган нормалар бўйича озиқ-овқат билан таъминланади. Кўчирилаётган маҳкум ўзи билан озиқ-овқат маҳсулотлари, қийим-кечак олиши; бемор маҳкумлар эса ўзига керакли бўлган тиббий дори-дармонлар олиши, ёш боласи бор аёллар эса бола учун керакли бўлган буюмларни олишга ҳақли.

Кўчирилаётган маҳкумга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, мавсумга мос қийим-кечак ва пойабзал берилади.

Куйидаги маҳкумлар бир жазони ижро этувчи муассасадан бошқасига утказишга йул куйилмайди:

- узининг шахсий анкетасига эга булмаган маҳкумлар;
- мавсумга мос кийинмаган маҳкумлар;
- озиқ-овқат махсулотлари билан таъминланмаган маҳкумлар;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, баъзи ҳолларда маҳкумнинг қўлларига кишан солиниши мумкин:

- самолётда ёки вертолётда;
- узоқ йўлга чиққан автотранспорт воситаси ёки поездда кўчирилаётганда;
- жазони ижро этувчи муассасадан қочиш ниятида бўлган маҳкумни бошқа муассасага кўчиришда;
- умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкумлар;

Маҳкумлар сақлаш шароитларини ўзгартириш ва енгиллаштириш тартиби

Маҳкумлар енгиллаштирилган шароитга утказишга, узининг ҳуқ-атвори билан урнатилган бўладиган шахслар жазонинг камида олти ойи уталганидан кейин йул куйилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга утказилган маҳкум ички тартиб-қоидадан ашшадий бузувчи деб топилганида уни умумий ёки оғирлаштирилган шароитга утказишлари мумкин, лекин бундай ўзгаришга ҳам яна олти ойдан кейин йул куйилади. Тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлар мавжуд. Бундан ташқари, маҳкумларнинг интизомсизлиги, ички тартиб-қоидадан домий бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар ҳам мавжуд. Бу ҳилдаги ҳибсхоналарга киритиб куйилган маҳкумларнинг шароити албатта оғирлаштирилади. Енгиллаштирилган шароитга утказиш маҳкумнинг ижобий ҳуққи, меҳнатга ҳалол муносабати, интизомий жазо чорасининг булмаслиги ва жазонинг камида туртдан бир қисми утаганидан сунг қўлланилади.

Маҳкумларнинг сақлаш шароитини ўзгартирилиши Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига асосан амалга оширилади. Унга кура, «жазони ўташ даврида озодликдан маҳрум этишга маҳкум қилинган шахсларнинг сақлаш шароити бир муассаса доирасида ёки бошқа турдаги муассасага утказиш йули билан енгиллаштирилиши мумкин».

Маҳкумларни сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида куйидагича енгиллаштирилиши мумкин:

-муассаса бошлигининг қарорига биноан-ушбу кодекснинг 102, 104-моддаларига мувофиқ, масалан, ташаккур эълон қилиш, ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш, қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш ва хоказо;

-суд томонидан Жиноят процессуал Кодексининг 537-моддасига мувофиқ, яъни маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колони яга ва колониядан турмага

утказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг такдимномасига биноан мах кум ёки химоячисининг илтимосномасига кура судья томонидан амалга оширилади ёки яна бир қоида бу, Жиноят процессуал кодексининг 537-моддаси 4-бандига мувофиқ, 18 ёшга тулган маҳкумни табия колониясидан жазони ижро этиш колониясига утказиш масаласини хал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, юкоридаги моддага кура, мах кум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоги билан 20 ёшга тулгунча кадар колдирилиши мумкин.

Маҳкумларни саклак шароити Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига кура, интизомий жазо тарзида куйидагича огирлаштирилиши мумкин:

-муассаса бошлигининг қарорига биноан шубу кодекс 105, 16-моддаларига мувофиқ, интизомий жазо чоралари сифатида маҳкумларга нисбатан куйидаги жазо чоралари кулланилиши мумкин:

-огохлантириш;

-хайфсан;

-енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор килиш;

-интизомий булинмага киритиб куйиш ва хоказо;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 106-моддасига мувофиқ эса «интизомий жазо ҳуқуқбузарликнинг огирлиги ва хусусиятига мос булиши керак» деб ёзиб куйилган. Шунингдек, интизомий жазонинг амал килиши муддати жазо кулланилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Маҳкумларни сақлаш шароити интизомий жазо тарзида суд томонидан хам Жиноят процессуал кодексининг 537-моддаси 3-бандига мувофиқ огирлаштирилиши мумкин:

Маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ва умумий тартибли тарбия колониясидан кучайтирилган тартибли тарбия колониясига утказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи коми сси билан келишилган такдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Бу хилдаги маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш жиноят-ижроия қонунчилигининг 2 тамойилига асосан амалга оширилади :

1) дифференциация ва индивидуализм жазоларни ижро этишда;

2) маҳкумларни қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига;

Шунингдек, мах кум жазони ижро этишда саклак шароитини ўзгартириш шу ижро муассасаси бошлги розилиги билан амалга оширилади.

5-МАВЗУ

Колония ва турмаларда жазони ўташ

Колония ва турмаларда жазони ўташ тушунчаси ва асослари. манзил колонияда жазони ўташ шартлари. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатлари ва

имтиёзлари. Манзил колонияларида маҳкумларнинг меҳнати, таълими. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар шароитини енгилаштириш тартиби ва асослари. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар шароитини енгилаштириш тартиби ва асослари. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар шароитини енгилаштириш тартиби ва асослари. Турмаларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Турмаларда маҳкумлар шароитини енгилаштириш тартиби ва асослари. Тарбия колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Тарбия колонияларда вояга етмаган маҳкумларни қўшимча рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш шартлари. Ҳибсхонага киритиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини қўллашнинг хусусиятлари. Ўн саккизга тўлган маҳкумларни тарбия колонияларида жазони ўташни давом эттириш учун қолдириш тартиби ва шартлари. Маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари. Ҳомиладор аёллар ва ёш боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқ ва имтиёз бериш шартлари ва тартиби. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш тартиби. Маҳкума аёлларнинг муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи ва бунинг бекор бўлиш асослари. Болаларни жазони ижро этиш колониялари ҳузуридаги болалар уйига жойлаштириш. Болани онанинг розилиги билан қариндошларга ёки бошқа шахсларга бериш ёхуд болалар уйига ўтказиш шартлари. Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқиш тартиби ва асослари.

Маълумки, Жиноят Кодексининг 50-моддаси ва Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасида жазони ижро этиш колонияларининг 4 тури курсатилган. Булар:

- манзил-колониялари;
- умумий колониялар;
- қаттиқ тартибли колониялар;
- махсус тартибли колониялар;

Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасалари бўлиб, мазкур муассасалар ўзларига хос бўлган ички тартиб қоидаларга эга бўлиб ҳисобланади.

2001 йил 18 июндан эътиборан кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 298-сонли буйруғига асосан, барча жазони ижро этиш колониялари икки хил шаклга эга бўлиб, улар:

-маҳкумлар кўриқлов ва назорат остида сақланадиган ёпиқ турдаги(умумий, қаттиқ ва махсус тартибли);

-махкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадиган ярим очик турдаги (манзил-колониялар)дан иборат²⁸.

Бундан ташқари, махкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятлариинг огирлиги ва огир жазо тайинланганлиги тақдирда уларни жазонинг муайян қисмини турмада утказишликка юборилиши белгиланади. Турма камоғи узига хос хусусиятга эга бўлиб, махкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятларнинг огирлиги ваогир жазо тайинланганлиги тақдирда уларни жазонинг муайян қисмини турмада утказишликка юборилиши белгиланган. Турма камоғи колониядан фарқ қилиб, эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида сақланади, шунингдек, турма камоғида махкумлар фақат алоҳида-алоҳида камераларда сақланишлигини инобатга олган ҳолда эркаклар ҳам, аёллар ҳам битта турмада сақланиши мумкин. Албатта, тарбия колонияларида ҳам махкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлар мавжуд. Махкумларни озодликдан маҳрум этилганида уларни тарбия колониялари билан вояга етганларнинг колониялардаги шароитлари бир-биридан фарқ қилади. Албатта, вояга етмаганлар тарбия колонияларда шароитнинг енгиллаштирилганлигини куриш мумкин. Махкумнинг ахлоқан тузалганлиги, колония меҳнати урганганлиги ёки вояга етмаганларнинг вояга етганлиги муносабати билан бошқа колонияга ёки бошқа жазо тури билан алмаштирилишига колонияларда йул қуйилади. Шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларини 3-турга булиш мумкин:

1. жазони ижро этиш колониялари;
2. турмалар;
3. тарбия колониялари.

Колония ва турмаларда жазони ўташ билан боғлиқ қонун-кодалар 60-90 йиллар бошларида Ахлоқ тузатиш қоидаларига таянади. Бу хил қоидаларга махкумларни қандай типдаги камераларга жойлаштириш ва ўзгартириш курсатилган.

Қоидаларда шу хилдаги тартибларнинг урнатилиши ва жойлаштирилиши билан боғлиқ тартиблар тарихига эътибор каратадиган бўлсак, колония ва турмаларда жазони ўташ нормалари 60-90 йилларда 1961 йилда қабул қилинган Ахлоқ тузатиш ҳужжати бўйича амалга оширилган. Унда колония ва турмалардаги барча шарт-шароитлар қандай булишлиги, махкумларни сақлаш шароитлари курсатилган. Ҳужжатларда барча аспектлар, яъни хусусиятлар тулик курсатилмаганлиги туфайли норматив ҳужжатлар тулдириб берган.

Бу ҳужжатда қуйидагилар курсатилган эди:

- 1) жазони ижро этувчи муассасасининг ҳуқуқий мақоми;
- 2) махкумларни кўчириш тартиби;
- 3) махкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, овқатланиш аник нормаларини белгилаб берган;

²⁸ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1039-сонли буйруғи. 08.06.2001 йил Тошкент

Собик ССР тузумида жазони ўташ тартибида «режим» тушунчасига қонуний тус берилмаган, у фақат бир институт мажмуасига киритилган, ҳолос.

Ҳозирги кунда мустақиллик шарофати билан жазони ижро этувчи муассасалардаги тартиб-интизом, уларни жиҳозланиши ва энг асосийси, маҳкумларни қайта тарбияланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, ҳаттоки, бунга қонунан тус берилмоқда. Масалан: колония ва турмаларда сақланаётган маҳкумларнинг шароити, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбурловчи ҳолатлари қонун билан белгиланиб, бу тартибни ҳеч кимнинг, ҳатто колония маъмуриятининг ҳам бузишга ҳуқуқи йук.

Умумий қилиб олганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларини 3 қисмга бўлиш (бу ҳақда олдинги параграфларда айтиб утилган) мумкин.

I. Жазони ижро этиш колониялари:

- 1) мазил-колониялари;
- 2) умумий тартибли колониялар;
- 3) қаттиқ тартибли колониялар;
- 4) махсус тартибли колониялар;

II. Турма қамоғи.

III. Тарбия колониялари.

Жазони ижро этиш муассасаларининг бу ҳилдаги таснифланиши бежизга эмас, албатта. Биринчи навбатда, жазони ижро этиш колонияларининг турларига қараб у ердаги шароит, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-биридан фарқ қилади. Бундай фарқни белгилашда, суд маҳкумнинг шахси, ижтимоий ҳавфлилиги, жиноятнинг огирлиги, унинг ҳуқуқи масалаларига адолатли ёндаша билиши, тугри баҳо бериши даркор.

Манзил-колонияларда жазони ўташ шартлари. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ва имтиёзлари. Мазил колониялардаги маҳкумларнинг меҳнати, таълими

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 46-моддасига 2003 йил 12 декабр ва 30 август кунлари қўшимча ва ўзгартиришлар қилинди, қонунчилик ислохоти утқазилди. Президенти миз И. Каримов айтганларидек, «энг муҳими-инсон ва фуқаронинг фикрлаши ва дунёқараши ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тухтовсиз ўсиб бормоқда²⁹».

Шунинг боиси уларок, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 46-моддасига мувофиқ: « манзил колониялар қуйидагиларга бўлинган:

- ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган мазил-колониялар;

²⁹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизлика таҳдиди ва барқарорлик шартлари» 227-б.

-умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колониялардан утказилган маҳкумлар сақланадиган мазил-колониялар;».

Манзил-колониялар республикамизда 1963 йил июль ойида ташкил этилган ва специфик хусусиятга эга булган. Мазил-колонияларнинг асосий хусусияти шундаки, маҳкумни қайта тарбиялаш нисбатан енгилроқ шароитларда амалга оширилади.

ЖИКнинг 113-моддасида Манзил-колонияларда жазони ўташ тартиби белгиланган.

Манзил-колонияларда:

мазкур муассасаларга суд ҳукмига биноан келган вояга етган маҳкумлар;

умумий, қаттиқ тартибли колониялардан ва тарбия колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан содир этган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тарзида суднинг ажрими асосида юборилган вояга етган маҳкумлар жазони ўтайди.

Манзил-колонияларга ижобий тавсифга эга ва:

оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар;

ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилади.

Манзил-колонияларга қуйидагилар ўтказилмайди:

ўта хавфли рецидивистлар;

узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар;

юқумли касалликларга чалинган беморлар;

мажбурий даволанишдан ўтаётган маҳкумлар;

меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар.

Битта манзил-колонияда маҳкум эркаклар ва аёллар сақланиши мумкин. Шунингдек, яна бир аҳамиятли жихати манзил-колонияларда ижобий тавсифга эга ҳамда унча оғир булмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида бешдан бир қисмини, оғир жиноят учун жазо муддатининг тўртдан бир қисмини, ўта оғир жинояти учун муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар, мукаддам жазодан шартли равишда муддатидан илгари озон этилган ёки жазо суд томонидан енгилроғи билан алмаштирилган шахс ўта оғир жиноят, шунингдек жазо муддатининг ўталмаган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун суд

тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини утаган маҳкумлар манзил-колонияларга утказилади.

Манзил-колонияларга куйидагилар утказилмайди:

- ута хавфли рецидивистлар;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;
- юкумли касалликларга чалинган беморлар;
- мажбурий даволанишдан утаётган маҳкумлар;
- меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар;

Манзил-колонияларнинг узига хос хусусиятияти шундаки, битта колонияда маҳкум эркаклар ва аёллар сақланиши мумкин.

Манзил-колонияларда маҳкумларнинг жазони ўташ шартлари куйидагилар бўлиб ҳисобланади:

маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар, маҳкумларнинг эрки чекланади, холос.

эрталаб уриндан туришдан кечки ётишгача булган вақт мобайнида колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бирок кечки пайтдан, аниқроғи ётишдан эрталаб уйғонгунга қадар колония ҳудудида ҳаракатланиш қатъиян ман этилади

Улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақозо этса, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришлари мумкин;

ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда телефон орқали сузлашишлари, посилка йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жунатишлари мумкин;

Манзил колониялардаги маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, одатда, ишдан буш вақтларда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосномасига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида указилиши мумкин.

Маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар. Сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга муассаса бошлиғи қарорига мувофиқ манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Бундай шахслар ички тартиб қоидаларида белгилаб куйилган тартибда руйхатдан утиш учун ҳозир булишлари шарт. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

Республикамиз ҳудудидаги манзил-колонияларда маъмурият истаги билан маҳкумларнинг қийим-кечаклари, буюмлари текширилиши мумкин. Хар ойи бир мартадан манзил-колония ҳудудидаги хоналар назорат текширувдан утказилади. Бу текширувнинг асосий мақсади, маҳкумлар томонидан уюштирилиши мумкин булган турли хилдаги ноҳуш ҳолатлар, масалан, оммавий равишда муассасадан қочиш, колония ходимларининг ҳаётига тажовуз қилиш, олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Манзил-колониялар аҳоли яшаш жойларидан узок булган ҳудудларда барпо этилади. Хар бир маҳкум белгиланган руйхат картоскасига эга бўлиб,

маъмурият рухсатисиз колония худудини тарк этиши маън этилган. Турли хил оилавий сабабларга кура маҳкумларга маъмурият томонидан қисқа муддатли рухсат берилиши мумкин.

Маъмурият ишончига кирган, узининг хулқи, меҳнати билан ажралиб турувчи маҳкумларга турли хилдаги диний муассасаларга сизинишга бориш учун рухсат берилади. Маҳкумларга маъмурият томонидан муассаса чегарасидан четда ҳаракатланиш учун тегишли ҳужжат такдим қилинади. Маҳкумларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати-паспорти унинг жиноят иши жилдида булганлиги туфайли уларга шунга мос ҳужжат албатта берилади.

Манзил-колония маъмурияти рухсати билан маҳкум узининг оиласи билан муассаса жойлашган худуддаги хоналарда ижара асосида туриши мумкин. Бу хил ҳуқуқни тасдиқлаш фақатгина муассаса директорининг рухсати билан амалга оширилади, холос. Шунингдек, муассасада ҳар бир маҳкум узининг кизикиш турига караб хоҳлаган машғулоти тури билан шугулланиши, турли хил муассаса ичида тугараклар ташкил этиш ҳуқуқига эга. Маҳкум муассаса маъмуриятининг директорининг номига ариза бериш орқали турмуш куриши ҳам мумкин.

Маҳкумга узи билан куйидаги буюмларни сақлашга рухсат этилмайди:

- турли хилдаги укотар куроллар;
- портловчи моддалар;
- наркотик моддалар;
- барча турдаги алкоголь ичимликлар;
- ҳарбий кийим-кечак;

Умуман олганда, маҳкум узи билан сақлаши катъий ман этилган буюмлар руйхати муассаса маъмуриятининг ички низомида курсатилади.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар меҳнати маъмурият томонидан белгилаб куйилган чеклаш ва истисноларни ҳисобга олмаганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Маҳкумларни бошқа ишга утказишни корхона, муассаса ёки ташкилот манзил-колония маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва урта махсус укув юртлирида сиртдан укишга рухсат этилади. Бу барча диспозитив қоидалар Жиноят-ижроия кодексининг 115-моддасида уз ифодасини топган.

Республикамизда меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжалари барча шахслар учун бир хил ҳаракатда бўлади, истисно сифатида манзил-колониялардаги маҳкумлар ишга қабул қилиш, ишдан бекор қилиш ва бошқа ишга утказиш қоидалари кулланилмайди. Муассаса маъмурияти ҳар бир маҳкумни уз касб фаолияти, хунари ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиради. Энг аҳамиятли жихати ҳам шундаки, манзил-колонияга кўчирилувчи маҳкумлар албатта бирор бир касб-хунарга эга булиши лозим. Манзил-колония маъмурияти маҳкумни бошқа мутахассислик бўйича ишга укитиб, уни ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Маҳкумлар одатда, муассаса ичидаги хўжалик ишлари билан шугулланади, баъзи ҳолларда истисно сифатида маъмурият рухсати билан маҳкум бошқа корхоналарда ҳам уз мутахассислиги бўйича шартнома

асосида бошқа худудда, бошқа ишга утказилиши мумкин. Бу хил муносабатлар хўжалик органлари томонидан амалга оширилади.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар, одатда, муассаса жойлашган ердаги олий ва урта махсус укув юртларда сиртдан укийдилар.

Манзил-колонияларда узига хос кулайликлар билан бир каторда бир катор чеклашлар ҳам мавжуд. Масалан, маҳкум муассаса ички тартиб-қоидаларини бузган такдирда карцерга камаб куйилиши мумкин. Ашшадий жиноятчилар эа суд ҳукми асосида курсатилган муассасага жазони ўташ учун қайтиб юборилади.

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар жазони ўташ тартиби ва шартлари. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар шароитини енгиллаштириш тартиби ва асослари

Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 116 ва 117-моддаларда уз аксини топган.

Мазкур кодекснинг 116-моддасига кура, умумий тартибли колонияларда жазони:

116-модда. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби

Умумий тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

ушбу Кодекснинг [129-моддасида](#) назарда тутилган ҳолларда тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар;

суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар;

қасддан оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар;

рағбатлантириш тарзида ёки суд томонидан тайинланган турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан кейин турмалардан ўтказилган маҳкумлар ўтайди.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг [104-моддасида](#) назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Умумий тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Тарбия колониясидан ўтказилган маҳкумлар жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Жиноят-ижроия кодексининг 117-моддасида умумий тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари белгилаб куйилган.

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Улар колония маъмурияти томонидан белгиланган ётоқхоналарда жойлаштириладилар ва колония маъмуриятининг ички низомида курсатилган кийим-кечакларда юришади. Маҳкумлар узи билан олиб келган кийим-

кечакларда кийиниб юришларига рухсат берилмайди. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар учун ягона қоида белгилаб қуйилган. Бу қоидага кура, маҳкумлар катор бўлиб муассаса ҳудудида юришлари, уйгонгандан бошлаб ётгунга қадар муассаса ҳудудида ҳаракатланиши мумкин. Истисно ҳолат муассаса ҳудудида фақатгина турли хил уюштириладиган спорт мусобақалари, маданий кечаларда киритилиши мумкин.

2003 йил 30 августда Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга кура умумий тартибли колонияларда маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваригача булган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. Бу белгиланган сумма маъмурият томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида:

- турт марта қисқа ва узок муддатли учрашув;
- олти марта телефон орқали сўзлашув;
- олтита посилка ёки йўқлов;
- олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга;

Макумларга бу тарзда учрашувлар сонини белгилаш ушбу кодекснинг 76-моддаси ва умумий тартибли муассасанинг ички низоми асосида амалга оширилади. Масалан, ушбу кодекснинг 76-моддасида узок муддатли учрашув маҳкумнинг илтимосига кура қисқа муддатли учрашув ёки телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Умумий тартибли колонияларда ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу кодекснинг 104-моддаларида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига утказилади. Улар кодекснинг 113-моддасига кура, белгиланган жазо муддатининг қолган қисмини манзил-колонияларда ўташади. Шунингдек, узининг хулқ-атвори билан намуна бўладиган маҳкумлар қўшимча равишда йил давомида белгиланган ҳуқуқларга битта учрашув, битта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов олишлари мумкин.

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.Қаттиқ тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар шароитини енгиллаштириш асослари ва тартиби.

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 118 ва 119 моддаларида уз ифодасини топган. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони:

-мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар (эркаклар,ута огир турдаги жиноят содир этган ёки олдинги жинояти учун жазодан озод этилган маҳкумлар; аёллар, ута огир турдаги жиноят содир этган такдирда);

-турмаларда ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тарзида утказилган маҳкумлар;

-суд тайинлаган турма қамоғи муддатини утаганидан сунг турмалардан утказилган маҳкумлар;

-суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар утайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу кодекснинг 14-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига утказилади.

Қаттиқ тартибли колониядан иккинчисига утказилган маҳкумлар жазони бу ерга утказилгунча кадар белгиланган сақлаш шароитида утайдилар.

Қаттиқ тартибли колонияларда чекиш, столда уйналадиган уйинлар уйнаш, курпа-тушаклардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Бериладиган овкат ҳам камайтирилган нормада, уларга бир суткада бир соатгача очик хавода сайр килишга рухсат берилади. Жиноят Кодексининг 50-моддасида ҳам қаттиқ тартибли колонияларда ута огир жинояти учун биринчи маротаба озодликдан маҳрум қилинган ва хавфли рецидивист деб топилган аёллар ҳам сақланадилар. Қаттиқ тартибли колонияларда ҳам умумий енгиллаштирилган ва огир шароит қоидалари жорий этилади, лекин қаттиқ тартибли колониялардаги шароитлар ҳам умумий режим колонияларнинг шароитларидан қаттиқлаштирилганлиги билан фарқланади.

Жиноят-ижроия кодексининг 119-моддасида белгилаб куйилишича, қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва халол меҳнатга ургатиш учун уни енгил шароитга утказиш ва муассасада урнатилган тартиб-қоидаларни бузувчи ашшадий тартибсиз деб топилганида эса, огирлаштирилган шароитга утказиш масаласи куриб чикилади ва шу қоидага риоя қилинади. Одатда, колонияларга келиб тушган маҳкум ЖКнинг 104-моддасининг 1-қисмида белгиланган муддат утгунга кадар шароитини ўзгартириш қоидаси тадбик этилмайди. Бу муддат утганидан сунг енгиллаштирилган шароитга утказиш масаласи куриб чикилиши мумкин. Маҳкум енгиллаштирилган шароитга утказилганда, утказиш муддати белгиланмайди. Фақат маҳкумнинг хулқи ёмонлиги ва тартиббузарлиги натижасида уни оддий шароитга ёки огирлаштирилган шароитга утказиш муддати белгиланади ва маҳкум купи билан олти ойга огирлаштирилган шароитга утказилиши мумкин. Енгиллаштирилган ёки ҳуқуқлари чекланган шароитларда ҳам махсус ички тартиб қоидалар маҳкумни мажбурий меҳнатга жалб килиш тартиби, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш қоидалари жорий этилади.

Оддий шароитдаги маҳкумлар қаттиқ тартибли колонияларда Жиноят-ижроия кодексининг 119-моддасига кура, бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим бараваригача булган суммага озиқ-овқат махсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. Шунингдек, купи билан уч марта қисқа муддатли ва уч марта узок муддатли учрашув, турт марта телефон орқали сўзлашув, туртта посилка ёки йўқлов, туртта бандерол олиш ҳуқуқига эга. Бу имтиёзлар маҳкумнинг шароитининг узгартирилиши билан узгариши мумкин. Бу хол унга берилган барча имтиёзларнинг бекор булиши билан намоён бўлади ва Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасининг туртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган ҳуқуқий чеклаш турлари ва қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Жумладан, енгиллаштирилган шароитдаги каттик тартибли колонияларда маҳкумлар энг кам ойлик иш ҳақининг ун фоизигача кийматда пул сарфлаш, қўшимча посилка,бандерол ёки йўқлов олиш ҳуқуқлари, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқлари билан таъминланиши мумкин.

Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Махсус тартибли колонияларда жазони утаётган маҳкумлар шароитини енгиллаштириш асослари ва тартиби.

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар шароити огирлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Умумий шароитдаги махсус режимли колонияларда ҳам маҳкум шароитининг алоҳида огирлаштирилганлигини куриш мумкин. Шунинг учун ҳам махсус режимли колонияларда фақат ута хавфли рецидивистлар ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш авф этилиб,озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумларгина сакланиши мумкин.Махсус тартибли колонияларга аёллар юборилмайди. Жиноят-ижроия кодексининг 121-моддасига кура, махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида сакланадилар ва улар бир кунда купи билан 2 соатгача очик хавога олиб чикилади. Енгиллаштирилган шароитга утказилганда маҳкум камера типдаги яшаш жойларига утказилади. Махсус тартибли колонияларда сакланаётган маҳкумлар бир ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори суммасигача озик-овқат махсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумларга йил мобайнида:

- икки марта қисқа муддатли ва икки марта узок муддатли учрашув;
- уч марта телефон орқали сўзлашув;
- учта посилка ёки йўқлов;
- учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ маҳкумларнинг камера типдаги хоналари махсус маиший талабларга биноан жиҳозланганлиги билан фарқланади. Камерада маҳкумга ёйтишга тахта каравот,овкатланиш ва утириш учун тахта стол,стул, ювиниш ва хожат жойлари булишлиги талаб этилади. Камерада маҳкум учун кун тартиби белгиланади.

Махсус тартибли колонияларда сакланаётган маҳкумлар ҳам жазонинг учдан бир қисмини утаб булганларидан сунг енгиллаштирилган шароитга утказилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга утказилган маҳкумларга Жиноят-ижроия кодексининг 104-моддаси талабларига мувофиқ қўшимча имтиёзлар берилади. Мазкум кандай шартларга кура енгиллаштириладиган шароитга утказилган булса, худди шу тартибда карцерларга ҳам киритиб куйилиши мумкин. Умуман,турма ва тергов ҳибсхоналари карцерига киритиб куйишга фақат 15 суткагача йул куйилади.Махсус тартибли колонияларда сакланаётган маҳкумлар хар куни бир ярим соатгача, енгиллаштирилган шароитга утказилганида эса икки соатгача сайрга олиб чикилишлари мумкин.

Турмаларда жазони ўташ тартиби ва шартлари. Турмаларда жазони утаётган маҳкумлар шароитини енгиллаштириш асослари ва тартиби.

Турмаларда жазони ўташга судлар томонидан ута огир жиноят содир килган эркак ва аёллар ҳукм килиниб, уларга жазони мазкур жойларда ўташларидан кузланган асосий мақсад жамият манфаатларини асрашдан иборат³⁰.

Турма ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ жойлари ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигининг жазоларни ижро этиш бош бошқармаси томонидан умумий раҳбарлик ва назорат қилинади. Турма жойлари ҳам колониялар сингари маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни тугри йулга ургатиш вазифаларини амалга оширади. Шунга карамай, турма жойлари колонияларнинг баъзи хусусиятларидан жиддий фарқ қилади. Жумладан, турмада маҳкумлар доимий камераларга камалган ҳолда сақланадилар ва уларни жамиятдан ажратишнинг энг огирлашган ҳолатларини белгилайди.

Турмаларда ута хавфли рецидивистлар огир ва ута огир жиноятларни содир этган маҳкумлар ҳамда ички тартиб қоидаларини ашшадий бузганлиги учун колониялардан утказилган маҳкумлар сақланадилар.

Колониялардан турмага маҳкум ички тартиб қоидаларини ашшадий бузувчи, маъмурият талабларига буйсунмайдиган ҳолатларда суднинг қарори билан утказилади. Бундай ҳолда маҳкум турма жойи қоидаларига асосан қонунда белгиланган муддатга утказилиши мумкин. Бу муддат тугаши билан маҳкум яна суд белгиланган режим тури колониясига утказилади.

Турма жойларининг ташкил этилиши ва тузилиши жихатидан бошқа жазони ижро этиш муассасаларидан жиддий фарқ қилади.

Жумладан, турмалар колонияларга ухшаб режим турларига бўлинмайди. Лекин турма жойларида маҳкумларнинг оддий шароитдаги, енгиллаштирилган шароитдаги ёки интизомий жазолаш шаклидаги ҳуқуқларга утказилганлигини куришимиз мумкин. Булар оддий шароитдаги камералар ва маҳкумни огирлаштирилган шароитларга утказилганида сақланадиган камералар типига киради. Турма жойларида ҳам маҳкумлар хўжалик хизматларини амалга оширадилар. Бундай ишларга махсус хўжалик ишлари учун колониялардан қолдирилган маҳкумлар томонидан бажарилади.

Маҳкумлар турма қамоғига юборилганида суд унинг шароитларини белгилаб бермайди. Хар бир турма жойига юборилган маҳкум учун умумий шароитдаги ҳуқуқлар белгилаб берилади. Бу жойда жазони ўташ вақтида маҳкумнинг шароити узгартирилиши мумкин. Лекин ҳомиладор ёки эмизикли болали аёллар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари турмада енгиллаштирилган шароитда сақланадилар³¹. Уларни оддий ёки огирлаштирилган шароитларга утказилишига йул қуйилмайди.

Маҳкумни енгиллаштирилган шароитга утказишга, жазонинг камида олти ой уталганидан кейингина йул қуйилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга утказилган маҳкум ички тартиб-қоидани ашшадий бузувчи деб

³⁰ «Права человека и пенитенциарные учреждения». Пилотное издание. Женева 2000й. 63-б.

³¹ «Права человека и пенитенциарные учреждения». Женева 2000 й 115-б.

топилганида уни умумий ёки огирлаштирилган шароитга утказишлари ҳам мумкин, лекин бундай узгаришга ҳам олти ойдан кейин йул куйилади.

Маҳкумлар фақат узлари сакланаётган камерадагина эркин ҳаракатланиши ва ёнидаги бошқа маҳкумлар билан мулокот килишлари, агарда маҳкумни алоҳида сақлаш зарурати ёки хавфсизлик ҳолатлари вужудга келса, бир кишилик камераларга ҳам киритиб куйилишлари мумкин. Маҳкумларни бир кишилик камераларга киритиб куйиш огирлаштирилган шароитни енгиллаштирмайди, фақат унинг хавфсизлигини таъминлаш чораси ҳисобланади.

Турма жойларида маҳкумлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади. Турма жойларида маҳкумларни очик хавода сайр килиш учун олиб чиқишга мўлжалланган махсус жойлар ташкил этилади. Маҳкумни кунлик сайрга олиб чиқилишидан ташқари махсус ташкил этилган ишчи камераларига олиб чиқилишлари ҳам мумкин. Бундай камераларда маҳкум фойдали меҳнатга жалб қилинади. Бу камералар маҳкумларнинг меҳнатларини ташкил этиш учун махсус керакли жиҳозлар билан жиҳозланган бўлади.

Турма жойлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг огирлаштирилган шароитларини назарда тутати. Аммо шунга карамай маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳам белгиланган бўлиб, озиқ-овқат ёки энг зарур буюмлар сотиб олиш, дийдор қуришув, бандерол олиш ҳуқуқлари ҳам берилади. Шунингдек, қонун маҳкумларнинг озиқ-овқат ёки энг зарур нарсаларни сотиб олишлари учун узларининг меҳнатларидан тушган маблаг ҳисобига ёки унинг қариндош ёки яқинлари томонидан пул жунатмаларига йул қуяди. Бундай харид масалалари ҳам чегараланган миқдорда рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 2003 й 30 августда 123-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларига мувофиқ, маҳкумлар турмада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача булган суммага озиқ-овқат махсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари мумкин. Шунингдек, маҳкумлар турмаларда ҳар куни муддати бир соатлик сайр килиш ва йил мобайнида:

-икки марта қисқа муддатли ва бир марта узок муддатли бир соатлик сайр килиш ва йил мобайнида;

-икки марта телефон орқали сўзлашув;

-иккита посилка ёки йўқлов;

иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Рағбатлантириш тарзида турмаларда енгиллаштирилган шароитга утказилган маҳкумлар ҳар куни бир соатга узайтирилган сайр муддатига эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, турмалардага маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар ва алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб куйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлигининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йул куйилади.

Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари. Тарбия колонияларида рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари. Вояга етмаганларни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига утказиш.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга булган эътибор нафақат ижтимоий ёки сиёсий ҳолатларда ва хатто жиноят содир этиб айбли деб топилганда ҳам алоҳида инсонпарварлик муносабатлари қонунлаштириб берилган.

Жумладан, вояга етмаганлар жавобгарлиги, уларнинг узига хос хусусиятлари, уларнинг ҳуқуқлари алоҳида ҳимояланганлиги ва жазоларни белгилаш ва ўташ жараёнидаги инсонпарварлик хусусиятлари қонунда алоҳида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига асосан тарбия колониялари учун алоҳида 22-боб ажратилган бўлиб, унда 124-129 моддалар уз ифодасини топган.

Вояга етмаганлар жавобгарлиги ва улар учун жазо масалалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига асосан алоҳида бобларда ажратиб берилган ва янгиликларни назарда тутган.

Жумладан. Вояга етмаганларга нисбатан Жиноят кодексига асосан озодликдан маҳрум қилиш ун йилгача, бир неча жиноятлар ёки бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганида ун икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, вояга етмаганларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойлари ҳам алоҳида ташкил этилган бўлиб, улар бундай жазоларни тарбия колонияларида утайдилар. Вояга етмаганлар учун белгиланган тарбия колонияларидаги шароитлари ҳам енгиллаштирилганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодексига кура, вояга етмасдан туриб, жиноят содир қилган шахслар тарбия колонияларида жазони утайдилар. Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунларига қадар сақланишлари мумкин. Вояга етганларидан сунг, улар жазони ўташ колонияларига утказишлари мумкин. Масалан, Жиноят-ижроия кодексининг 129-моддасига асосан, агарда маҳкумлар агарда маҳкумлар йигирма бир ёшга тулганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ун саккиз ёшга тулганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга утказилади. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган маҳкумлар ун саккиз ёшга тулганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир булмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияларга утказилади.

Вояга етмаган маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга булган ҳалол муносабати ва бошқаларга урнак була олишлиги ҳисобга олиниб, жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига утказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-

моддасининг 4-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади: «ун саккиз ёшга тулган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига утказиш масаласини хал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоги билан 25 ёшга тулгунга қадар қолдирилиши мумкин».

Шунингдек, маҳкумларни жазони ижро этиш колонияларига утказиш масаласи Жиноят-ижроия кодексининг 128-129-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда хал этилиб, одатда, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар 18 ёшда бўлса, 21 ёшга тулгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади, маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлигининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан, жазони ўташни давом эттириш учун жазони ижро этиш колонияларига утказиш масаласи агарда маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароилари мавжуд. Бундан ташқари, маҳкумнинг интизомсизлиги, ички тартиб-қоидаларни доимий бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар мавжуд бўлиб, ҳибсхоналарга қуйилган маҳкумларнинг шароити, албатта, оғирлаштирилади. Жиноят-ижроия кодексининг 127-моддасида тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қуйиш тариқасидаги интизомий жазо ун уч ёшдан ун олти ёшгача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ун олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ун суткагача бўлган муддатга қўлланилади. 2003 йил 30 августда Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар бу моддани ҳам четлаб ўтмади. Унда тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қуйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланди. Енгиллаштирилган шароитга утказиш маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати ҳамда интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва жазонинг камида $\frac{1}{4}$ қисмини утаганидан сунг қўлланилади.

Тарбия колонияларида маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чоралари ҳам жуда кенг қўлланилади, бу вояга етмаганларнинг ахлоқан тузалишида ва уларни қайта тарбияланишида сезиларли аҳамиятга эга. Ўз урнида рағбатлантириш чоралари ҳам маҳкум хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларини бажарганлигини инобатга олган ҳолда берилади. Умуман олганда, тарбия колониялардаги маҳкумларни қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳам Жиноят-ижроия кодексининг 126-моддасида ўз ифодасининг топган бўлиб, унда назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари:

- муассаса ҳудудидан ташқарида утказиладиган спорт ва маданий-томоша тадбирларини куришга юбориш;

- қисқа муддатли учрашув урнига ота-онаси, уларнинг урини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатда эркинликка чиқариш;

-ҳибсхонада булиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатида илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилиши мумкин.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга ушбу кодекснинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо кулланилиши мумкин.

Тарбия колонияларида маҳкумларга нисбатан тарбиячилар тайинланиб, тарбиячилар маҳкумларнинг кундалик фаолиятларини белгилаб беради, назорат қилади ва бошқаради. Тарбия колонияларида маҳкумларни енгиллаштирилган шароитга утказиш ёки ҳибсхонага киритиб қуйиш тарбиячининг тавсиясига кура, колония бошлигининг буйруғи билан амалга оширилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 125-моддаси тарбия колонияларида жазони утайдиган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи энг асосий модда ҳисобланади. Зеро, маҳкумга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар қуйидагиларда намоён бўлади:

«Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваригача булган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин³².

Тарбия колониялардаги маҳкумлар йил мобайнида:

- олти марта қисқа муддатли ва олти марта узок муддатли учрашув;
- ун икки марта телефон орқали сўзлашув;
- олтига посилка ёки йўқлов;
- олтига бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Кучайтирилган тартибли тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

- олти марта қисқа муддатли ва олти марта узок муддатли учрашув;
- саккиз марта телефон орқали сўзлашув;
- туртта посилка ёки йўқлов;
- туртта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Ун саккиз ёшга тулган ва тарбия колонияларида колдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-боши, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари тадбик этилади.

Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ ва унинг узига хос хусусиятлари.

Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ Жиноят-ижроия кодексининг 23-боб 130-135 моддаларини уз ичига камраб олади.

Жиноят-ижроия кодексининг 130-моддаси маҳкума хомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар курсатиб утилган. Унда:

³² Ўзбекистон Республикаси 30.08.2003 й 535-2-сон қонун таҳриридаги қисм.

«Маҳкума хомиладор аёллар ва уч ёшга тулмаган боласи бор аёллар ушбу кодексда маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари:

- муассаса худуди доирасидан ташқарида яшаш;
- болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш;
- болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан муддати беш суткагача бўлган, шу жумладан муассаса худуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти билан, узок муддатли учрашув берилиши мумкин».

Умуман олганда, юқоридаги модда инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларга асосланган ҳолда Жиноят-ижроия кодексига киритилгани айтиб ўтиш зарур. Барча қуриладиган чора-тадбирлар энг аввало, ёш болали маҳкума аёлларнинг тарбиялаётган фарзандини уз юрти келажаги учун мсўулиятли қилиб тарбиялашда уз аксини топади.

Яхши ҳуқ-атвор ва узининг меҳнати билан бошқаларга урнат була оладиган маҳкума хомиладор аёллар ёки уч ёшга тулмаган фарзанди бўлса турли ҳилдаги колония ишларидан озод қилиниб муассаса худуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи берилади. Маҳкума аёлларнинг муассаса худудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Жиноят-ижроия кодексининг 131-моддасида уз ифодасини топан.

Маҳкума аёлларнинг болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда боланин қерда тугилганлиги аҳамиятга эга эмас. Болани болалар уйига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ васийлик ва хомийлик ташкилотининг муассаса маъмурияти билан қелишилган қарори асосида амалга оширилади.

Ижобий тавсифга эга маҳкума аёллар хомиладорлик ва тугиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тулгунган қадар муассаса бошлигининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония худудидан ташқарида яшашга рухсат этилиши мумкин.

Муассаса худудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Жиноят кодекси 73-моддаси 4-қисмида қурсатилган қуйидаги тоифа маҳкумларга берилмайди ва уларга жазони муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қулланилмайди:

-умрбод озодликдан маҳрум қилиш авф этиш тариқасида озодликдан маҳрум қилиш қазоси билан алмаштирилган шахсга;

-ута хавфли рецидивистлар;

-уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманин ташкилотчи ва қатнашувчиларига;

-жавобгарликни огирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам улдириш, ун турт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган қабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зурлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни қайритабий

усулда кондирган, психотропмоддаларни куп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш учун ҳукм қилинган шахслар ва хоказо;

Колония ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумлар:

-хона типигаги турар жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар;

-эрталаб уриндан туришдан кечки пайтгача булган вақт мобайнида белгиланган йуналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

-фуқароларкийадиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва кимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

-чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олиш ҳамда жунатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан буш вақтда берилади.

Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

-жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта купол тарзда бузилганда;

-хомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;

-бола уч ёшга тулганда;

Юкорида қисқа булсада маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилиши ва у ҳақида фикр юритилган эди. Муфассал тарзда бу ҳақда фикр юритиладиган булса, муассаса қошида болалар уйи болаларнинг нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитларни таъминлаш учун курилади. Маҳкума аёллар уч ёшга тулмаган болаларини болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан буш вақтда улар билан бирга бўлишга ҳақли ҳисобланади. Болалар уйидаги бола уч ёшга тулганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки ҳомийлик ва васийлик органи қарорига биноан бошқа шахсларга берилиши мумкин, жуда куп ҳолларда эса болалар муассасаларига юборилади.

Агарда маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига купи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган булса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқиши мактабгача ёшдаги болалари бор аёлларга болаларини қариндошларникига, васийларникига ёки бошқа муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориб-келиш вақти ҳисобга олинмаган ҳолда 15 суткагача муддатга руҳсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга эса бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йулга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача булган муддатга четга чиқишга руҳсат этилади.

Шундай турдаги маҳкумлар борки, улар соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланилар, аммо доимо назорат остида сақланадилар. Бу хил турдаги маҳкумлар колония ҳудудидан ташқарида мўлжалланган махсус хона типигаги турар жойларда истикомат қиладилар.

Умуман олганда, сокчисиз ёки кузатувчисиз юриш улар ишининг хусусияти ёки даволаниш зарурияти муносабати билан рухсат этилиши мумкин.

Сокчисиз ва кузатувчисиз юривчи маҳкумлар ҳам бир катор чекланмаган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин:

-эрталаб уриндан туришдан кечки ётишгача булган вақт мобайнида белгиланган йуналишлар доирасида эркин ҳаракатланиш;

-ёнида пул ва кимматли буюмлар сақлаш, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланиш;

-чекланмаган микдорда бандерол, посилка ёки йўқловлар олиш ҳамда жунатиш.

Сокчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумларга узок муддатли учрашув шу мақсад учун махсус ажратиб қўйилган жойларда берилиши мумкин. Бундай учрашувлар муддати уч суткадан беш суткагача белгиланади.

Сокчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган маҳкумлар колонияларнинг хўжалик хизматига оид ишларни бажаришади. Уларни қўриқлов остидаги маҳкумлар билан биргаликда меҳнатга жалб қилиш қатъиян таъқиқланади.

Хўжалик хизматига оид ишларига жалб этиладиган маҳкумлар биринчи уринда тоза ва озода юришлиги, ётоқхонадаги уринлари саранжом булишлиги, хулқи ва узининг меҳнати билан бошқаларга урнак була олишлиги билан ажралиб туради. Меҳнат қилишдан бош тортган ёки ички тартиб қонидани бузган маҳкумлар карцерларга камаб қуйилади.

6-МАВЗУ

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА РЕЖИМ

Жазони ижро этиши муассасаларида режим тушунчаси ва аҳамияти. Режимнинг асосий талаблари. Миллий қонунчиликни эркинлаштириш даврида жазони ижро этиш режимини енгилаштириш. Жазони ижро этиши муассасаларида маҳкумлар қийими. Маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш ва қўриқлаш. Маҳкумларни назорат қилиш ва текиширининг техникавий воситаларидан фойдаланиш, тинтув ва кўздан кечириш. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, тинчлантириш қўйлагини ва махсус воситаларни ишлатиш тартиби ва шартлари. Ўқ-отар қурооларни қўллаш, фойдаланиш асослари тартиби ва шартлари. Жазони ижро этиши муассасаларида алоҳида ҳолат жорий этиш тартиби ва шартлари. Маҳкумларнинг озиқ овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши. Маҳкумларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш тартиби ва шартлари. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашуви ва ёзишмалари. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ва юбориши. Маҳкумларнинг адабиёт ва ёзув

аишларини сотиб олишлари тартиби. Маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши, радио эшитиш тартиби. Маҳкумларнинг алоҳида ҳолларда муассаса доирасидан четга чиқиши. Маҳкумларнинг белгиланган муддатда жойига қайтишдан бўйин товлаганлик оқибатлари.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга қиритгач, жамият ҳаётининг барча соҳаси тубдан ислоҳ этилиб, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида илк саъйи ҳаракатлар бошланди. Шу аснода суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислоҳотлар, либераллаштириш сиёсати айниқса эътиборга молик бўлган ижобий ҳолат сифатида баҳоланмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу борадаги қонунчиликни либераллаштириш ўз навбатида жиноят ижроия қонунчилигига қатор ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлди.

Мустақиллик даврида қонун ҳужжатини демократия талабларига мослаш йўлида эришилган ютуқлар талайгина. Бу борада Республикамизда эришилган ютуқлар ҳақида Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги 2005 йил 28 январдаги маърузаларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлар. Хусусан, ушбу маърузада Президентимиз жиноят ижроия соҳасига тааллуқли қуйидаги фикрларни билдирганлар. “Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларга муддатдан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини яратади. Натижада жазони манзил колонияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча кўпайди. Яъни 1990 йилда манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 21 фоизни ташкил этмоқди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Айни пайтда ушбу кўрсаткич, масалан, АҚШда-715, Россияда-584, Украинада-416, Қозоғистонда-386, Қирғизистонда-390, Эстонияда-339 кишидан иборат”³³.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун белгиланади.



Жазони ижро этиш муассасаларида режим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган Ички тартиб қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ички тартиб қоидалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг барча жазони ижро этиш муассасалари учун мажбурий.

ЖИКнинг 86-моддасига кўра Озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар бундан мустасно республика бюджети ҳисобидан белгиланган намунада кийим, мавсумга қараб, маҳкумнинг жинси ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда ички кийим ва пойабзал билан таъминланадилар.

Жазони ижро этиш муассасаларида, манзил колонияларини истисно этганда, маҳкумлар белгиланган намунадаги кийимлар киядилар. Кийимнинг кўриниши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади. Ички тартиб қоидаларда назарда тутилган ҳолларда маҳкумларга фуқаролик намунасидаги кийимдан фойдаланишга рухсат этилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни батамом ажратиб қўйиш ва қўриқлаш, шунингдек улар сақладиган ва меҳнат қиладиган объектларни қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда ҳар бир муассасада қатъий белгилаб қўйилган кун тартиби тузилади, бу кун тартиби маҳкумларнинг у ёки бу контингенти билан олиб бориладиган ишларнинг хусусиятига, тезкор вазият ҳолатига, ишлаб чиқариш шароитига, йилнинг фаслига, маҳаллий шароитлар ҳамда бошқа аниқ ҳолатларга боғлиқ бўлади. Маҳкумлар томонидан кун тартибини бажаришни таъминлаш учун муассаса бошлиғининг буруғи билан сигнал ва буйруқ бериш тизими жорий этилади. Муассасаларда ҳар куни икки маротаба маҳкумларни бор-йўқлигини умумий текшируви ўтказилади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочиш ва бошқа жиноятларнинг, жазони ўташнинг белгиланган тартибини бузишларнинг олдини олиш, маҳкумлар хулқ-атвори тўғрисида зарур ахборот олиш учун жазони ижро этиш муассасаларида назорат ва текширишнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техникавий воситаларидан фойдаланилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларни назорат ва текширишнинг техникавий воситалари қўлланилаётганлигидан хабардор этиши шарт.

Назорат ва текширишнинг техникавий воситалари рўйхати, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ўз ёнида сақлашга рухсат этилган нарсалар ва буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маҳкумлар ёнидан топилган, фойдаланишга рухсат этилмаган нарсалар ва буюмлар муассаса бошлиғи қарорига биноан олиб қўйилади ҳамда маҳкум озод бўлгунга қадар сақлаш учун топширилади ёки йўқ қилиб ташланади ёхуд давлат фойдасига ўтказилади ва бу ҳақда тегишли ҳужжат тузилади. Нарсалар ва буюмларни давлат фойдасига ўтказиш тўғрисидаги қарор

прокурор томонидан тасдиқланади. Олиб қўйилган пуллар ва қимматли ашёлар уларни олиб қўйган мансабдор шахснинг далолатномаси ёки рапорти бўйича узоғи билан бир суткалик муддат ичида муассаса бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси томонидан кассага ёки бухгалтерияга топширилади. Уларнинг ҳисобини юритиш маҳкумлардан олиб қўйилган пуллар ва қимматликлар дафтарида қайд этилади, дафтар муассасанинг навбатчилик хизмати томонидан юритилади. Назорат хизматини ўташ самарадорлиги устидан назорат қилиш мақсадида бундай дафтарлар контролерлар ҳарбий нарядлари бошлиқлари томонидан ҳам юритилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида фойдаланиш ман этилмаган, лекин маҳкумларнинг ёнида белгиланган тур ва миқдордагидан ортиқча нарса ва ашёлар олиб қўйилади ҳамда сақлаш учун омборга топширилиб, бу хусусда тегишли далолатнома тузилади. Агар омборда сақланаётган нарсалар ёки ашёлар маҳкумга керак бўлиб қолса ва улар белгиланган тур ва миқдордагидан ортиқча бўлмаса, улар берилган ариза асосида эгаларига топширилади.

Маҳкумлар сақлаши ман этилган, улардан олиб қўйилган, аммо қимматли нарса ва ашёлар жумласига кирмайдиган нарса ва ашёлар (спиртли ичимликлар ва ҳ.к.), шунингдек, ноқонуний йўл билан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари маҳкумларнинг ҳозирлигида йўқ қилиб ташаланади ёки омборхонага топширилиб, бу хусусда далолатнома топширилади.

Маҳкумларнинг ёнидан сақлаш ман этилган нарса ва ашёлар, шунингдек ноқонуний йўл билан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари топилганлиги ва олиб қўйилганлиги ҳоллари юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари асосида айбдор шахсларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўрилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, уларнинг буюмлари ва кийимлари, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларининг объектлари ва хоналари тинтув қилиниши ҳамда кўздан кечирилиши мумкин. Шахсий тинтув маҳкум билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Турар жой биноларини уларда маҳкумлар бўлган чоғда тинтув қилишга кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ушбу муассасага ҳамда маҳкумлар ишлаётган объектларга кираётган ва чиқаётган шахсларнинг транспорт воситаларини, буюмлари ва кийимини кўздан кечиришга ҳақли, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тинтув қилиш ва кўздан кечириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолияти:

1. маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш;

2. маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш; жиноятларни ҳамда белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

3. жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш; озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириш;

4. бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини жазони ижро этиш муассасаларининг тезкор хизматлар ходимлари, шунингдек бошқа ваколатли органлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадilar.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин.

Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавага тушсалар, тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади. Тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак. Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан қўлланилмайди. Тинчлантириш кўйлаги батамом ажаритиб қўйилган жойда (интизомий бўлинмада ёки контолернинг хонасида) фақат муассаса бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс кўрсатмаси асосида, тиббиёт ходимининг рухсати билан ва унинг кузатуви остида қўлланилади. Тиббиёт ходими тиббий кўрсатмаларига асосан тинчлантириш кўйлаги қўллаб бўлмаслиги ёки бундай қўйлакни қўллашни қўллашни тўхтатиш тўғрисидаги талаби дарҳол бажарилиши керак. Тинчлантириш кўйлаги қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида далолатнома тузилади, далолатнома муассаса бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан тасдиқланади.

Маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин.

Бошқа усуллар билан муассаса маъмурияти вакиллариининг қонуний талаблари маҳкумлар томонидан бажарилишини таъминлашнинг иложи бўлмаган ҳоллардагина жисмоний куч ва махсус воситалар ишлатилади.

Махсус воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар киради.

Махсус воситалар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1. маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакилларига, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида; маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини

гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

2. гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

3. маҳкумларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш чоғида - қочишнинг олдини олиш учун;

4. жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

5. Махсус воситалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инобатга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситаларни қўллаш маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши лозим.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади, улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Махсус воситаларни қўллаш натижасида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

Алоҳида ҳолларда, агар жиноятни бошқа воситалар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаса, энг сўнгги чора сифатида ўқотар қурол қўллашга йўл қўйилади.

Ўқотар қурол қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1. муассаса маъмурияти вакиллари, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида;

2. гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

3. жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида;

4. озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилик кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;

5. маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида.

Ўқотар қурол қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўқотар қуролни қўллашдан олдин қурол қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш ва юқорига қараб огоҳлантирувчи ўқ отиш керак. Қуйидаги ҳолларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин:

- кўкқисдан ҳужум қилинганда;
- қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда;
- гаровга олинганларни озод қилишда;
- озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида;
- тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

Ўқотар қурол қўлланилганда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун иложи борица барча чоралар кўрилиши зарур.

Ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида рапорт тузилади ва дарҳол прокурорга хабар қилинади.

Табиий офат рўй берган, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилганда муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади. Алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат амал қилиб турган даврда муассасаларда қўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилган тури, объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин. Айни вақтда маҳкумларнинг айрим ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ўз шахсий ҳисобварағидаги пул ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари мумкин.

Сарфлашга рухсат этиладиган пул миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Маҳкумлар енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилганда, меҳнат нормаси ва меҳнат вазифаларини бажарганда, шунингдек байрам кунлари рағбатлантириш тарзида, маҳкумларга энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорининг ўн фоизигача бўлган миқдорда қўшимча пул сарфлашга рухсат этилади.

Бир ой давомида сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий суммаси қуйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

1) умумий тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч бараваридан;

2) қаттиқ тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваридан;

3) махсус тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваридан;

4) турмаларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваридан;

5) тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёллар учун – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч ярим бараваридан.

Муассаса бошлиғи янги келган маҳкумга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизигача, манзил-колонияларда эса - тўлиқ миқдоригача бўлган суммада аванс беришга ҳақли.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув ҳуқуқи берилади.

Маҳкумларга қариндошлари ёки бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади. Қисқа муддатли учрашувлар муассаса маъмуриятининг вакиллари назорати остида ўтади. Бошқа шахслар билан учрашувлар, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг фикрича, маҳкумга салбий таъсир кўрсата олмайдиган ҳоллардагина берилади.

Маҳкумларга яқин қариндошлари (эр, хотин, ота-оналар, болалар, ўғил (қиз) қилиб олган шахслар, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, ака-укалар, опа-сингиллар, бувалар, бувилар, неваралар) билан узоқ муддатли учрашув муассаса ҳудудида ёки, Жиноят-ижроия кодексининг 114 ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, муассаса ҳудудидан ташқарида улар билан бирга яшаш ҳуқуқи билан берилади.

Узоқ муддатли учрашув муддати қуйидагича белгиланади:

- муассаса ҳудудида - бир суткадан уч суткагача,
- муассаса ҳудудидан ташқарида эса - уч суткадан беш суткагача.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Юқумли касалликларга чалинган беморларга учрашувлар шифокор рухсати асосида берилади.

Учрашув учун берилган вақт мобайнида маҳкумлар ишдан озод этиб қўйилади, ана шу кунлар учун уларга иш ҳақи ёзилмайди.

Узоқ муддатли учрашув маҳкумнинг илтимосига кўра қисқа муддатли учрашув ёки телефон орқали сўзлашув билан, қисқа муддатли учрашув эса телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Қисқа муддатли ёки узоқ муддатли учрашув бериш рад этилган тақдирда маҳкумнинг ёки у билан учрашиш истагини билдирган шахснинг аризасига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Учрашувларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 8 майдаги 118-сонли буйруғига илованинг 40§ ида учрашувларга рухсат бериш ва уларни ўтказиш тартиби баён этилган. Унга кўра маҳкумларга учрашувлар муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланган ҳар ойлик жадвалга мувофиқ берилади. Муассаса бўйича учрашувлар ўтказиш жадвали ҳар бир отряд бўйича туркумлар бошлиқлари томонидан тузиладиган учрашувлар жадваллари асосида ишлаб чиқилади.

Учрашувга рухсат жазон ижро этиш муассисининг бошлиғи ёки тарбиявий ишла бўйича ўринбосари томонидан берилади. Маҳкум билан учрашувга келган шахс учрашувга рухсат олиш учун муассаса номига ариза беради. Аризанинг намунаси учрашувга келган қариндошларга мўлжалланган кутиш хонасида осиб қўйилади. Учрашувга келган фуқароларнинг шахсини, шунингдек уларнинг маҳкумлар билан қариндошлик алоқасини тасдиқловчи ҳужжатлар паспорт, шахсий гувоҳнома, туғилгандик тўғрисидаги гувоҳнома (вояга етмаганлар учун), никоҳ тўғрисидаги гувоҳномадир.

Учрашувга келган шахслар муассаса бошлиғи ёки унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томондан қабул қилинади. Мазкур шахслар учрашув вақтида ҳуқ-атвор қоидалари тўғрисида, нолегал йўқловлар берганлик учун жавобгарлик ва бунинг оқибатлари ҳусусида, шу жумладан белгиланган қоидалар бузилган тақдирда учрашув дарҳол тўхтатиб қўйилиши ҳақида огоҳлантириладилар. Зарурат бўлганда қариндош билан суҳбатлашувга туркум бошлиқлари жалб этилади, улар маҳкумларнинг ҳуқ-атвори тўғрисида ахборот бериб ўтадилар.

Учрашувга келган шахслар пул, қимматбаҳо буюмлар, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида фойдаланиш ман этилган нарсаларни учрашувлар ўтказиш бўйича текширувчига сақлаш учун топшириб, ундан тилхат оладилар, пул, буюм ва нарсалар махсус дафтарга қайд этилади. Учрашувга келган шахс жазони ижро этиш муассасасида сақлаш ман этилган нарса ёки буюмларни маҳкумга бериш ёки маҳкумдан яширин тарзда қандайдир материалларни олиш ниятида деб, мўлжаллаш учун етралича асослар мавжуд бўлган тақдирда, жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, ёки унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бундай шахсга учрашувга рухсат унинг буюмлари, усти боши учрашувдан олдин ва кейин кўздан кечирилишига рози бўлган тақдирдагина берилажагини маълум қилади. Агар учрашувга келган шахс буюмлари ва уст боши кўздан кечирилишидан бош тортса, унга маҳкум билан учрашувга рухсат этилмайди. Учрашув бериш рад этилганлиги сабаблари ҳусусида маҳкум хабардор этилади.

Кўздан кечиришда яшириб қўйилган, таъқиқланган нарсалар ва бундай нарсаларни маҳкумларга беришга уринган шахслар аниқланган тақдирда,

муассаса маъмурияти маъмурий ёки жиноий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ иш тутади.

Маҳкумга иккитадан кўп бўлмаган катта ёшли шахслар билан учрашувга рухсат этилади, маҳкумнинг вояга етмаган фарзандлари улар билан бирга бўлиши мумкин.

Учрашувларнинг муддати жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан белгиланади. Барча ҳолларда қисқа муддатли учрашувлар муддати 2 соатдан кам, узоқ муддатли учрашувларнинг муддати эса 1 суткадан кам, агар учрашув берилаётган шахснинг ўзи бундан қисқароқ муддат сўраб туриб олмаса, белгиланиши мумкин эмас.

Учрашувга маҳкумлар ораста кўринишда келишлари лозим. Узоқ муддатли учрашувлар вақтида уларга учрашувга келган шахслар келтирган фуқаролар киядиган кийим кийиб юришга рухсат берилади, учрашув тугагандан кейин бу кийимларни уларни олиб келган шахсларнинг ўзи қайтариб олиб кетадилар.

Маҳкумлар учрашувдан олдин ва кейин тўлиқ тинтув қилинади. Уларга узоқ муддатли учрашувлар ўтказиладиган хонага ўзлари билан ювиниш, таранишда ишлатиладиган ва чекиш учун зарур бўлган нарсаларни олиб кириш имкони берилади.

Узоқ муддатли учрашув хоналарига озиқ-овқат маҳсулотларини (вино, ароқ маҳсулотлари ва пиво бундан мустасно), учрашув кунларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, маҳкумларга ёнларида сақлаш ман этилмаган нарсалар, буюмлар ва ашёларни (тоза қоғоз ва ёзув ашёлари бундан мустасно) олиб кириш мумкин. Маҳкумларга узоқ муддатли учрашув жойларидан учрашув тугаганидан кейин қолган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёларни ёнларида сақлашга рухсат этилган миқдорда ва турда олиб чиқишга рухсат этилади.

Учрашувлар вақтида маҳкумларга бирон бир ҳужжат, ёзув, чизма ва ҳоказоларни бериш ёки улардан шундай нарсаларни олишга, шунингдек, маҳкумлар билан қисқа муддатли учрашувга келган шахсларнинг бирон бир озиқ-овқат маҳсулоти ёки ашёларни олиб киришига йўл қўйилмайди.

Қисқа муддатли учрашувларда суҳбат сўзлашув учрашувга келган шахслар танлаган тилда олиб борилади. Агар жазони ижро этиш муассасаси ходимларидан ёки қоровул қўшинлари бўлинмалари ҳарбий хизматчиларидан биронтаси ҳам сўзлашув олиб борилаётган тилни билмаса, у ҳолда суҳбат мазмунини назорат қилиш учун таржимон ёки бу тилни биладиган бошқа шахс (маҳкумлар бундан мустасно) таклиф этилиши мумкин.

Учрашувни ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилган тақдирда учрашув шу заҳоти тўхтатилади, бу хусусда контролер учрашувга рухсат этган шахсга, унинг йўқлигида эса колония (турма) бошлиғининг навбатчи ёрдамчисига ахборот беради, улар учрашувни давом эттириш ёким тугатиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қиладилар.

Маҳкумлар билан учрашувга келган шахсларн жойлаштириш учун жазон ижро этиш муассасалари ҳузурида меҳмонхона типда қурилган

махсус уйлар барпо этилади. Бу жойлардан шунингдек, узоқ муддатли учрашувлар хоналаридан фойдаланганлик учун учрашувга келган шахслардан ёки маҳкумлардан меҳмонхоналар учун белгиланган тегишли тарифлар ставкалари бўйича ҳақ олинади. Учрашувлар хонаси рўйхатга мувофиқ ускуна ва инвентар билан жиҳозланади.

Муассаса ҳудуди доирасидан ташқаридаги учрашувлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда берилади. шу мақсадда муассаса жойлашган ерда, унинг қўриқланадиган ҳудуди чегарасидан ташқарида махсус жойлар жиҳозланади. Бундай учрашувларни ўтказиш учун келувчиларга мўлжалланган уйлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга техникавий имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи берилади, бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан белгиланган тариф асосида маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағ ҳисобидан тўланади.

Телефон орқали сўзлашувлар миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади. Маҳкумнинг илтимосига кўра, маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келганидан кейин, шунингдек алоҳида ҳолларда унга қўшимча равишда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилиши мумкин.

Интизомий бўлинмаларда сақланаётган маҳкумларга фақат алоҳида ҳолларда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилиши мумкин.

Маҳкумларга қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан телефон орқали сўзлашувга рухсат этилади. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг телефон орқали ўзаро сўзлашувлари тақиқланади. Маҳкумларга телефон орқали сўзлашувга рухсат этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Телефон орқали сўзлашув чоғида муассасанинг ички тартиб қоидаларига риоя этилиши лозим. Телефон орқали сўзлашувларни муассаса маъмуриятининг рухсатисиз ва маъмурият назоратисиз олиб бориш жазони ўташ тартибини қўпол бузиш сифатида баҳоланади. Телефон орқали сўзлашувлар одатда маҳкум ишламайдиган вақтда берилади.

Уяли алоқа аппаратларида, кечкурунги ётиш чоғидан эрталаб ўриндан туришгача бўлган вақтда телефон сўзлашув ҳуқуқини бериш ва шундай сўзлашувни амалга ошириш, телефон орқали иккита ёки бир нечта сўзлашувларни бирлаштириш, иккита ёки ундан ортиқ миқдордаги маҳкумлар гуруҳининг ёки маҳкумлар гуруҳи номидан телефон орқали сўзлашув, шунингдек, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини бошқа шахсга бериш таъқиқланади.

Маҳкумлар телефон орқали сўзлашув берилиши илтимоси баён этилган аризани жадвалда* белгиланган муддатга камида уч кун қолганда берилади. Аризага турма бошлиғи, шунингдек, маҳкумнинг шахсий ҳисобварағида маблағи борлигини кўрсатган ҳолда бухгалтерия ходими ўз ризолик белгисини қўяди. тасдиқланган жадвалдан кўчирмалар ҳар бир туркумда осиб қўйилади. Агар маҳкум телефон орқали сўзлашув берилиши илтимоси баён этилган аризани вақтида бермаган бўлса ёки унга шахсий ҳисобварағида пули йўқлиги боисидан сўзлашув рад этилган бўлса, унинг телефон орқали мазкур сўзлашувни ўтказиш ҳуқуқи йўққа чиқади.

Маҳкум телефон орқали сўзлашувга рухсат олганда фақат бир абонент билан боғланиш ҳуқуқига эга. Маҳкумлар агар абонент жавоб бермаган бўлса, башарти бошқа абонент билан уланиб қолинган бўлса ёки сўзлашув техникавий сабабларга кўра узилиб қолган бўлса, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини такроран олиш ҳуқуқига эга. Телефон орқали сўзлашув муддати ИИВ томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ, 10 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Телефон орқали сўзлашувлар одатда, давлат тилида ёки контролер ёхуд муассаса маъмуриятининг бошқа вакили тушунадиган тилда олиб борилиши лозим. Маҳкумлар телефон орқали сўзлашувга муассаса бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси томонидан овоз кучайтиргич орқали, беш кишидан кўп бўлмаган гуруҳ билан чақирилади. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлар ҳисобини юритиш “Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувларини қайд этиш дафтари” бўйича контролер ёки муассаса маъмуриятининг бундай сўзлашувларни олиб бориш тартиби ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилувчи бошқа вакили томонидан амалга оширилади.

Телефон станциясидан телефон орқали сўзлашганлик учун ҳисоб-китоб варағи олингач, сўзлашув муддати ҳамда телефон орқали сўзлашганлик ҳақи учун унинг шахсий ҳисоб-варағидан чиқарилган пул миқдори маҳкумнинг эътиборига етказилади.

Маҳкум жазони ижро этувчи бир муассасадан иккинчисига ўтказилганда, навбатдаги телефон орқали сўзлашув маҳкум бу ҳуқукдан охирги маротаба қачон фойдаланганлигига қараб белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига етиб келган кундан бошлаб посилка, йўқлов ва бандерол олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Посилка, йўқлов ва бандероллар кўздан кечирилади.

Битта посилка ёки бандеролнинг оғирлиги почта қоидаларида белгилаб қўйилган нормадан, йўқловнинг оғирлиги эса посилканинг белгиланган вазнидан ошиб кетиши мумкин эмас.

* Телефон орқали сўзлашув навбати жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари тасдиқлайдиган ҳар ойлик жадвалда белгиланади.

Олинадиган посилка, йўқлов ва бандеролларнинг миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёлларнинг, шунингдек врач ҳулоасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб эътироф этилган беморларнинг, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг тиббий ҳулоасада белгиладиган миқдорда ва хилларда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига рухсат этилади.

Маҳкумлар чекланмаган миқдорда пул жўнатмалари олишлари ва юборишлари мумкин. Пул жўнатмалари маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига келиб тушади. Маҳкумлар ўзларига яқин қариндош бўлмаган шахсларга, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларга фақат жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг рухсати билан пул жўнатмалари юборишлари мумкин. Пул жўнатмалари почта орқали ўтказилади ёки муассасас кассасига келиб тушиши мумкин. Келиб тушган барча жўнатмалар маҳкумнинг шахсий ҳисоб варағига ўтказилиб, бу ҳусусда у хабардор қилинади. пул жўнатмаларини юбориш учун маҳкум жўнатма миқдорини, олувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатган ҳолда муассаса бошлиғининг номига ариза беради. Зарур ҳолларда, жўнатма нима сабабдан юборилаётганлиги тушунтирилади. Маҳкумнинг аризаси бухгалтерияга йўлланади, бухгалтерия айтилган миқдорни белгиланган тартибда кўрсатилган манзилга ўтказиб, бу ҳусусда ариза берувчини хабардор этади.

Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиши ҳамда юбориши тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар бундан мустасно.

Маҳкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида амалга оширилади. Телеграммалар эгаларига дарҳол топширилади ва жўнатилади.

Хатлар ва бошқа жўнатмалар олиш ҳамда юбориш, шунингдек уларни цензурадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади. Маҳкумларнинг хатларни юбориши фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти орқали амалга оширилади. Шу мақсадда колониялар ҳудудида почта қутилари қуйилган бўлади, уларни шунга ваколат берилган мансабдор шахслар ҳар куни очиб текшириб турадилар. Турмаларда ва умумий тартибли, қаттиқ тартибли колонияларнинг карцерларида, махсус тартибли колонияларнинг камера типигадаги жойларида маҳкумлар жўнатиш учун хатларни маъмурият вакилларига берадилар. Хатлар елимланмасдан (ёпиштирилмаган ҳолда) почта қутиларига ташланади ёки маъмурият вакилларига берилади.

Махфий белгилар билан ёзилган, рамзий нарсалар ифодаланган, шифр ёки бошқа шартли белгилар қўлланилган, шунингдек беадаб, баҳаё тусдаги, таҳдид, ўч олиш билан пўписа қилинган ёҳуд ошкор этиш мумкин бўлмаган маълумотларни акс эттирувчи хатлар кўрсатилган манзилга юборилмайди, бу хусусда маҳкумга маълум қилиниб, хатлар йўқ қилиб ташланади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида ёзишма олиб бориш ман этилади. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида хат ёзишмалари фақат ўзаро қариндошлар ўртасида ва муассаса маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади.

Жазони умумий, қаттиқ тартибли колониялар, тарбия колониялари қабул бўлинмаларининг камераларида, шунингдек махсус тартибли колонияларнинг камераларида ўтаётган озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар, агар улар очик ҳавода ишлаётган бўлмаса, ҳар куни муддати икки соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Сайр қилишнинг муддати жазони ижро этиш колонияларининг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумлар учун Жиноят-ижроия кодексининг 109 ва 127-моддалари билан, жазони турмаларда ўтаётган маҳкумлар учун эса 123-моддаси билан белгиланади.

Маҳкумларнинг сайр қилиши махсус жиҳозланган сайр қилиш ҳовлиларида кундузги вақтда ўтказилади. Сайр қилиш, маҳкум жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Маҳкумлар посилка, йўқлов ва бандеролларда ёзув ашёлари, адабиётлар олишлари, шунингдек уларни савдо шохобчалари орқали сотиб олишлари, чекланмаган миқдорда газета ва журналларга обуна бўлишлари мумкин.

Маҳкумларга урушни, миллий ва диний адоватни, зўрлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи нашрларни, шунингдек беҳаё нашрларни олиш, сотиб олиш, сақлаш ва тарқатиш тақиқланади.

Маҳкум савдо шохобчалари орқали сотиб олган адабиёт у олишга ҳақли бўлган посилка ва бандероллар сонига кирмайди.

Маҳкум ўз ёнида кўпи билан ўн нусха китоб ва журнал сақлаши мумкин. Мазкур миқдордан ортиқча адабиёт маҳкумнинг розилиги билан сақлаш учун топширилади, фойдаланиш учун кутубхонага берилади ёки унинг қариндошлари ва бошқа шахсларга жўнатилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳафтада камида бир марта кинофильм намоиш этилади, улар ишдан бўш соатларида, тунги дам олиш вақтидан ташқари, телекўрсатувлар кўриш, радиоёшиттиришлар эшитиш ҳуқуқига эга.

Камераларда жазо ўтаётган маҳкумларга кинофильм ва телекўрсатувлар кўришга рухсат этилмайди.

Маҳкумларга алоҳида ҳоллар (яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаёти учун хавфли бўлган оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеа) муносабати билан бориш-келиш учун кетадиган вақтни (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда, етти суткагача бўлган муддатга жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга чиқишга рухсат этилиши мумкин. Маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси доирасида четга чиқишга рухсат этилади.

Маҳкумнинг четга чиқишга рухсат сўраб ёзган аризасини муассаса маъмурияти бир сутка ичида кўриб чиқади. Бу ҳақда маҳкумнинг шахси, хулқ-атвори, тасдиқловчи ҳужжатлар бор-йўқлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилинади. Четга чиқишга бериладиган рухсатнома прокурор томонидан тасдиқланади.

Қуйидагиларга:

- 1) ўта хавфли рецидивистлар;
- 2) умрбод озодликдан маҳрум қилиш авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;
- 3) ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар; мажбурий даволанишдан ўтаётган ва юқумли касалликка чалинган маҳкумларга четга чиқишга рухсат берилмайди.

Четга чиқиш вақти жазони ўташ муддати ҳисобига қўшилади. Четга чиқиш билан боғлиқ харажатлар маҳкум маблағлари ҳисобидан ёки бошқа шахслар томонидан тўланади. Маҳкумнинг белгиланган муддатда жойига қайтиб келишини қийинлаштирувчи кутилмаган ҳоллар юз берган тақдирда у борган жойдаги ички ишлар органи бошлиғининг қарорига биноан қайтиш муддати, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятини албатта огоҳлантирган ҳолда, беш суткагача узайтирилиши мумкин.

Маҳкум белгиланган муддатда жойига қайтишдан бўйин товлаган тақдирда у ички ишлар органи томонидан ушланади ва жазони ўташ жойига жўнатилади. Маҳкумларнинг муассаса доирасидан четга чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

7-МАВЗУ

Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар моддий-маиший таъминоти, тиббий хизмат курсатиш ва меҳнати. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойлари, уларнинг овқати. Ҳар бир маҳкумга белгиланган овқат нормаси ва маълум тоифадаги маҳкумларга оширилган нормаларда бериладиган овқат. Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни меҳнатга жалб этишни таъминлаштириш шартлари ва тамойиллари. Маҳкумларнинг баъзи тоифаларини меҳнатга жалб этишининг ихтиёрийлиги. Иш билан таъминлаш. Иш вақти. Иш вақтидан ташқаридаги ишлар. Дам

олиш ва байрам кунларида меҳнатга жалб этиш тартиби. Маҳкумларнинг меҳнат таътили, уларга ҳақ тўлаш тартиби, ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти. Рағбатлантириш чоралари ва уларнинг турлари. Интизомий жазо чораларини қўллаш асослари ва тартиби. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати. Маҳкумларни интизомий бўлинмаларга киритиб қўйиш шартлари. Изолятор ва карцерлар. Жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш тушунчаси. Сақлаш режимини ашаддий бузувчи тушунчаси.

Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддаси озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойи ҳақида фикр юритилган. Унда айтилишича, «озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

Бир маҳкумга тугри келадиган яшаш майдони нормаси куйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

- умумий турар жойларда-икки квадрат метр;
- тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида-икки ярим квадрат метр;
- аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда-уч квадрат метр;
- бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда-турт квадрат метр;
- интизомий бўлинмаларнинг камераларида ҳамда сокчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳукуқидан фодаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда утаётган шахслар учун мўлжалланган хона типидagi турар жойларда-турт ярим квадрат метр.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, курпа-тушак, чойшаб ва керакли инвентар берилади».

Бу хилдаги нормаларнинг белгилаб куйилиши маҳкумларнинг яшашидаги асосий норма ҳисобланади. Хар бир маҳкум узининг содир этган жиноятининг огир ёки енгиллигига қараб, муассаса сақлаш шароитига қараб жойлаштирилади.

Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони утаётган маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Қонунда озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойларининг минимал ва максимал улчами курсатиб куйилган, холос. Бирок бу белгиланган норманинг канча бўлишини муассаса куйидаги хусусиятларга кура белгилаб олади:

- тиббий мезонларга кура;
- маҳкумларнинг ёш даражасига кура;

Жазони ижро этиш муассасаларида яшаш учун мўлжалланган қисмда яшаш уйларида овкатланиш хонаси, дам олиш хонаси, шифохона, укиш ва касб-хунар ургатиш хоналари, магазин, клуб, кир ювиш ва хаммом, кутиш ва учрашув хоналари, кир қуритиш хонаси, кийим-бош ва пойабзалларни таъмирлаш хоналари, маҳкумларнинг штаблари, камера типидagi хоналари, назорат қилиш ва утказиш жойлари, ёз мавсумларида

махкумларнинг саф тортиши, спорт билан шугулланиши ва тарбиявий тадбирларни утказиш майдони, ибодат килиш учун мўлжалланган хоналари ва бошқа иншоотлар булиши шарт. Макумларни яшаш уйларида ювиниш, хожатхоналар, аёллар колонияларида гигиена хоналари булиши керак.

Кишки мавсумда махкумлар яшаш жойлари иситилиб, харорат 18-20 даража булиши таъминланади. Хар бир махкум узи билан совун, тиш чёткаси, тиш пастаси, тарок, румолча, ручка, китоб ва дафтар сақлашлари мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида назорат-утказиш пункти биноси (КПП) ёки унинг ёнида қисқа ва узок муддатли учрашувлар утказиш, посилка ва йўқловлар бериш, телефон орқали сўзлашувни олиб бориш учун хоналар бир-биридан алоҳида, шунингдек, муассаса худудига кириб келаётган шахсларни ҳамда уларнинг буюмларини куздан кечириш учун мўлжалланган бино мавжуд бўлади. Бундан ташқари, махкумларни тинтув килиш жойлари назорат майдончаси якинида ҳамда турар-жой ва ёнма-ён булган ишлаб чиқариш зоналари уртасидаги ички назорат утказиш пункти курилиб, маъмурий бино колония худудидан ташқарида жойлашган.

Махкумлар турар жойларидааги шароит ҳақида тухталадиган булсак, уларга алоҳида каравот, курпа-ёстик, икки кишига битта тумбочка, стол билан таъминланади. Хар бир каравотнинг оёк тарафига махкум ҳақидаги маълумотлар ёзилган белгилар осиб қуйилади. Хафтада камида бир марта махкумлар хаммомга туширилиб, урин-курпа жилдлари алмаштирилади. Муассасада тозалик махкумларнинг бепул ёрдамларидан фойдаланган холда амалга оширилади.

Муассаса худудида махкумларнинг қисқа муддатли ва узок муддатли учрашувлари учун мўлжалланган жойлари ташкил этилади. Бундай жой, одатда, махкумларнинг яшаш зоналари жойларида ташкил этилади ва маъмурият вакили ва соқчилар билан курикланади. Узок муддатли учрашув жойлари меҳмонхона куринишида бўлиб, бу жойларда яшаш пуллик амалга оширилади.

&2. Махкумларнинг овкати, уларга белгиланган овкат нормаси ва маълум тоифадагиларга оширилган нормада берилган овкат

Махкумларнинг овкати масаласи Жиноят-ижроия кодексининг 85-моддаси билан амалга оширилади. Бунда белгиланган озиқ-овкат нормаси киши организмнинг нормал ҳаётини таъминлайдиган даражада булиши керак.

Овкат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан махкумларнинг соғлиги ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади. Махкумларга уларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўшимча овкат берилиши мумкин.

Махкум хомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган овкат оширилган

нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат махсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси 30.08.2003 й. 535- II-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 85-моддасининг туртинчи қисм чиқариб ташланган.

Жазони ижро этиш муассасаларининг интизомий бўлинмаларига киритиб қуйиш тариқасидаги жазо чораси ун беш суткагача булган муддатга кулланилган маҳкумларга овқат камайтирилган норма бўйича берилади.

Маълум тоифадаги маҳкумларга оширилган миқдорда овқат берилади, бунинг боиси шуки оғир меҳнатга жалб қилинганлигида намоён бўлади. Хар бир жазони ижро этувчи муассасада махсус овқат пишириш жойлари бўлади ва тегишлича идиш-товок билан таъминланади. Бир кунда маҳкумларга уч маҳал овқат берилиши шарт. Шунингдек, маҳкумларни ишга жалб қилган корхона ёки муассасалар маблаги қўшимча овқат беришга йул қуйилади. Маҳкумларнинг овқати махсус ошхоналарда ёлланма меҳнат вамаҳкумларнинг узларидан фойдаланган холда пиширилади ва кун тартибида белгиланган вақтлардагина маҳкумларни овқатланишларига йул қуйилади. Маҳкумларга пишириладиган овқат биринчи навбатда сифатли ва калорияга бой булиши лозим. Маҳкумларга таркатиладиган овқат маъмурият вакили ва тиббиёт ходими томонидан текширилади. Овқат учун хом ашёлар махсус сақлаш жойларида сақланади. Колония худудидаги магазиндан маҳкумларга белгиланган норма миқдорида қўшимча озиқ-овқат сотиб олишларига рухсат берилади. Бундан ташқари, белгиланган миқдор бўйича посилкалар олишларига йул қуйилганлиги хам уларга қўшимча озиқ-овқат олишларига имконият яратади.

&3.Маҳкумларнинг тиббий санитария таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 87-моддаси бўйича маҳкумлар тиббий-санитария хизматидан фойдаланади.

Маҳкумларга курсатиладиган тиббий хизмат барча фуқароларга курсатилган бепул ва чеклашларсиз тиббий хизматдан фарқ қилмайди. Маҳкумларга курсатиладиган тиббий хизмат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қонунчилиги ва узаро Ички ишлар вазирлиги билан қабул қилинган махсус буйруқ, инструкция ва фармойишлар билан тартибга солинади. Жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятига маҳкумлар тиббий хизмат курсатиш учун махсус вазифалар билан белгилаб берилади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун маъмурият таркибида махсус тиббий хизмат бўлимлари ташкил этилади. Маҳкумларнинг тиббий-санитария хизмат бўлимлари узига хос хусусиятларга эга.Бу хусусиятлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошида махсус тиббий бошқарма тузилганки, бу бошқарма жазони ижро этиш муассасаларининг тиббий санитария хизматларини хам тартибга солади. Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати курсатиш учун жазони ижро этиш муассаси қошида даволаш бўлими мавжуд. Бу бўлимлар маҳкумларга тиббий хизмат курсатиш вазифасини амалга оширади. Бу хилдаги бўлимлар жумласига тиббий

марказлар, шифохоналар, қисқа муддатли туберкулёз I ва II гуруҳ ногиронлари учун тиббий руйхатга олиш учун махсус колониялар ташкил этилган. Юкумли касалликлар, таносил ва орттирилган иммунитет хасталиги касаллиги, гиёҳванд ва алкоголь касалларни сақлаш ва даволаш учун махсус муассаса ташкил этилади. Таносил касалликлари билан огриган маҳкумлар даволаниш жараёнида колониянинг тиббий бўлимларида бошқа маҳкумлар билан бирга сақланадилар. Орттирилган иммунитет хасталиги гиёҳванд ва алкогольларни алоҳида сақлаш учун махсус колония ёки булинмаларда назарда тутилмаган. Бундай маҳкумлар бошқа маҳкумлар билан биргаликда сақланадилар, лекин улар тиббий руйхатга олинадилар, зарур ҳолларда эса уларга тегишли даволаниш ёрдамлари қилинади. Жумладан, суд томонидан тайинланган мажбурий гиёҳвандлик ёки ичкилибозлик бўйича даволаниш чоралари бундай даволанишнинг тури ҳисобланади.

Маҳкумларни айрим зарур ҳолларда соғлиқни сақлаш тизими тиббий хизматларидан фойдаланишларига ҳам мўлжал қилиниши мумкин. Манзил колонияларида жазони ўтаётган маҳкумлар эса соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан навбати билан фойдаланишларига йўл қўйилади.

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар учун тиббий-санитария хизматлари давлат ҳисобидан амалга оширилади, лекин шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бунда маҳкумларга курсатиладиган тиббий хизмат ўз ҳисоб варакларидан амалга оширилади.

Ў4. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни меҳнатга жалб этишни ташкиллаштириш тушунчаси, шарт ва тамойиллари. Иш билан таъминлаш, иш вақти, дам олиш ва байрам кунларида меҳнатга жалб этиш

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг ахлоқан тузалишида ва қайта тарбияланишида уларнинг меҳнати, таълими ва касб тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш масаласи Жиноят-ижроия кодексининг алоҳида 13-бобида ўз ифодасини топган бўлиб, 88-96 моддаларни ўз ичига олади.

Маҳкумларни меҳнатга жалб қилишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шугулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлигининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борица, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ўшбу Кодекста назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар, одатда, шу муассасанинг қорхоналарида, айрим ҳолларда эса керакли тарзда куриклаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа қорхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Олтмиш ёшдан ошган эркаклар, эллик беш ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга уз хохишларига кура жалб этиладилар.

Маҳкума аёллар хомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилинадилар.

Шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, вояга етмаган ва аёл маҳкумлар бажариш таъқиқланган ишларда ишлашларига йул қуйилмайди.

Озодликдан маҳрум қилинганлар меҳнати озод шахслар меҳнатидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар узларининг касб фаолияти ёки хохишига кура иш танлай олмайдилар.

Маъмурият томонидан берилган ишларнинг улар учун мажбурийлиги.

Маҳкумлар меҳнати вақти меҳнат қонунчилиги билан энг узайтирилган вақтларни ташкил этади.

Маҳкумлар меҳнатига тулов камайирилганлиги энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланади ва ундан бош тортишга ҳуқуқи йук.

Маҳкумлар жазолаш хусусиятлари уларнинг меҳнатларини ташкил этиш жараёнида уз аксини топади.

Маҳкумларни меҳнатини ташкил қилишда уларнинг қобилияти, жисмоний хусусиятлари, билим малакаси каби хусусиятлар бирламчи саналади. Сабаби, жазони ижро этиш муассасасига келиб тушган ҳар бир маҳкумнинг ишга яроқлилиқ хусусияти тиббий комиссияда текширилади. I ва II гуруҳ ногиронлари тиббий комиссиянинг ҳулосасига кура меҳнат қилишга юборилади. Ҳар бир маҳкум узининг касб ҳунаига қараб иш билан таъминланади, бундан қузланган мақсад эса иш унумдорлигини яхшилашда намоён бўлади. Бирок касб-ҳунарга эга бўлмаган маҳкумлар муассаса маъмурияти томонидан иш билан таъминланади. Умуман ҳунар ёки касбга эга бўлмаган маҳкумлар мҳсус касб-ҳунар уқишларида ҳам уқитилади.

Маҳкумлар муассасанинг раҳбарий хўжалик ёки савдо-сотик ишларида ишлашларига тавсия этилмайди. Масалан, озиқ-овқат мудир, назоратчи.

Одатда, маҳкумнинг иш жойи жазони утаётган муассасадан узок масофада бўлмайди, аммо иш жойи зонаса яшаш жойидан 3 км масофадан ошса, маҳкум ишга мослаштирилган транспортда олиб борилади. Маҳкумлар, одатда, бригадаларга бўлинган ҳолда ишга тақсимланади, ҳар бир бригадада узининг бригадири бўлади ва у жавобгар шахс саналади. Бригадир қуйидаги ишларни амалга ошириши шарт:

-бригада аъзоларининг иш сифатини текшириш;

-бригада аъзоларининг иш режасинин бажаришни назорат қилади ва бригада таркибида тартиб-интизомни таъминлаш чораларини куради;

Иш вақти масаласи мамлакат қонунлари ва Жиноят ижроия кодекси нормалари билан тартибга солинади. ЖКнинг 90-моддасига биноан, жазони ижро этиш муассасаларида утаётган маҳкум олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади. Уларнинг иш вақти режимини ижро этиш муассасанинг маъмурияти белгилайди ва умумий иш вақтининг энг қуп нормасидан ошиб қетмаслиги керак.

Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этишга, ишлаб чиқариш зарурати булган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кура амалга оширилади.

Шунингдек, маҳкумларнинг дам олиш вақти тўғрисидаги алоҳида модда Жиноят-ижроия кодексининг 91-моддасида уз ифодасини топган бўлиб, унда маҳкумларга ҳар ҳафтада бир марта дам олиш куни беришлиги, байрам кунлари эса ишдан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

2003 йил 30 августда бу моддага киритилган қўшимча ва ўзгартиришга кура озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди, жазони манзил колонияларда утаётганлар бундан мустасно. Шунингдек, жазони ижро этиш колониясининг интизомий бўлинмаси турар жойларида сақланган вақт ҳақ туланидиган ҳар йилги меҳнат таътили бериш учун зарур муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади.

Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатга тўланидиган ойлик ҳақ қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас. Маҳкумлар меҳнатида чегириб қолиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бир неча истисно, чеклашлар билан амалга оширилади. Бунда ишнинг бошланиш ва тугалланиш вақти колония бошлиғи томонидан белгиланади. Маҳкумга туланидиган иш ҳақи уларнинг ҳисоб варағига утказилади ва ҳақларидан уларнинг барча туловларига утказилиши мумкин.

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларини ва уларга тўташ ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларига ҳақ туламай ишга жалб қилинадилар.

Шунингдек, маҳкумларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сугуртаси масаласи Жиноят-ижроия кодексининг 96-моддасида уз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, жазони утаб турган маҳкумнинг қилган меҳнати иш стажига қўшилмайди. Бироқ, маҳкумнинг жазони ўташ муддати оқланса, унда маънавий зарар сифатида иш стажига 1.5 барабарда қўшилади.

Маҳкумларни рағбатлантириш ва интизомий чоралар қўриш. Изолятор ва қарцерлар.

Ашшадий бузувчи.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқи, меҳнати ва бошқа ишчанлик обриси инобатга олиниб, уларга рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Рағбатлантириш чоралари сифатида:

- ташаққур эълон қилиш;
- илгари қўлланилган интизомий жазо муддатидан олдин олиб ташлаш;
- ёрлик, қимматли совға ёки пул муқофоти билан тақдирлаш;
- қўшимча қўсилма, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш;

-оziк-овқат махсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши учун пул суммасини купайтириш;

-енгиллаштирилган сақлаш шароитига утказилиши мумкин.

Шунингдек, маҳкумларга рағбатлантириш чораси сифатида сокчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи ҳам берилиши мумкин;

Махсус тартибли колонияларда-камералардан умумий турар жойларга утказиш ҳамда йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта бандерол олиш ;

Турмаларда эса йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, битта посилка ёки йўқлов олиш ҳуқуқини беради.

Дарвоқе, ташаккурнома кандай тарзда эълон килинишидан катъи назар, маҳкумнинг шахсий варакасига тикиб қуйилади.

Маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ булган енгиллаштирилган сақлаш шароитига утказиш интизомий жазоси йук маҳкумларга берилади.

Маҳкумларни ахлоқан тузалиши, уни ҳалол меҳнатга ургатиш ва жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-интизомига буйсунишини таъминлаш учун интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилади.

Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга куйидаги турдаги интизомий жазо чоралари кулланилиши мумкин:

- огохлантириш;
- хайфсан;
- енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор килиш;
- интизомий булинмага киритиб қуйиш;
- сақлаш режимини ашшадий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга утказиш;
- сақлаш режимини ашшадий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга утказиш;
- сақлаш режимини ашшадий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга ,колониядан турмага кайтариш бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумлар меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад этиш ёки ишдан бўйин товлашнинг оқибати булмаса, интизомий жавобгарликка тортилмайди.

Интизомий жазо дарҳол ижро этилади. Агар ижро уз вақтида бир ой давомида ижро этилмаган булса, у ижрога кайтарилмайди.

Бир ҳуқуқбузарлик учун бир нечта интизомий жазо бериш таъқиқланади. Интизомий булинмаларга куйидаги шахслар умуман жалб этилмайди:

- I гуруҳ ногиронлари;
- хомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган аёллар;
- ёнида эмизикли боласи бор аёллар;

Интизомий булинмаларда сакланаётган маҳкумлар меҳнатга жалб килинмайдилар.

Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбоштимчалик билан ташлаб кетиши, ҳамда манзил колонияда жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш маҳкумга нисбатан интизомий жазо чораси қўллашга мажбур қилувчи омил ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексида ҳеч бир давлат кодексида учрамайдиган модда мавжуд. Бу 112-модда бўлиб, у сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумлар ҳақида. Жазони ўташ тартибини камида икки маротаба қўпол бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазога тортилган маҳкум ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган жазо сақлаш режимини ашаддий бузувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига 2003 йил 12 декабрда киритилган ўзгартиришларга кўра, жазони ижро этиш муассаса ҳудудини, ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан 24 соатдан кўпроқ муҳлат мобайнида ташлаб кетган маҳкум манзил колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилади. Режимни ашаддий бузувчи енгиллаштирилган сақлаш шароитига, манзил колонияга ўтказилмайди. Шунингдек, бу ҳилдаги маҳкумлар жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этилмайди. Сақлаш режимини ашаддий бузувчиларга соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи берилмайди.

8-МАВЗУ

Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш масалалари

Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш шартлари ва тартиби. Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш шароитлари. Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатлари. Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳукм этилган маҳкумларни авф этиш тўғрисида илтимоснома бериши ва бу илтимоснома кўриб чиқилгунга қадар унинг ҳуқуқий ҳолати. Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш асоси ва тартиби.

Демократия ва инсонпарварлик тамойилларига интилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги савол энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, инсон ҳаёти қадрлилиги ўсиб бориши натижасида ҳозирги кунда ўлим жазоси тарафдорлари сони камаймоқда. Ўлим жазоси

жиноятчиликни тўхтатиши ва жамият ўрнатган тартиб-қоидаларни мустаҳкамлашига ёрдам бермаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

ЖИК 136-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда сақланадилар. Уларга нисбатан ушбу бобда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда махсус тартибли колониялар тартиби татбиқ этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан икки кишидан жойлаштириладилар. Маҳкумларнинг илтимосига кўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазонинг дастлабки ўн йилини қаттиқ сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Жазонинг камида ўн йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар қаттиқ сақлаш шароитларидан одатдаги сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Жазонинг камида ўн беш йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар одатдаги сақлаш шароитларидан енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 102-моддаси биринчи қисмининг [иккинчи—бешинчи хатбошиларида](#) назарда тутилган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Жазони ўташнинг енгиллаштирилган шароитларига белгиланган тартибда ўтказилган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тартибида қўшимча учрашиш ёки телефон орқали сўзлашиш имконияти ҳам берилиши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 105-моддаси биринчи қисмининг [иккинчи](#), [учинчи](#) ва [бешинчи](#) хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари қўлланилади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида белгиланган тартибни ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумлар қуйидаги тартибда:

енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига;

одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, мамлакатда тизимли ва босқичма-босқич тартибда суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда. 2001 йил 29 августда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг бу ислохотлар моҳиятан янги даража – амалдаги жиноят сиёсатини фундаментал демократлашуви даражасида амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш жараёни давлат суверенитети аввалги марказлашган якка ҳокимият ва иқтисодиёт, мақсадлари бугун биз ўз олдимизга қўйган мақсадлардан тубдан фарқланадиган тузумнинг асоратлари мавжуд мураккаб тарихий шароитларда юз берган. Бизга нафақат инқирозга юз тутган иқтисодиёт, бошқарувнинг усуллари, балки номақбул ҳуқуқий тизим ҳам мерос бўлиб қолган эди. Ўша пайтда тоталитар тузумнинг Жиноят кодексида жазо чораси сифатида ўлим жазоси бериладиган ўтгиздан ортиқ жиноят турлари қайд этилганди.

Шу тариқа, юртимизнинг мустақил давлат сифатидаги даври ичида ўлим жазосини тайинлаш ҳолатлари 15 мартадан ҳам кўпроққа қисқартирилди.

2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида Президент И.А.Каримов яна бир маротаба таъкидладики: “...биз ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзини янгича шакллантириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўли билан ислохотлар ва ўзгаришларни эволюцион, босқичма-босқич амалга ошириш тарафдоримиз”. Негаки, ўлим жазосини бекор қилиш учун мамлакатда зарур шарт-шароитлар олдиндан шаклланиши даркор.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган битта маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов, битта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони одатдаги сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва бир марта қисқа муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посилка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва икки марта қисқа муддатли учрашув, уч марта телефон орқали сўзлашув, учта посилка ёки йўқлов, учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар, сақлаш шароитларидан қатъи назар, ҳар куни бир ярим соатгача сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Айнан шу сабаб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш билангина эмас, балки ўлим жазосини бекор қилишнинг моддий-техник ва қонуний жиҳатдан таъминланиши билан боғлиқ бўлган бир қатор ташкилий-тайёргарлик чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Мазкур сабабларга кўра, ўлим жазосининг бекор қилиниши дарҳол эмас, балки маълум бир муддат ўтгач, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республи-касида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги 2005 йил 1 август фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Конституциянинг 13-моддасида инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият эканлиги, 24-моддасида эса, яшаш ҳуқуқи-инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Шундай экан, инсон ҳаётига нафақат жисмоний шахслар, ҳатто давлатнинг ҳам тажовуз қилиши ножоиз, деб ҳисобланиши керак. Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга доир жиноят-ҳуқуқий сиёсат жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

Ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқарилиши айбдор шахснинг жазосини енгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра айбсиз кишиларнинг қонунга хилоф равишда жазоланишларининг олдини олишда аҳамиятли ҳисобланади. Тергов органлари ёки суднинг хатога йўл қўймаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ўтмишда бегуноҳ шахсларнинг ўлим жазосига маҳкум қилинганлиги ва кейинчалик уларнинг айбдор эмаслиги аниқланган ҳолатлар анчагина.

Жиноят учун ўлим жазосининг бекор қилиниши унинг ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши жиноятчини кечириш, дегани эмас. Жиноятчининг узоқ муддат ёки умрининг охиригача озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланиши унга нисбатан ўлим жазосидан ҳам кўпроқ жафо келтириши мумкин.

“Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига ўзгартишлар киритилди.

Бизга маълумки, собиқ мустабид тузумдан то ҳозирги кунга қадар ўлим жазоси бизнинг жиноят қонунчилигида мавжуд бўлиб келган. Эндиликда ўлим жазосини бекор қилиш ва унинг ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига жиддий ўзгартиришлар қилишни тақозо этди.

Ушбу қонунга кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахслар колонияларнинг оғир тури ҳисобланган махсус тартибли колонияларда жазони ўташлиги белгиланган. Шунингдек, Қонунда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 1955 йилдаги “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт” Қоидаларининг 8-бандига талаблари асосида умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар, шунингдек, умрбод озодликдан маҳрум қилиш афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилган ҳолда алоҳида-алоҳида сақланиши белгиланган.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 102-моддаси биринчи қисмининг [иккинчи—бешинчи хатбошиларида](#) назарда тутилган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Жазони ўташнинг енгиллаштирилган шароитларига белгиланган тартибда ўтказилган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тартибида қўшимча учрашиш ёки телефон орқали сўзлашиш имконияти ҳам берилиши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 105-моддаси биринчи қисмининг [иккинчи](#), [учинчи](#) ва [бешинчи](#) хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида белгиланган тартибни ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумлар қуйидаги тартибда:

енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига;

одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Қонунга кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар бошқа маҳкумлар фойдаланиши мумкин бўлган баъзи имтиёзлардан фойдалана олмаслиги белгиланган, жумладан, Жиноят-ижроия кодексининг 82-моддасига кўра, маҳкумларга алоҳида ҳоллар (якин қариндошининг вафоти ёки ҳаёти учун хавфли бўлган оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеа) муносабати билан бориш-келиш учун жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга чиқишга рухсат этилиши мумкин, Жиноят-ижроия кодексининг 113-моддасига кўра, ижобий тавсифга эга маҳкумлар жазони ўташ режими енгилроқ бўлган манзил-колонияларга ўтказилиши мумкин, лекин қонунда белгиланган бу имтиёзлар умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга татбиқ этилмаслиги қабул қилинаётган қонунда алоҳида тарзда белгиланган.

Бу ҳолат умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўлим жазосидан ҳам оғирроқ эканлигидан ва айбдор шахс бутун умри давомида жафо чекиши мумкинлигидан далолат беради.

Шунингдек, Жиноят-ижроия кодексига ўлим жазосини ижро этиш номли 5-бўлимнинг ўрнига янги умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш номли янги бўлим киритилиб, у умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартиби, уни ўташ шароитлари, умрбод озодликдан

махрум қилишга маҳкум қилинганларнинг меҳнатини ташкил этиш тартибларини белгилайди.

Айниқса, умрбод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум қилинганларнинг меҳнатини ташкил этиш тартибини белгиланиши, биринчидан, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 1966 йилдаги “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт” Қоидаларининг 71.3-бандидаги “Маҳкумларга нормал иш кунини тўлдириш учун етарли бўлган фойдали ишни юклатиш лозим” деган норма талабларига мос келса, иккинчидан, фуқароларда умрбод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум қилинганларни давлат бюджети ҳисобидан таъминланар экан, деган фикрни уйғотмасликка олиб келади.

Зеро, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 10-моддаси, 3-банди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра жазонинг асосий мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Ўлим жазоси эса бундай мақсадларни кўзламайди, балки шахсни жисмонан йўқ қилишга олиб келади.

БМТнинг собиқ Бош котиби К.Аннан 2003 йил январь ойида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига тақдим этган баёнотига кўра, “Ўлим жазосини бекор қилиш даражаси ўсиб бормоқда, хусусан, ўлим жазосини бекор қилаётган мамлакатлар сони 76 дан 77 га кўтарилган. Умумжиноий жиноятларга нисбатан ўлим жазосини бекор қилган давлатлар сони 11 дан 15 га ўсди. Ўлим жазосини сақлаб қолишни талаб қилиб чиқаётган давлатларнинг умумий сони аввалгидай 71 тани ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, ўлим жазосини бекор қилишни назарда тутган халқаро ҳужжатларни ратификация қилган давлатлар сони ошди”.

Ҳозирда бутун дунёда ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган катъий тенденция кузатишмоқда. Ундан воз кечган давлатларнинг сони дунёдаги ўртача статистик маълумотларга кўра, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирида йилига иккитани ташкил қилган бўлса, янги аср бошида йилига учтага етди. Айни пайтда 122 мамлакатда ўлим жазоси қонун асосида ёки амалиётда бекор қилинган, 74 мамлакатда эса жазонинг мазкур тури қўлланилади.

Хулоса қилиб қилиб шуни айтиш мумкинки, қабул қилинган ва амалда бўлган мазкур қонун ҳам халқаро ҳужжатларга, ҳам Бирлашган Миллатлар ташкилоти норматив ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияга тўла мос келади.

9-МАВЗУ.

ЖАЗОНИ ЎТАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ

Жазони ўташдан озод қилишнинг тушунчаси ва турлари. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш тушунчаси ва турлари. Маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилишга, шунингдек енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш тартиби. Рад этиш асослари ва такроран озод қилиш учун тақдим этиш тартиби. Муддатидан илгари қўшимча жазолардан озод қилиш. Касаллик туфайли ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилиш тушунчаси, асослари ва тартиби. Жазодан амнистия ёки авф акти асосида озод қилиш тартиби ва шартлари. Жазо ижросини тугатиш асослари ва вақти. Ҳисоб-китоб тартиби, ҳужжатларни ва шахсий буюмларни бериш. Маҳкум вафот этганлиги муносабати билан жазо ижросини тўхтатиш тартиби. Жазони ўтаб бўлиш муносабати билан озод қилиш тартиби. Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш, жазони ижро этиш муасасасаларидан озод қилинган шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш. Вояга етмаган маҳкумларни ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатиш. Ота-оналари бўлмаган, вояга етмаган маҳкумларни интернатларга ёки ҳомийлар қарамоғига жўнатиш.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурулов чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII бобида жазодан озод қилишнинг турлари берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69-модда);
2. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70-модда);
3. Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 71-модда);
4. Шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-модда);
5. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-модда, ЖК 89-модда);
6. Жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-модда, ЖК 90-модда);
7. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75-модда);
8. Амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш;
9. Мажбурулов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш.

Умумий асосда, суд томонидан белгиланган жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлганлик жазони ўташдан озод қилишнинг мазмун-моҳиятини қамраб олади. Жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлганликни ёки умуман, тегишлича суд тайинлаган жазо муддатларини аниқ ҳисоблаш учун маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилишни белгиланган тартибда ташкил этиш лозим. Жазони ижро этиш колониясига қабул қилинган ҳар бир маҳкум тўғрисидаги маълумотлар маҳкумларнинг ҳаракати ҳисобини юритиш ҳамда маҳкумларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини қайд этиш дафтарига киритиб борилади, муассасага келган шахсларга арматура карточкалари билан шахсий ҳисоб варақлар очилади. Жазони ижро этиш муассаса маъмурияти маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни хабардор қилади, шунингдек маҳкумнинг оиласига уни жазони ижро этиш колониясига етиб келганлиги ҳақида муассаса манзилини кўрсатиб, маҳкумга юборилиши ман этиладиган нарса, буюм ва ашёлар рўйхатини илова қилган ҳолда хабарнома юборади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси XIII бобида кўрсатилган жазодан озод қилишнинг турларидан жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69-модда), шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70-модда), айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 71-модда) ва шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-модда) асослари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкум суд томонидан тайинланган жазо муддати тугагунга қадар жазони ўташдан озод қилиниши мумкин бўлган ҳоллар рўйхатига киритилмаган.

Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 69-моддаси мазмунини таҳлил қиладиган бўлсак, суд ҳукми билан муайян жазога ҳукм қилинган маҳкум жазони умуман ижро этмайди. Яъни, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 69-моддасида кўрсатилган муддатлар ичида жазо ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 70-моддаси мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали ҳулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин. Яъни, жиноят содир этган шахс иш судда кўрилаётган вақтда тегишли асослар мавжуд бўлган ҳолда жазодан озод қилиниши мумкин. Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилишда ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этганидан кейин етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин. Яъни мазкур модда мазмунидан кўриниб турибдики, ушбу асосда ҳам жиноят содир этган шахс иш судда кўрилаётган вақтда тегишли асослар мавжуд бўлган ҳолда жазодан

озод қилиниши мумкин. Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Бундан келиб чиқадики, шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан тайинлаган жазо ижро этилмайди. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддаси 6-қисмига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 535-моддасига мувофиқ, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юкланган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Бундай ҳолда маҳкумнинг жазони ўташдан озод қилиниши масаласи умумий асосларда ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 163-моддасида жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш асослари келтирилган бўлиб, суд томонидан тайинланган жазо муддати тугагунга қадар маҳкум:

- ✓ муддатидан илгари шартли озод қилинганда;
- ✓ жазо енгилроғи билан алмаштирилганда;
- ✓ касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли;
- ✓ амнистия ёки авф этилганлиги туфайли жазони ўташдан озод қилиниши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, ушбу жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган, ушбу жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

Маҳкум жазони ўташдан озод қилиниши учун суднинг ҳукми (қарор, ажрим), муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган амнистия қўлланилиши тўғрисидаги қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази томонидан берилган кўрсатма асосида озод қилиниши мумкин.

Маҳкум жазо муддатининг Жиноят кодекси 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини агар маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт.

Маъмурият маҳкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этишни рад этган тақдирда маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Маҳкумга жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш ҳақида тақдимнома киритилишида рад қилиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

- маҳкумни ноинсофлик билан меҳнатга ёшдошиши ёки ижтимоий фойдали меҳнатдан воз кечиши;
- жазони ўташ тартибини қўпол равишда бузилиши;
- мунтазам равишда интизом бузилиши.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштириш суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасида белгиланган тартибда қўлланилади. Унга кўра, Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Интизомий қисмда жазони ўтаётганларга нисбатан ана шу чоралар интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

Ўзининг моҳиятига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони кейинги қисмини ўташдан озод қилишда ифодаланади. Жазони ўташдан шартли озод қилиш моҳияти суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмида маҳкум янги жиноят содир қилмаслиги шarti билан озод қилишда ифодаланади. Буни бошқача талқин қиладиган бўлсак,

жазонинг ўталмаган қисми ўз моҳият-мазмунига кўра, синов муддати ҳисобланади ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

Шахс ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган сурункали руҳий касалликка ёки бошқача оғир касалликка чалиниб қолса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 534-моддасига мувофиқ, судья жазонинг ижро қилинишига мутассадди органнинг тақдимномасига биноан, махсус тиббий комиссиянинг ҳулосасига асосан маҳкум ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир. Жумладан, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти Жиноят кодексининг 75-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади. Айни бир вақтда судга тиббий комиссия ҳулосаси ва маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди юборилади.

Маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш ёки камоқ тариқасидаги жазодан касаллиги туфайли озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус тиббий комиссияси ҳулосаси асосида киритилади. Бундай касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус тиббий комиссияси томонидан кўриб чиқилиши учун ҳужжатларни касалхона маъмурияти ёки жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт бўлимлари тайёрлайди. Муассаса маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус тиббий комиссияси томонидан маҳкумни касаллиги туфайли жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш мумкинлиги тўғрисида ҳулоса чиқарилганидан сўнг, уч кунлик муҳлатдан кечиктирмаган ҳолда ҳужжатларни узил-кесил қарор чиқариш учун судга тақдим қилади.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар. Маҳкумни ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазодан меҳнат қобилятини йўқотганлиги оқибатида озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома ижтимоий таъминот органларининг тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ҳулосаси асосида киритилади. Тиббий-меҳнат экспертизаси ижтимоий таъминот органларининг тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан маҳкумлар

учун ихтисослаштирилган касалхоналар базасида ўтказилади. Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг қарори маҳкумга маълум қилинади ва унинг тиббий амбулатория варағига киритиб қўйилади. Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг раиси томонидан имзоланиб муҳр босилган меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ҳақидаги маълумотнома маҳкумнинг шахсий йиғмажилдига тиркаб қўйилади ва жазони ўташдан озод этилгач, унинг қўлига берилади.

Сурункали руҳий касалликка дучор бўлган маҳкумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда судья унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга ёки уни соғлиқни сақлаш органлари ёхуд қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир. Руҳий касалликка дучор бўлган шахсларда ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлигини, маҳкумнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади. Бундай шахслар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 69-моддасида назарда тутилган жазонинг ижро этиш муддати тугашига қадар ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб бўлгандан кейин тузалса суд тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради ва жазо ижро этилади.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар.

Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар. Ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома тегишли ҳарбий-тиббий комиссиянинг уларни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиш ҳақидаги хулосаси асосида киритилади. Жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёлларни жазодан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома бундай таътил ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжат асосида киритилади. Аёл ҳарбий хизматчилар хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам озод қилинадилар.

Маҳкумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли, бу ажримда кўрсатилиши лозим.

Жазодан амнистия ёки авф акти асосида озод қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки авф этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан жиноят содир этса, суд унга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Афв этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 сентябрдаги УП-1839 сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида афв этиш, қоида тариқасида, республика ҳудудида жойлашган судлар ва ҳарбий судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан уларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномасига асосан амалга оширилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномадан ташқари: а) умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, аммо афв этишни сўраб илтимоснома ёзмаган шахсларга оид мавжуд материаллар; б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан умрбод озодликдан маҳрум қилишга ва бошқа жазо турларига маҳкум этилган фуқароларга нисбатан афв этишни қўллашни сўраб келтирган тақдимномалари; в) жазони ўтаган шахсларнинг суд ҳукмига биноан ундирилаётган моддий зиёни қоплашдан озод қилиш тўғрисидаги аризалари ҳам кўрилади. Суд ҳукми билан жазога маҳкум этилганларни афв этиш:

- ✓ умрбод озодликдан маҳрум қилишни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш;
- ✓ асосий ва қўшимча жазоларни ўташдан тўла ёки қисман озод қилиш;
- ✓ жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо тури билан алмаштириш;
- ✓ судланганликни олиб ташлаш йўли билан амалга оширилади.

Афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳузурида Афв этиш масалалари бўйича комиссия тузилади. комиссия таклифларининг кўриб чиқиши натижаларига кўра афв этиш тўғрисидаги Фармон лойиҳаси тайёрланади. Маҳкумни афв этиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича маслаҳатчилар гуруҳи бу ҳақда аризачиларга хабар беради. Афв этишни сўраб ёзилган илтимоснома қайтарилган тақдирда, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг афв этишни сўраб ёзган такрорий илтимосномалари, агар янги диққатга сазовор ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қоида тариқасида, орадан бир йил ўтгач, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларнинг шундай илтимосномалари эса – орадан олти ой ўтгач Комиссияга кўриб чиқиш учун такроран тақдим этилиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтгунга қадар келган илтимосномалар эътиборсиз қолдирилади, мавжуд ҳужжатларга қўшиб қўйилади ва бу ҳақда аризачиларга хабар берилади.

Афв этиш тўғрисидаги фармонлар:

- умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган бўлса – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Прокуратурасига;
- озодликдан маҳрум қилинган ҳукм қилинган, шартли равишда ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, шунингдек ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳамда судланганликни олиб ташлаш тўғрисида чиқарилган бўлса – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ижро этиш учун юборилади.

Қуйидагилар жазо ижросини тугатиш учун асос бўлади: маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 163-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши; суд ҳукмининг бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши; ҳукмнинг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм билан алмаштирилиши; маҳкумнинг вафоти.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси мазкур жазо муддатига қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охириги куни тугатилади.

Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам куни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан бир кун олдин озод қилинади. Муддат ойлар билан ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли куни, агар мазкур ойда шундай кун бўлмаса – шу ойнинг охириги куни тугайди.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни муддатидан илгари озод қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни иш куни тугагунига қадар олган бўлса, шу заҳоти, иш куни тугаганидан кейин олган бўлса, эртаси куни эрталаб ижро этади.

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати тугаётган куни жазоларни ижро этиш инспекцияси жазони ўтаган шахсни ва у ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот маъмуриятини иш ҳақидан чегириб қолишни тугатиш ва бошқа чеклашларни олиш ташлаш тўғрисида хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассасаси қамоққа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар озод этилаётганда улар билан тўла ҳисоб-китоб қилади, уларнинг шахсий ҳужжатлари, буюмлари ва бошқа қимматли нарсаларини, шунингдек шахсий ҳисобварақларида турган пулларни қайтариб беради ҳамда жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада маълумотнома беради.

Сил касаллигига дучор бўлган шахсларнинг озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга белгиланган намунадаги штамп қўйилади. Сил касаллигига чалинган, одамнинг иммунитет танқислиги вируси – ОИТС билан касалланган, шунингдек, жазо муддатини ўташ вақтида алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликдан мажбурий даволаш курсини ўтаётган ёхуд

ўтаб бўлган маҳкумларга нисбатан, озод бўлишидан камида бир ой олдин, тегишлича одамнинг иммунитет танқислиги вируси – ОИТС билан касалланганлар Марказига, сил касалликлари, наркология диспансерларига ёки озод бўлаётган шахс муқим яшаш учун бориши мўлжалланаётган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш органларининг бошқа махсус даволаш муассасаларига хабарнома юборилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб боради.

Жазони ўташ муддати тугаётган маҳкумлар меҳнат ва турмушда ўрнашиш бўйича инспектор билан суҳбатга таклиф этилади. Суҳбатдан мақсад озод бўлаётган шахсларнинг меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжи, уларнинг ижтимоий фойдали алоқалари, оиласи, қариндошлари ва яқинлари билан ўзаро муносабатлари бор-йўқлиги, озод бўлганидан кейин борадиган жойи, ишга жойлашиш имкониятлари, ҳаётий режалари ва келгусида мўлжалланган ўй-фикрларини аниқлаб олишдан иборат. Айни бир пайтда маҳкумларга озод бўлганидан кейин ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади, ижтимоий реализация масалалари юзасидан тавсиялар берилади.

Меҳнат ва турмушда ўрнашишга эҳтиёжи бўлган шахслар билан суҳбат ўтказилгач, улар алоҳида ҳисобга қўйилади. Улар ҳақидаги маълумотлар яшаш учун ўзлари танлаган ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимликларининг ижтимоий мослашув Марказларига юборилади. Маълумотлар ўз ичига маҳкум озод бўладиган сана, унинг тавсифномаси, ихтисоси, муайян касби бор-йўқлиги, ижтимоий фойдали, бошқа хилдаги алоқалар ва ҳоказоларни камраб олади.

Турмушда ўрнашишга эҳтиёжи бор ёлғиз ногиронлар, нафақа ёшидаги меҳнатга лаёқатсиз маҳкумларнинг илтимосига биноан ногирон ва кексалар уйларига тегишли сўровлар юборилади.

Муассаса маъмурияти “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг таъсири остига тушувчи, яъни ички ишлар органларининг маъмурий назорати ўрнатилиши зарур бўлган шахсларни аниқлайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга тегишли тақдимнома киритади. Маъмурий назорат остига олиниши лозим бўлган шахсларнинг озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотноманинг орқа тарафига ҳамда унинг нусхаларига “Турар жойларда ҳужжатлаштирилиши лозим” деган штамп босилади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахслар яшашни мўлжаллаётган жойга етиб олиши учун йўл ҳужжатлари, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси билан таъминланадилар.

Озод қилинаётган шахсларда мавсумий кийим ва пойабзал, шунингдек уларни сотиб олишга пул бўлмаса, улар кийим ва пойабзал билан бепул таъминланадилар. Шу мақсадлар учун озо қилинаётган шахсларга бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилишини сўраб муассаса бошлиғи номига ариза беради. Маҳкумга кийим ва пойабзал бепул берилади. Шахсий йиғмажилдларида паспорти бўлмаган маҳкумлар озод этилаётганида, турар жойига етиб олганидан сўнг паспорт олиши учун уларнинг қўлига камида иккита фотосурати берилади.

Танланган яшаш жойига етиб олиш учун йўл ҳужжатлари жазони ижро этиш муассасасининг бухгалтерияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида амал қилиши инобатга олинган ҳолда ёзиб берилади. Жазони ўташдан озод этилаётган чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидан четга чиқиши билан боғлиқ масалалар уларнинг ўзлари томонидан, қонун мажмуасида белгиланган тартибда, ички ишлар органларининг кириш-чиқиш ва фуқаролик хизматлари, Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси, хорижий давлатларнинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали ҳал этилади.

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан кечиктирилиб озод этишнинг ҳар бир ҳолати юзасидан хизмат текшируви ўтказилади ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ интизомий чоралар қўлланилади, шунингдек бу ҳақда юқори инстанцияга ҳамда жазони ижро этиш жойларидан қонунга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорга дарҳол хабар қилинади.

Озод этилаётган маҳкумни муассасадан қарздорлиги, у билан ҳисоб-китоб ўз вақтида қилинмаганлиги ва шунга ўхшаш бошқа вазлар уни ушлаб қолиш учун асос бўла олмайди.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумларнинг озод этилганлиги тўғрисида:

- ✓ биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳомиладор аёллар ва ёш боласи (болалари) бор аёлларга, шунингдек вояга етмаганларга нисбатан – уларнинг қариндошлари ёки қариндошларининг ўрнини босувчи шахсларни;
- ✓ ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга муҳтож бўлган шахсларга нисбатан – вилоятлар (туманлар, шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини;
- ✓ сил ва таносил касалликларига дучор бўлган, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мажбурий даволаш курсини тугалламаган шахсларга нисбатан – вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари) ёки соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасаларини;
- ✓ маъмурий назорат остига олиниши лозим бўлган шахсларга нисбатан – ички ишлар ҳудудий органларини олдиндан хабардор этади.

Юқоридаги маҳкумлар касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида, амнистия акти ёки афв асосида озод этилган ҳолларда, шунингдек маҳкумлар жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган тақдирда, билдириш қоғози улар озод этилган куни жўнатилади.

Чет эл фуқаролигидаги маҳкумларни озод қилинажаги ҳақидаги ахборот жазони ўташ муддати тугашига уч ойдан кам бўлмаган вақт қолганда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига, бу маҳкумлар қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлатнинг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига ёхуд шу маҳкумларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналарига хабар бериши учун юборилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс озод қилинаётганда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум қамокқа олингунига қадар рўйхатга олинган жойдаги ички ишлар ҳудудий органининг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи тегишли хизматини хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассаса маъмурияти I ва II гуруҳ ногирон маҳкумлар, ҳомиладор маҳкума аёллар ва ёш боласи бор маҳкума аёллар, шунингдек, вояга етмаган маҳкумларни озод этиш санаси тўғрисида уларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга жазони ўташ муддати тугашига камида бир ой қолганда хабарнома юборади.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар жазодан озод қилинаётганда муассаса маъмурияти мажбурий тартибда қуйидагиларга хабарнома юборади:

- танланган турар жой ҳудуди бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларининг ижтимоий мослашув Марказларига – меҳнат ва маиший жойлашишга эҳтиёжи бўлган озод этилган шахслар тўғрисида;
- озод этилган шахс борадиган жойдаги ҳудудий ички ишлар бўлимларига – озод этилганидан кейин жиноий фаолиятни давом эттириш ниятида юрган шахслар, ўта хавфли рецидивистлар, ўта оғир жиноятлари учун жазони ўтаган, шунингдек тегишли тезкор ҳисобларда турувчи шахслар озод этилганлиги тўғрисида.

Соғлиғи ҳолатига кўра доимий парваришга мухтож шахслар, шунингдек ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига жўнатилади.

Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади. Ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда, интернатларга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади, зарур ҳолларда уларни кузатув билан таъминлайди.

Маҳкум вафот этган тақдирда жазо ижроси тугатилади. Маҳкум вафот этган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу ҳақда зудлик

билан прокурорга хабар қилади ва юқори инстанцияга ахборот беради ҳамда марҳумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилади.

Маҳкум вафот этган ҳар бир ҳолат юзасидан хизмат текшируви олиб борилади ва текширув ҳужжатларига мажбурий тартибда суд-тиббиёт экспертиза ёки паталого-анатом шифокорнинг хулосаси илова қилинади.

Марҳумнинг жасади қариндошларига муассаса маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилади.

Марҳум зўрлик ишлатиш, юқумли касалликлар ва ҳоказо оқибатида вақот этган бўлса, марҳумнинг жасадини бериш тўғрисидаги қарор юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинади.

Агар маҳкумнинг вафоти ҳақида яқин қариндошларига хабар юборилганидан сўнг марҳумнинг жасадини олиб кетиш учун унинг қариндошлари етиб келиши тўғрисида муассаса маъмурияти 48 соат мобайнида тасдиқловчи хабар олмаса, муассаса маъмурияти марҳумни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган тартибда дафн этади.

Муассаса маъмурияти ўлган маҳкум тўғрисида муассаса жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ҳолатларини файд этиш органларига белгиланган шаклда хабарнома юборади, ушбу хабарнома асосида унинг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

10-МАВЗУ.

БОШҚА ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари тушунчаси ва турлари. Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиши асослари. Шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш тартиби. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг мажбуриятлари. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг чекланишлари тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида судга тақдимнома киритиш. Шартли ҳукм қилинганларнинг синов муддатини ҳисоблаш. Шартли ҳукм қилинганлар хулқ – авори устидан назоратни тугатиш. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш тушунчаси ва турлари. Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби. Беморнинг яшаш жойидаги психоневрология муассасаларида уни жамиятдан батамом ажратилган ҳолда мажбурий даволаш. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тушунчаси ва тартиби. Суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш асослари. Касалларни руҳий касалликлар шифохонасига ўтказиш ёки бир касалхонадан иккинчисига кўчириш. Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларни даволашни ташкил этиш ва уларни сақлаш шароитлари. Бемор қочиб кетган ёки вафот тақдирда шифохона маъмуриятининг ҳаракати. Руҳий касалликлар

шифохонасида беморларни назорат қилиш. Беморни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тўғрисида хабар, тартиби ва беморларни яшаши жойига юбориши. Беморлар ва руҳий касалликлар шифохонаси ходимлари хавфсизликларини таъминлаш. Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат қилиш. Қamoқ жазосига ва озордликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш тартиби. Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурият чораларини қўллаш тартиби ва турлари. Жабрланувчидан узр сўраш шартлари ва тартиби. Етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш тушунчаси ва тартиби. Вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг IX-бўлими “Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш” ҳақида бўлиб, мазкур бўлимда 4 боб мавжуд:

31-боб: “Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари ва уларни ижро этиш асослари”;

32-боб: “Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат”;

33-боб: “Тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини ижро этиш”;

34-боб: “Вояга етмаганларга нисбатан мажбурият чораларини қўллаш”.

Республикамиз Жиноят-ижроия қонунчилигига мувофиқ, бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- шартли ҳукм қилиш;
- тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари;
- вояга етмаганларга нисбатан мажбурият чоралари.

Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари ва уларни ижро этиш асоси – **суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ажрими.**

Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 72, 87, 94-96-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд томонидан тайинланади.

Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан ички ишлар органлари ёки ҳарбий қисм қўмондонлиги белгиланган синов муддати давомида уларнинг ҳулқ-атвори устидан назоратни амалга оширади. Албатта, шартли ҳукмда белгиланган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш, унга қўшимча мажбуриятлар юклаш тўғрисидаги суднинг ажрими назорат қилувчи органлар тақдимномасига асосланган бўлиши лозим. Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида ҳукмда унга юкланган мажбуриятларни бажармаса, жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий жазо чоралари қўлланилган бўлса, суд унинг устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди. Мажбурий даволаниш суд ажрими билан белгиланади ва тугатилади, аммо суд даволаниш муддатини белгиламайди. Шахснинг соғайганлиги ёки руҳий

ҳолатида яхшиланиш сезилганда ёки шахс ижтимоий хавфлилиги йўқолганда, мажбурий даволаниш даволаш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан қисқа муддат ичида бўлса ҳам бекор қилиниши мумкин. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ақли норасо шахсларга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсади – бу уларни даволаш ҳамда бу шахслар томонидан янги жиноятларни содир этилишининг олдини олиш ҳисобланади.

Шундай экан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг вазифаси руҳий касал томонидан содир этилиши мумкин бўлган янги ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш бўлиб, унга бемор руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, уни жамиятдан ажратилган ҳолда ёки руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ўзининг мазмунига кўра тарбиявий характерга суд жиноят кодекси 87-моддаси 2-қисмида назарда тутилган асослар мавжуд деб топса, вояга етмаган шахсни жиноий жазодан озод қилиб мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин. Бу билан вояга етмаган шахсни ахлоқан тузатиш ва жазонинг бошқа мақсадларини амалга оширишда суд ишонтириш методига асосланади. Мажбурлов чорасининг қўлланилиши вояга етмаган шахснинг илгариги хулқ-атворининг ножўялиги ва унга эндиликда йўл қўймасликни англаб етишга олиб келади.

Вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган мажбурлов чораларининг моҳияти куйидагилардан иборат:

1. Уларга суд томонидан вояга етмаган шахснинг содир қилган қилмишига ҳуқуқий баҳо бериб, лбатга, салбий чора қўлланилади.
2. Вояга етмаган шахс хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ижро этилади.
3. Уларнинг ижроси давлат томонидан тайинланади.

Жиноят ҳуқуқий таъсир ўтказишнинг ҳар бир чораси кассация шикояти ва ҳукм устидан протест билдириш муддати тугагандан сўнг қонуний кучга киради ва ижро этилади.

Шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби: жазоларни ижро этиш тартиби инспекцияси Шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгиллаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

Шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назорат олиб боришда куйидаги вазифаларни амалга оширишда куйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) маҳбус шахсини, унинг турмуш шароити, атрофидаги муҳитни ўрганиш;

б) муайян шахс иш ёки ўқиш жойи ва яшаш жойидан унинг хулқ-атвори тиклангани ҳақидаги маълумотларни йиғиб шартли ҳукмни муддатдан илгари бекор қилиш; маҳбусдан судланганликни олиб ташлаш;

синов муддати қисқартириш ёки узайтириш ёки узайтириш масалаларини ҳал этиш;

в) ҳукмда белгиланган синов муддати давомида маҳбус томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик актлари ҳақида ваколатли органларни хабардор қилиб туриш;

г) шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд белгилаган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш, ёки қўшимча мажбуриятлар юклаш ҳақида; синов муддати узайтириш ҳақида судга тақдимнома тайёрлаш каби вазифаларни амалга оширилади.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чақирилган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда ҳарбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиши шарт.

Шартли ҳукм қилинган вояга етган шахслар устидан назоарт ички ишлар органи таркибидан жазони ижро этиш инспекцияси томонидан олиб борилади. Шартли ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар устидан назорат эса, уларнинг ҳарбий қисми ёки муассаса қўмондонлиги томонидан олиб борилади. Бу назорат Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жазони ижро этиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат ўрнатилишида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) синов муддати давомида маҳбуснинг шахсий ҳисоб рўйхатини олиб бориш;

б) маҳбусни тартиб-интизмога риоя этишини кузатиш;

в) суд томонидан маҳбусга юклатилган мажбуриятларни бажарилаётганлигини назорат қилиш;

г) маҳбусга тайинланган қўшимча жазолар ижросини таъминлаш;

д) маҳкум устидан назорат қилувчи бошқа органлар, масалан, ҳарбий қисм қўмондонлиги билан доимий мулоқотда бўлиш;

е) шартли ҳукм қилган суд билан муносабатда бўлиш ва бошқалар.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг мажбуриятлари. Шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажариши, шунингдек, чақирувга биноан жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиши шарт. Узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

Шу билан бирга шартли ҳукм қилинган шахслар мажбуриятларига яна қуйидагилар ҳам тааллуқлидир:

а) синов муддати давомида тузалганлигини исботловчи хулқ-атворда бўлиш;

б) юкланган мажбуриятларни (масалан, ижро этиш инспекциясини хабардор қилмасдан ўқиш, иш, яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигини даволатиш, оиласини моддий жихатдан қувватлаш) виждонан бажариш.

Юқорида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик қуйидаги ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади:

- 1) маҳбусга суд томонидан қўшимча мажбурият юклаш;
- 2) синов муддати узайтирилади;
- 3) шартли ҳукм бекор қилиниб, жазо ижро этилади.

Шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш жиноят ва жиноят ижроия қонун ҳужжатлари принципларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва инсонга жисмоний азоб бериш ёки унинг кадр-қимматини камситишга йўл қўймайди.

Жазони ижро этиш инспекцияси айрим мажбурлов характеридаги ваколатларга ҳам эга, жумладан, улар маҳбусларни суҳбатга таклиф қилиш; маҳбуслар хулқ-атвори ҳақида исбот талаб қилиш; узрсиз сабабларга кўра келмаган бўлса, мажбурий келтириш; турар жойи маълум бўлмаган ёки жазони ўташдан бош тортган маҳбусларга нисбатан қидирув ишларини олиб бориш ваколатига эга.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг чекланишлари тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида судга тақдимнома киритиш. Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган синов муддати мобайнида белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақли.

Маҳкум зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда маҳкум хулқ атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиш ҳамда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Жазони ижро этиш инспекциясини шартли ҳукм қилинганликни бекор қилиш ҳақидаги тақдимномаси қуйидаги ҳолатларда киритилади:

- а) агар маҳбус унга юклатилган вазифани бажаришдан бош тортса;
- б) агар у маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилса.

Иккала ҳолда ҳам шартли ҳукм қилинганни ғайриқонуний хулқ-атворини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлдирилиши лозим.

Синов муддатини ҳисоблаш. Синов муддати суднинг ҳукми қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Синов муддатини ҳисоблаш тартиби ЖПКга кўра аниқланади. Жиноят кодекси 72-моддасига биноан шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан синов муддати белгиланади, бу муддат давомида маҳкум ўзининг хулқ-атвори билан ахлоқан тузалганлигини исботлаши керак.

Синов муддати Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига мувофиқ, жиноят ишини кўриб чиққан суд томонидан бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланши мумкин. Агар иш кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, қайтарилганда суд уч кундан кечиктирмай, ҳукм нусхасини ички

ишлар органларига юбориши лозим. Маҳкумга юклатилган мажбуриятларни бажариш муддати – жазони ижро этувчи инспекция ҳукм нусхасини олиб, маҳкумни ҳисобга олган кундан бошланади. Маҳкум ҳисобга олингандан сўнг жазони ижро этиш инспекцияси тегишли бўлган ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг олдига суҳбат учун таклиф қилинади. Бу суҳбатда унга синов муддатининг ҳуқуқий мақоми, унинг хусусиятлари, синов муддати давомида инспекция олдидаги мажбуриятлари ва уларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари тушунтирилади. Вояга етмаган шахс рўйхатга олинганида у билан суҳбатда унинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар иштирок этишлари мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсни жазони ижро этувчи инспекция ҳисобга олганлиги тўғрисида ҳукм чиқарган судга, шунингдек, маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган жой маъмуриятига хабар берилади. Агар маҳкум ҳарбий хизматни ўташ ёшига етган бўлса, мудофаа ишлари бўйича ҳудудий бўлинма хабардор қилиниши лозим.

Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни тугатиш. Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назорат синов муддати тамом бўлиши билан тугатилади ва маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ёки ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги рўйхатидан чиқарилади.

Жиноят ижроия қонунчилигида синов муддатининг тугатилиши ҳисобдан чиқарилишнинг ягона асоси қилиб белгиланган. Лекин бошқа асосларга кўра ҳам ҳисобдан чиқариш мумкин. Буларга қуйидагилар яққол мисол бўла олади:

- янги жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этилганда;
- маҳкум ўзининг муносиб хулқ-атвори туфайли муддатидан илгари шартли ҳукмни олиб ташлашга сабаб бўлганида;
- шартли ҳукм бекор қилиниб, маҳкум ҳукмда кўрсатилган жазони ўташ учун колонияга юборилганида;
- маҳкум вафот этганида;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- маҳкумнинг яшаш манзили ўзгарганда ҳам ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Сўнгги ҳолатда ҳисобдан чиқариш назоратни тугатилишига сабаб бўлмайди. Маҳкумнинг ҳужжатлари янги яшаш жойидаги жазони ижро этиш инспекциясига юборилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш

Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш жараёни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган йўриқномаси билан тартибга солинади. Ички ишлар органи ёрдами билан соғлиқни сақлаш муассасалари касал шахсни

шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суд ажрими ижросини таъминлайдилар.

Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ қуйидаги тартибда қўлланилади:

- мажбурий амбулатория кузатуви ва психиатрда даволаш – беморнинг яшаш жойидаги психоневрология муассасалари томонидан амалга оширилади;
- беморни жамиятдан батамом ажратиб мажбурий даволаш – унинг руҳий ҳолатига қараб, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонларида ёки умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарининг соғлиқни тиклаш бўлинмаларида ёхуд кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналари ёки бўлинмаларида ўтказилади.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қуйидаги тартибда қўлланилади:

- жамиятдан батамом ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда;
- қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга – жазони ўташ жойида, озод қилинганларидан сўнг даволашни давом эттириш зарурати бўлганда эса – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда.

Касалнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлашда бир қатор клиник-руҳийпатологик ва ижтимоий руҳий ҳолатларни инобатга олиш керак. Руҳий патологиянинг қуйидаги шакллари ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракатнинг клиник руҳийпатологик омилларига киритиш мумкин:

- а) ҳулқ-атвор юқори фаоллашган руҳий танқислик;
- б) кескин ҳаракат билан изоҳланадиган ва аниқ бир шахсга ёки корхонага қаратилган, маълум маънога эга бўлган алаҳсираш ғоялар;
- в) тез-тез қўзғалиб турувга эга бўлган ва тажовуз билан изоҳланадиган ҳолат;
- г) ўзини айблаш васваси билан руҳий азобланиш ҳолати ва бошқалар.

Демак, беморни жамиятдан батамом ажратиб мажбурий даволаш – унинг руҳий ҳолатига қараб, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарининг соғлиқни тиклаш бўлинмаларида ёхуд кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналари ёки бўлинмаларида ўтказилади.

Маҳбусларни жамоадан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш, Ўзбекистон Республикасининг “Сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинганларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунга биноан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 майдаги 195-сонли қарори билан сурункали

алкоголизм ва гиёҳванд касалларни мажбурий даволаш учун махсус даволаш – профилактик муассасаларни ташкил қилиш тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Бу Низомнинг 2-бандига мувофиқ, махсус даволаш – профилактик муассасалар муассасаларига алкоголизм ва гиёҳванд касалларни мажбурий даволаниш учун соғлиқни сақлаш органларининг наркологик муассасасида даволанишдан бўйин товлаган, жамоат тартибини бузган, аҳоли соғлиғига хавф соладиган касалликлар жойлаштирилади. Мажбурий даволаниш муддати касал даволанишга ётқазилгандан бошлаб 5 кун ичида комиссия тартибида даволаш муассасаси томонидан ҳал этилади. Рухий касалларнинг мажбурий даволаниши шахс даволанаётган муассаса комиссиясининг қарори асосида тугатилади. Даволаниш муддати 1,5 йилдан ошмаслиги лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш, ҳақидаги суднинг ажрими чиққан чиқарилган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва унинг вакили томонидан шикоят, прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Суд психиатрия экспертизасини тайинлаш асослари: Ҳибсда ушлаб турилган шахсларнинг суд-психиатрия экспертизаси суриштирув, тергов, прокуратура органининг қарори ёки суднинг ажрими, қамок жазосига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса – қамок уйи ёки жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг қарори асосида тайинланади.

Рухий касалларни кўчириш. Касалларни рухий касалликлар шифохонасига кўчириш, шунингдек уларни бир касалхонадан иккинчисига ўтказиш қонун ҳужжатларига белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Рухий касалларни шифохонага ўтказиш ёки бир касалхонадан иккинчисига ўтказишда тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган органлар хабардор қилинади. Бу органлар кўчириш учун транспорт ва қўриқловни таъминлайди.

Тўхтатилган жиноят иш ўз юритишда бўлган тергов ёки суд органлари хабардор қилинган, мажбурий даволанаётган рухий касални рухий шифохонанинг бир бўлимидан иккинчи бўлимига ўтказиш мумкин:

- шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида соғлиқни сақлаш органининг бош руҳшуноси томонидан;
- республикамиз ҳудудидаги бир вилоятдан иккинчисига ўтказиш – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош руҳшуноси томонидан ўтказилади.

Рухий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволанаётган беморлар ҳуқуқи:

- ҳар куни сайр қилиш;
- хатлар, посилка, йўқлов ва бандероллар, шунингдек пул жўнатмалари олиш ва юбориш;
- қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш;

- диний расм-русумларни адо этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳамда уларни ўз ёнида сақлаш;

- касалхона кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга;
- беморлар адвокат хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Даволаш самарадорлигини ва касаллар ёки бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда беморларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

Беморлар тайинланган муолажани қабул қилиш ва ички тартиб қоидаларига риоя этиши шарт.

Руҳий касалликлар шифохонасида беморларни сақлаш шароитлари.

Руҳий касалликлар шифохонасида беморлар касаллик тури, ҳуқ-атворининг хусусияти, руҳий ва жисмоний ҳолатини инобатга олиб, уларни батамом ажратиб қўйишни таъминловчи ҳамда улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш қочиш, сақлаш режимини бузиш эҳтимолининг олдини олишни таъминловчи шароити бор палаталарда жойлаштирилади.

Эркаklar ва аёллар, катталар ва вояга етмаган шахслар алоҳида-алоҳида сақланади.

Бир беморга тўғри келадиган фойдали майдон нормаси 5 метр кв.дан кам бўлиши мумкин эмас.

Беморларга овқат ва касалхона кийими бепул берилади. Беморларни овқат ва уст бош билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Посилка, йўқлов, бандерол ва пул жўнатмалари олиш ҳамда юбориш, учрашувлар ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, сақлаш, шунингдек беморларга ҳар куни бериладиган сайр тартиби ички тартиб қоидалари билан белгиланади.

Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларга узоқ муддатли учрашув берилмайди.

Бемор номига келиб тушган пуллар унинг шахсий ҳисоб варағига ўтказилади.

Озиқ – овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни беморлар пул ўтказиш йўли билан сотиб оладилар.

Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларни даволашни ташкил этиш. Руҳий касалликларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган ташхис қўйиш, даволаш ва соғлиқни тиклаш усуллари қўлланган ҳолда ўтказилади. Касалларни меҳнат жараёнларида, спорт тадбирларида иштироки, маданий даволаш муолажаларига жалб этилиши тиббий ходимлар томонидан ташкил этилади. Руҳий касалнинг меҳнат, маданий муолажалари вақтида, шунингдек, сайр қилиш ва учрашув давомида учрашув устидан назорат қилиш ва кузатиш тиббий ходимлар томонидан ёки касалларни қўриқловчи ички ишлар органларининг махсус йўлланмаси томонидан амалга оширилади.

Мажбурий даволанишда бўлган барча руҳий касалларни уларнинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун ва суд олдига тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун ҳар 3-6 ой ичида камида бир марта даволаш муассасаси бош шифокори тақдимномасига асосан тузилган ва тегишли соғлиқни сақлаш органи томонидан тасдиқланган шифокорлар комиссияси текширувидан ўтиб туришлари керак. Агар бемор руҳиятида ўзагриш сезилса, бундай тадбирлар 6 ой ичида исталган вақтидун амалга оширилиши мумкин.

Бемор қочиб кетган ёки вафот этган тақдирда шифохона маъмуриятининг ҳаракати. Мажбурий даволанишда бўлган бемор қочиб кетган тақдирда руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти зудлик билан уни қидириб топиш чораларини кўриши ҳамда бу ҳақда шифохона жойлашган ердаги ва бемор, унинг қариндошлари ёки васийлари яшайдиган жойдаги прокурорни, ички ишлар органларини, психоневрология диспансерини, шунингдек мажбурий даволаш чорасини тайинлаган судни хабардор қилиши шарт.

Мажбурий даволанишда бўлган бемор вафот этганлиги тўғрисида руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти унинг қариндошлари ёки васийларини, прокурор ва судни, шунингдек бемор яшайдиган жойдаги психоневрология диспансерини хабардор қилади. Вафот этган бемор жасадини бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Вафот этган беморнинг жасади паталогоанатомик текширилиб, бу ҳақда батафсил қайднома тўлдирилади. Агар вафот этган беморнинг қариндошлари ва қонуний вакиллари жасадни кўмиш учун олиб кетиш хоҳишларини билдирилса, улар касал ўлганлиги ҳақида хабарнома олганларидан сўнг 24 соат ичида касалхона маъмуриятига мурожаат этиши керак. Агар бу шахслар ўлган беморнинг мурдасини олиб кетиш хоҳишини билдиришмаса, ўлим ҳақидаги хабарнома берилгандан сўнг 48 соат ўтгач, ўзи дафн этиши мумкин. Агар ўлим ўта хавфли юқумли касалликлар оқибатида келиб чиққан бўлса, марҳумнинг жасади қариндошларига ва қонуний вакилларига берилмайди.

Агар беморнинг ўлими зўравонлик натижасида келиб чиққан бўлса, руҳий касалхона маъмурияти, шу заҳоти, бу ҳақда касалхона жойлашган жойдаги прокуратурага ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош руҳшуносига керакли чоарлар кўриш учун хабар беради.

Беморни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тўғрисида хабар.

Беморни шифохонадан чиқаришдан ўн кун олдин руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти бу ҳақда унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига, шунингдек унинг қариндошлари ёки васийларига хабар қилади.

Мажбурий даволаниш суд томонидан бекор қилинганидан кейин ўн сутка ичида даволаш муассасаси маъмурияти беморнинг яшаш жойидаги психоневрология диспансерига амбулатория картасидан кўчирма юборади ҳамда унинг қариндошлари ёки васийларини, шунингдек беморнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларини воқеадан хабардор қилади.

Беморни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби. Беморни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Руҳий касалликлар шифохонасидан чиқарилган шахсларга даволанишда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома берилади.

Беморларни яшаш жойига юбориш. беморлар яшаш жойига қариндошлари ёки васийлари ёхуд тиббий ходимлар кузатувида юборилади.

Беморнинг яшаш жойигача етиб бориш, кузатувчи шахснинг эса, бориш-келиш харажатлари давлат ҳисобидан тўланади.

Касаллар ўзларинин яқин кишилари ва қариндошлари билан қочиш имкониятлари чекланган махсус жиҳозланган бинода шифохонанинг қўриқлаш билан шуғулланадиган ички ишлар органлари бўлинмасининг назоратчиси ва тиббиёт ходимлари вакиллари иштирокида учрашишлари мумкин. Учрашув учун ажрим чиқарган суднинг розилиги талаб этилади.

Беморлар ва руҳий касалликлар шифохонаси ходимлари хавфсизлигини таъминлаш. Беморлар ва ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, беморларнинг руҳий касалликлар шифохонасида (бўлинмаси) доирасидан ташқарига ўзбошимчалик билан чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида назорат рухсатнома тизими жорий этилади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарини қўриқлаш тиббий ходимлар томонидан, суд-психиатрия экспертизаси бўлинмалари ва кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналарида – ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Бемор жазавага тушган, шунингдек тиббий ходимларга итоат этмаган ва уларга жисмоний қаршилик кўрсатган тақдирда унга нисбатан қўлқишан, боғлаш воситалари ва бошқа махсус воситалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўлланилиши мумкин.

Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат. Руҳий касалликлар шифохоналарида (бўлинмаларида) мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат соғлиқни сақлаш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Касалларни руҳий шифохона ҳудудидан четга чиқишлари таъқиқланади. Тайинланган муолаждани олишдан бемор бош тортса, у мажбурий равишда амалга оширилиши мумкин.

Суд мажбурий даволашни бекор қилганидан сўнг, бемор чиқишигача 10 суткадан кечиктирмасдан руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти беморнинг яшаш жойидаги руҳий асаб диспансерига амбулатория картасидан кўчирма юборади ҳамда унинг яқин қариндошларини ёки қонуний вакиллари, шунингдек, турар жойидаги милиция бўлимини унинг асаб касаллиги ёки ичкиликбозлиги ҳақида хабардор қилади.

Руҳий касалхонада мажбурий даволаниш ўз вақтида ва тўғри ўтказиш устидан назорат “Соғлиқни сақлаш ҳақида”ги Республикамиз қонунига мувофиқ, соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш

тартиби. Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурият чораларини қўллаш

Амалдаги жиноят қонунида вояга етмаган шахсларга нисбатан қўйидаги мажбурият чоралари қўлланилади:

1. суд белинган шаклда айбдорга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;
2. ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки батараф қилиш мажбуриятини юклаш;
3. вояга етмаган шахсни махсус ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш.

Жабрланувчидан узр сўраш. Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки яқин тартибда узр сўрайди. Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди. Тарбиявий мақсадларда суд вояга етмаганлар ишлаётган ёки ўқиётган жойда узр сўрашни белгилаши мумкин. Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурият чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

Агар узр сўраш кўпчиликнинг олдида ўтказилаётган бўлса, маҳалла кўмитасининг вакили ва участка нозирининг иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Яқин тартибда узр сўралганда эса жабрланувчи судга бўлиб ўтган кечирим ҳақида хабар бериши шарт. Бундай хабар оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Вояга етмаганлар томонидан узр сўраш амалиёти ҳали етарлича ривожланмаган. Шунинг учун суд вояга етмаганлар комиссияси ёрдамида бу йўналишда ижодий ёндашиши мумкин.

Етказилган зарарни тўлаш ёки батараф этиш. Вояга етмаган шахснинг етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаши ёхуд батараф этиши суд томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаш ёхуд батараф этиш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурият чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

Агар зарар бир неча вояга етмаганлар томонидан етказилган бўлса, улар етказилган зарар учун биргаликда жавобгар бўладилар. Вояга етмаган шахснинг ота-оналари, васий ва ҳомийлари жиноят ишида фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари сифатида жалб этилишлари мумкин. Бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича етказилган зарарни батараф этиш мажбурияти айбланувчига юклатилган бўлсада, ота-оналар ёки қонуний вакиллар суд ёки прокурорнинг ташаббуси билан ишга жалб

килинмаган бўлса ҳам, мустақил даъво бўйича уларни ишга жалб қилиши мумкин.

Маҳкумларни ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш. Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирига оид ишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Махсус ўқув-тарбия муассасаларида жойлаштирилган ва рўйхатда турган вояга етмаганларнинг аксариятини 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади. Бу ёшдаги ўсмирлар ҳамма нарсага таъсирчан ва қизиқувчан бўладилар. Бу ёшдагиларда оилада тарбия бўш бўлса, катталар таъсирига тез тушиб қолади ва албатта, ўз навбатида оддий шўхлик уни қониқтирмасдан ўсмир жиддийроқ ишларга, масалан жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда юқорида кўрсатилган муассасаларга юбориш учун ҳужжатларни расмийлаштириш вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекцияга юклатилган.

Махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилган вояга етмаганларга аксарият ҳолларда илгари уларга тарбиявий ва бошқа турдаги чоралар қўлланилган бўлади. Шунинг учун вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция вояга етмаганлар билан чуқурроқ ва қаттиқроқ йўналишда тарбиявий чоралар қўллаши лозим.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

УМУМИЙ ҚИСМ

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқининг асосий қоидалари, фан тушунчаси, предмети ва тизими. Жиноят-ижроия қонунчилиги.....
2. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати.....

МАХСУС ҚИСМ

3. Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларни ижро этиш.....
4. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш ва ижро этиш. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни классификациялаш тушунчаси.....
5. Колония ва турмаларда жазони ўташ.....
6. Жазони ижро этиш муассасаларида режим.....
7. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар моддий – маиший таъминоти, тиббий хизмат кўрсатиш ва меҳнати. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган интизомий ва рағбатлантириш чоралари.....
8. Узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш масалалари.....
9. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш.....
10. Жазони ўташдан озод қилиш.....
11. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш.....

ХУЛОСА.....